

1
Издательство
ШЕРРИАТИ
АВТОБОГИЯСН
1

ЎЗБЕК
ШЕЪРИЯТИ
АНТОЛОГИЯСИ

Сборник

БЕШ
ТОМЛИК

ЎЗБЕКИСТОН
ДАВЛАТ БАДМИН АДАБИЕТ НАШРИЯТИ
ТОШКЕНТ - 1961



ЎЗБЕК
ШЕЪРИЯТИ
АНТОЛОГИЯСИ

КЛАССИК ШЕЪРНУҲТ

ЗА МАКИИ
ВУСАТНИ
АҲСАФОН

ЎЗБЕКСТОН
ДАВЛАТӢ АДДИӢ НАУҖРӢ
ДОШКЕНТ - 1981

САРВАР АЗИМОВ
тахрири остида

Темни тузувчилар:

ОЛИМ ШАРАФУДДИНОВ
АЗИЗ ҚАЮМОВ
РАҲМАТ МАЖИДИЙ

Рассом
М. Я. ШЧИРОВСКИЙ

Ўз—16
Ўз—1

Ўзбек шеърияти антологияси. Беш томлик. Т. 3.
Ўззадабийншр, 1961.

Т.

Т. 3. Классик шеърият. 440 бет.

Антология. В 5-ти томах. Т. 3.



МУҲАММАД СОЛИҲ (1455—1506)

Муҳаммад Солиҳ Нур Саид ўғли 1455 йилда Хоразмда туғилган ва Ҳиротга келиб, ўз даврининг буюк мутафаккир шоири Абдураҳмон Жомий қўлида таҳсил олиш шарафига етишган. Темурий мирзо Ҳусайн Бойқарога садоқатсизликда айбланган Нур Саид, 1465 йилда унинг Ҳурсондаги ҳокими томонидан Марв шаҳрида ўлдирилгач, ўн ёшида отасидан етим қолган Муҳаммад Солиҳ бошига кўп хўрликлар ва зўрликлар тушади. У гоҳ Ҳурсонда, гоҳ Самарқандда саргардан бўлиб юради.

Муҳаммад Солиҳ бир неча вақт темурийларга, шу жумладан, унинг отасини ўлдирган Ҳусайн Бойқарога хизмат қилишга

мажбур бўлади, лекин ҳеч қандай илтифот ва яхшилик кўрмайди. Бунинг устига у, ўз оиласидаги фожианинг сабабчилари бўлган темурийларга, айниқса Ҳусайн Бойқарога нисбатан нафрат ва ғазаб билан қайнар эди. Шу сабабдан Муҳаммад Солиҳ 1499 йилда унинг хизматидан кетиб, темурийларга қарши катта уруш бошлаган Шайбонихон ҳузурида яшайди.

Шайбонихон саройида «Амирул-умаро»лик мансаби ва «Маликүш-шуаро»лик мартабасига эришган Муҳаммад Солиҳ, хоннинг 1505 йилгача олиб борган қонли урушларида қатнашади ва 1499 йилдан бошлаб «Шайбонинома» достонини ёзишга киришади. Тарихнинг хабарича Муҳаммад Солиҳ кўп лирик шеърлар ҳам яратган. Афсуски, шоирнинг на ўзбек тилидаги ва на форс-тожик тилидаги шеърлар тўплами бизгача етиб келмаган.

Шарқда кенг тарқалган жангномалар услубида битилган «Шайбонинома» 9 000 мисрага яқин бўлиб, 76 фаслдан иборатdir. Достонда, шоирнинг мақсадларидан қатъи назар, ўша нотинч даврнинг оғир лавҳалари, қонли урушлар манзараси, халқ бошига тушган азоб ва кулфатлар ўзининг реалистик ифодасини топган. Асарнинг ва Муҳаммад Солиҳ ижодининг моҳияти ҳам шундадир.

Муҳаммад Солиҳ 1506 йили Бухорода вафот этган.



ШАЙБОНИНОМА
(Достондан парча)

И момуз-замон Хузор элинин олиб, аҳл ва авлодлариға
имон ўргатгонидин сүнг Қаршини қабаб, Боқига
үрушдин онт бергани

Чун Хузор аҳлиға тақдири худо
Солди бу навъ бузуғлиқ ул аро.

Яна хон келди Бухоро сори,
Чериги соғу саломат бори.

Ез очилғоч, яна озим бұлди,
Қаршининг азмиға жозим бұлди.

Етибон Қаршиға, бұлди сокин,
Айлади ҳукмки: «Тобин, тобин,

Қалъа давриға олиб малжолар,
Шоху най бирла солиб малжолар,

Тегра ёним олиб үлтурсунлар,
Кеча-кундуз урушатурсунлар».

Ҳукм ила барча қабай туштилар,
Қамишу шохға ёпуштилар.

Құчалар ясадилар қалъа сари,
Бошдин хурраму сарсабз бари.

Қалъа сари қиласын деса гузар,
Құча гашти қилур әрди лашкар.

Ташқари сабзаю саҳрою баҳор,
Ичкари жибаю дарди дили зор.

Ташқари лолаи нуъмон очилиб,
Ичкари әл күзидин қон сочилиб.

Ташқари айшу нишоту суҳбат,
Ичкари меҳнату ранжу заҳмат.

Ташқари элга уммиди жовид,
Ичкари эл бари жондин навмид.

Ташқари элга ғанимат тушти,
Ичкари элга ўлат ёпушти.

Гоҳ уч юз киши ўлди бир кун.
Гоҳ ўн кент эли бўлди бир кун.

Бўлди андоқ ўлатиким, даврон
Ул ўлатни кўруб ўлди ҳайрон.

Икки ойким қабал эрди анда,
Оз киши қолди ўшул қўргонда.

Қолғани ҳам бари bemor эдилар,
Fуссаю ғам қўлида зор эдилар.

Сайде бор эди ул қўрғон аро
Деди: «Ул қалъа аро ҳукми худо.

Бир ўттуз минг кишини ўлтурди,
Токи бу ердин ўшул хон турди...»

Ҳеч ким кўрмади бу таври ўлат,
Келди ул қалъага бир даври ўлат.

Эл қирилди барии охири кор
Боқи тархон доги бўлди bemor.

Зорлиқ айлади хон ҳазратиға,
Йибориб әлчисини хизматиға.

Ким: «Манга лутф қилиб, йұл берсун,
Бу үлатдин мени хон ойирсун».

Хон дедиким: «Мен анга йұл берайин,
Жонидин хори жафо(ни) терайин.

Шарт қылсун кетарига мундин,
Ақд қылсун йитарига мундин!..»

Хон сұзин чунки әшитти Боқи,
Деди: «Бор лутфу мурувват choқи;

Хон агар қылса мурувват, мен ҳам
Айлайн шарт бағоят маҳкам...»

Ҳарами устида шарт айлади ул
Ким: «Қачон хон манга лутф айласа йұл,

Бошим олиб кетайин құрғондин,
Ҳарна ҳукм үлса яна ул хондин.

Тутайин ҳукмини жоним бирлан,
Бу ишим барчаға бұлсун равшан...»

Чун бу шарт айлади Боқи тархон,
Қаршидин келди Бухоро сари хон,

Анга чун бұлди бу янглиғ фурсат,
Қочтию, билди үзига давлат.

*Ҳазрати И момуз-замон ва Ҳалифатур-раҳмон мизаф-
фарииддин Султон Маҳмуд баҳодирни ғизига қўшиқб
Ҳисор вилоятига Хисравшоҳ устига борғони ва Хис-
равшоҳни қочуруб, вилоятларидин мол олғони ва
Хоникахон била Аллаҳаҳоннинг ало бўлғонини маълум
қилиб, андин мурожиат қилғони*

Хонға чун борди хабар Султондин,
Ким етиб келди фалон қўрғондин.

Хони Шайбонийи Жамшед сарир,
Шоҳи нуронийи хуршед замир.

Отланур бўлди Ҳисор устига,
Андоғи мулку диёр устига.

Йибориб ҳукмини султонларға,
Ярлиғин тобии фармонларға,

Отланиб Қаршиға озим бўлди;
Зафар олида мулозим бўлди.

Жамъ бўлғунча черик ҳар ёндин,
Келгувчи, борғувчи, ҳар султондин.

Эрикиб Қаршини овлар бўлди;
Қуш била ҳар сори ховлар бўлди.

Қаршининг қушлари бисёр бўлур,
Қушчининг тұймаси тайёр бўлур

Турнаю қоз фаровон асру,
Жонвар анда намоён асру.

Қирғовул боғларида сонсиз,
Қарчиғайнинг соғишидин жонсиз.

Тузида бағри қаролар бисёр,
Ер боғирлаб юрумакдин афгор.

Мурғаки Қарши учун ҳар сори,
Сайдгар илгидан айлаб зори.

Қумрию булбули нолон эрди,
Бир, бир ұз ишида ҳайрон эрди.

Саъвалар борчалари зору заиф,
Мен киби дарду ғам илгіда нахіф.

Ҳар нечук қушки бұлур давронда,
Зоҳиран бор әди борча онда.

Ким Сулаймони замон анда әди,
Яъниким ҳазрати хон анда әди.

Қайдаким бұлса Сулаймон, ночор
Ваҳш ила тайр бұлурлар бисёр.

Худхуд ул теградин асло кетмас,
Хеч турлук сур ила қайтмас.

Бұлур ул теграда ҳар турлук қуш,
Ясабон борча үшул ерда құнуш.

Қабк ила тутийи шаккархо ҳам,
Балки семурғ ила анқо ҳам,

Ҳар сари борса әди ҳазрати хон
Юруб андоқки Сулаймони замон,

Қүшлар устига келурлар эрди,
Бошиға соя қилурлар эрди.

Не ажаб, хонни Сулаймон деганим,
Бори оламға ани хон деганим,

Ким анинг ҳукмидадур ваҳш ила тайр,
Ҳам анинг илгидадур шар ила хайр,

Ким анинг амридадур деву пари,
Ҳукмида ер юзининг хушку тари.

Хон Сулаймони замондур бешак,
Хисрави олами жондур бешак.

Фояташ, халқ они билмаслар,
Жон била хизматига келмаслар.

Бўлмаса эрди Сулаймон ул хон,
Фақрин айларму эди мунча ниҳон.

Салтанат фақр била кам топилур,
Шоҳфа фақр эшиги кам очилур.

Кимки бу мартаба узра етти,
Салтанат била они жамъ этти,

Деса бўлур они хони даврон,
Балки давронда Сулаймони замон.

Бу ҳикоятки битиб, оҳиста,
Айладим арз мени дилхаста.

Киши билмас муни хондин ўзга,
Кам тушунур киши мундоқ сўзга.

Банданинг сұзларига хон тушунур,
Қүш тилидур, бу Сулаймон тушунур

Сұз узун бұлди, келай сұз бошиға,
Иш фузун бұлди, келай сұз бошиға.

Чун гузар тушти шаҳи одилға,
Қаршидин Қасби деган манзилға.

Чарх ҳосидға мададкор үлди,
Ахтари наҳс анга ёр үлди.

Хон чопиб қүш солотурғон ҳангом
Йиқилиб оти, қарорди айём,

Хон тушуб ерга, тани бұлди фигор,
Нозанин жисмиға етти озор.

Тану жони бори афгор үлди,
Эл, аёғи бори нокор үлди.

Муддате хон құли озурда әди,
Халқнинг хотири афсурда әди.

Бұлдилар беклари беҳол асру,
Ранжу ғам йұлида помол асру.

Бордилар үзларидин мискинлар,
Туздилар нолани меҳр ойинлар

Күйди бу ғам била Султон Маҳмуд.
Етти гардунға димоғидин дуд.

Бұлди бисәр паришон хотир,
Бұлғуча хон әшигига ҳозир.

Они күргунча саломат ҳосил,
Лаҳзаи йүқ әди ғамдин ғофил.

Ул маҳалдаки қилиб тавсанлиқ,
Хонға күргузди фалак душманлиқ.

Шеърлар деди үз аҳволиға,
Бас муносиб ўзининг ҳолиға.

Дардмандонаю дилкаш борча,
Қобили нағмаи зилкаш борча.

Бири ул шеърларидин будур,
Құрунгизким, не бало хушгүдур.

*Ҳазрати Имомуз-замон ва Халифатур-раҳмоннинг
дардмандоналиқ ҳолида айтқон абётидур.*

Дарди ғам бечора күнглум сори оқилди яна,
Мени күруб, ишқ үти боштин яна келди яна.

Ғунчадек күнглум ғами ҳижронидин қон боғлади,
Муждаи васлин әшитиб, күнглум очилди яна.

Ҳажр үтінда нотавон жиссим фироқинг кечаси,
Шамъдек боштин аәқ фурқатда ёқилди яна.

Гезлаб әрдим ишқини әлдин ва лекин найлайин,
Ҳолатим Мажнун киби оламға ёйилди яна.

Фурқат отидин йиқилдим, ёр келди сүрғали,
Эй Шабоний, ёр дардингға даво қилди яна.

Банда ул вақт Бухорода эдим,
Йўқки, саҳройи таманнода эдим.

Ким келиб Қаршиға хонни курсам,
Ул Сулаймони замонни курсам.

Бу таманно била чун отландим,
Тун қотиб, бир-икки кун қотландим.

Қасбига еттим эса, андоғилар,
Яъни ул маскану манзилдоғилар.

Дедилар сурати ҳолини манга,
Ким не иш айлади бу чарх анга.

Бу ҳикоятни эшитгач, бисёр,
Хотирим қайғудин ўлди афгор.

Ҳасбиҳолимни битиб ҳазратиға,
Асру таъжил ила бордим қотиға.

Чун аниг боргаҳиға еттим,
Етгач-ӯқ, ҳазратиға арз эттим.

Ҳасбиҳол ушбуфина матлаъ эди,
Матлаим ушбу икки мисраъ эди:

Қил фидо жонимни гар жисми латифинг
хастадур.

Сен саломат бўлки, юз минг жон санга
вобастадур.

Чун бу матлаъни эшитти ул шоҳ,
Холату дардидин ўлди огоҳ.

Айлади бандага асру таҳсин,
Қилди алтофу иноятқа қарин.

Бир-икки кун чу бу сўздин ўтти,
Сиҳҳат ул дардларин ҳуркутти.

Йифилиб эрди бори султонлар,
Данилар бирла бори ўғлонлар.

Чериги жамъ бўлуб эрди тамом.
Хайлдин Қарши тўлуб эрди тамом.


Ушбу ҳолатда этиб келди бирор,
Хасм сўзин этиб келди бирор,

Сўзи алқисса буким, Хисравшоҳ
Бўлубон ўз хатаридин огоҳ,

Жамъ этиб Қундузу Бағлон черигин,
Келтуруб Кашму Бадаҳшон черигин,

Тилатиб барча Ҳисор аҳлини,
Йиғди ул мулку диёр аҳлини.

Валибекни тилатиб Хатлондин,
Черигин йиғди тилаб ҳар ёндин.



Бир Вали бирла йиғилди Боқи,
Разм базмида бұлай деб соқи.

Тұрт оғо-ини жамъ үлдилар,
Лекин андуҳ била тұлдилар.

Олдилар эрса черикнинг сонин,
Тұқтилар эрса улуснинг қонин.

Кирди дафтарга киши үттүз минг,
Лек ҳар бирида қайғу юз минг,

Ким нетиб үзбак ила сончишоли?
Не қилиб кистон ила ёнчишоли?

Чун оға ини била Хисравшоҳ
Тузди ул навъ била хайлу сипоҳ.

Юрагин тұхтатолмай мискин,
Оға иниси била бас ғамгин,

Машварат айладилар тұртталаси,
Фикрини сайладилар тұртталаси.

Дедиларким: «Уруша олмас биз,
Хон құлиға туруша олмас биз...»

Қул әдилар бори, не қылсунлар?
Шоҳнинг оллиға не келсунлар?

Бу кенгаш била юруб ул тұртов,
Бұлдилар ҳар бири бир ғамга гаров.

Бүлди ул түрт иши рам қилмоқ,
«Чор қул»¹ үзларига дам қилмоқ.

Хеч камлик йүк эди лашкардин,
Мол ила мамлакату кишвардин.

Лек тенгри солиб эрди құрқунч,
Жонларини олиб эрди құрқунч,

Оқибат фикр қилиб бедиллар,
Фикр водийси аро жохиллар.

Йибориб Балх сори ажзу ниәз,
Шоҳиға сўз йибориб дуру дароз.

Тиладилар кўмаки асру қолин,
Ҳар бири ўз ишида ўт — ёлин,

Яна бир әлчи Хуросон сори
Йибориб, айладилар кўп зори.

Бохтар сори ҳам әлчи йибориб,
Келтуруб андоғи әлни эгориб

Балхдин келди Умарбек бошлаб,
Черигининг ярамасин тошлаб.

Түрт минг Балх чериги эрди,
Чун ўзининг кишисин ойирди.

¹ «Чор қул» қуръонда «қул» сўзи билан бошланадиган түрт сурә.

Ҳиридин келди Латиф бахши,
Сұз уни, бахшилар ичра яхши.

Икки минг турки ироқиій бирла,
Олти минг өслемін ясоқи бирла,

Бохтардің тақи Зүннүн келди,
Саркаши фирмән арғын келди.

Келди беш минг киши онинг била ҳам,
Бұлдылар борчаси ёру ҳамдам.

Келгувчи чун бу хабарларни деди,
Анда күрган карру фарларни деди,

Мундоқ овозаю бу тавр хабар,
Қылди эл күнглиға филжумла асар.

Лек ул ҳол била ҳазрати хон,
Ким фигор эрди анга жисм ила жон.

Танида бор эди озор ҳануз,
Бор эди құллари афгор ҳануз.

Тикилиб тенгрисига бепарво,
Юруб отланди тилаб фазли худо.

Айлади ҳукмки: «Ҳамза Султон
Юрусун, илгаршті айлаб жавлон!»

Анга құшты Жонибек султонни,
Сафдари, саф шикани майдонни.

Ҳожи Фози бий ила Қанбар бий,
Ким эрур ҳар бири бир сарвар бий.

Ул иковни ҳам анга қўшти хои,
Ҳар бири бор эди «Пури дастон»¹.

Айлади ҳукмки: «Отланғай бот,
Нақди вақт Сайид Аҳмад кўнгрот.

Ҳамза Султонға бориб қушулғой
Ҳайбатидин эл, улус қоврулғой,

Анга пайваста Кўпак қушчи ҳам,
(Ким эрур хонға қадимий маҳрам).

Юрубон илгари иш қилсунлар,
Хасмнинг не қилурин билсунлар!»

Чун буларнинг қавлини айлади рост,
Тенгрининг лутфини айлаб дархост,

Айлади ҳукмки: «Султон Маҳмуд,
Ким эрур мазҳари адли маъбуд,

Юрусун илгари душман сори,
Тиласун шурату фазли бори.

Анга пайваста Темур Султон ҳам,
Юрусун хасмни айлаб дарҳам!»

¹ Фирдавсий «Шоҳнома»сининг бош қаҳрамони Рустамнинг лақаби.

Ўзи ҳам бу икки султондин сүнг,
Бу икки жон била жонондин сүнг

Юруди, йўлаки айтиб бўлмас,
Юруши васфида тил эврулмас.

Танғибон қўл, аёғини маҳкам,
Тенгри ёди била қўнгли хуррам.

Отланиб келди Хузор устига,
Юруб ул дашту диёр устига.

Ўтубон борди андин Дарбанд,
Қим етилмас эди буржина каманд,

Бир бийик тоғ эди Дарбанд деган,
Қим анга ёр эди Алванд деган.

Тенгри фармони била икки тоғ,
Қилибон иккиси бир ерни ўтоғ,

Бош қўюб иккаласи бир ерда,
Юз туман қўҳу камар ҳар ерда.

Ҳар бирининг боши гардунға етиб,
Ҳар бирининг қўли Жайҳунға етиб

Қофнинг тоғи алар оллида паст,
Йўлида ер деганинг бир кафи даст.

Тошлар йўлида ҳар бир қўҳи.
Сокини бодияи андуҳи.

Қаровул тогининг устида аён,
Үйлаким кўк уза моҳи тобон.

Бор бу тогнинг устида фалак,
Кўрунур тоғ уза тўн ёйғонтак.

Бир йиғоч бор бу икки тоғ ароси,
Қобили боғ аро булоғ ароси.

Чашмалар суйи равон ҳар ёндин.
Тозароқ оби ҳаёти жондин.

Ул икки тогнинг оғзида жаҳон
Санъати қилди ажаб тавр аён.

Бир эшик ўрнатиб ул икки аро,
Ул аро берди улусқа маъво.

Мўл улус кўнглида бу бор эрмиш,
Ким фалон тоғ эшиги тор эрмиш,

Андин ўзбак нетиб ўтгай, ёраб,
Нетак отини юрутгай, ёраб?!

Халқ бу сўз била ҳазрати хон
Хасмдин қасди учун бўлди равон.

Хасми чун хон хабарини топти,
Кимки, «қоч» деди ҳаводин қопти.

Бўлди дармонда жони бирла,
Енгашиб яхши ёмони бирла.

Қилдилар ажзни зоҳир барча,
Бу яроғ кўрдилар охир барча,

Ким урушнинг сўзини қўйғойлар,
Үлтуруб қалъада, от сўйғойлар.

Чун бу сўз ул арода топти қарор,
Ким қилур бўлдилар ул қавм фирор.

Борди Зуннуну Латиф бахши,
Сунгидин новаку раъду тахши.

Балҳдин келган улус эв сори
Қочтилар жон аро ваҳму кори.

Қолди ўз хайли била Хисравшоҳ,
Борча рўйи сияҳу мўй сиёҳ.

Бир инисин йиборур бўлди Ҳисор,
Бориб ул хайл била тўлди Ҳисор.

Яна бирни яна бир қўрғонға
Йибориб, мунтазир эрди хонға.

Ким қачон келса яқинроқ, қочқай,
Фатҳнинг йўлини хонға очғай.

Вахшда ўлтуруб эрди, ҳосил,
Тенгри они қилиб эрди ғофил.

Ким юруб ҳазрати хони аъзам
Кесиб ул тоғни шоду хуррам.

Юруди мулки Ҳисор устига,
Халқи беҳангу мадор устига,

Тош маҳаллотини, етгач, олди,
Хасмнинг жони аро ўт солди,

Солиб ул элга ҳазимат асру,
Олдилар молу ғанимат асру,

Буздилар тоқи муқарнас бисёр,
Олдилар тожаю атлас бисёр.

Қайси оқ раҳтға урди ўзни,
Ўткариб ҳинд элига сўзни.

Қайси дебойи мунаққаш топти,
Қайси ғоли била мафраш топти,

Қайси хуржун била харжи олди.
Ўзи тушуб, они ўтға солди.

Қайсиға лаъли Бадахшон тегди,
Қайсиға гавҳари раҳшон тегди.

Қайси олтунға урунди анда,
Уруниб, элга кўрунди анда.

Қайси дур топтию қайси гавҳар,
Қилди ороста тожу афсар.

Қайси фервза била марварид
Топибон бўлди улус ичра фарид.

Қайси зилуача Қирмони олиб,
Чиқди эл оллида әгнига солиб.

Қайси такя, намади шатранжи
Олибон, күчти күнгүлдин ранжи.

Қайси яздий алача күп олди,
Чулғобон они юкига солди.

Манзил ободио мисрий бисёр,
Қораю оқ олача лайлу наҳор.

Ҳири об оғатиға сон йўқ эди,
Қанд бирла күнгул асру тўқ эди.

Шиша, шиша сочилиб эрди набот,
Кўза-кўза тўкулуб оби ҳаёт.

Қайсидур оби ҳаёт, анда шароб,
Қим ул элларни қириб, қилди хароб.

Бодасиз йўқ эди бир вайрона,
Барча вайроналари майхона,

Риндлар маст чиқиб ҳар ёндин,
Бехабар хондин ҳам султондин.

Йўқ алар күнглида имон дарди,
Юзлари устида исён гарди.

Кўпраги ўқ ичиди бордилар,
Кўпининг ичларини ёрдилар.

Чоғир ичкучи ёрилса, яхши,
Чиркидин даҳр арилса, яхши,

Ичкучиларга бу бўлди аҳвол,
Ким баён айладим, эй нек хисол.

Эмди айтайин, нелар бўлди яна,
Қилдилар қолғон улусиға таъна.

Сўйдилар борчасини боштин аёқ,
Олдилар борчасидин молу яроғ.

Футаю кунглак хафтонларини,
Жуббаю чакман ила жонларини.

Ҳашр элидек борини ур айлаб¹,
Қаҳр ила жонлариға зўр айлаб.

Бирининг бўйниға йип тоқтилар,
Бирининг жониға ут ёқтилар.

Бирисининг ўтини олдилар,
Захмлик ерларига солдилар.

Бири(нинг) боши чопилди айира,
Бирининг долуси чиқти қайира.

Бирининг бўйни синиб ётиб эди,
Бадани қонға бори ботиб эди.

Ур айлаб — яланғоч қилиб.

Кұпраги күфр әлидек миллатсиз,
Кұпраги ҳинд әлидек суннатсиз.

Қайси қочиб әди, келиб әси ўнг,
Бир құли илгари, бир құли сұнг.

Қайси қизин топа олмай ҳайрон,
Қайси хотуин била саргардоц.

Қайси иисидин айрилғон әди,
Оху фарёду фифон қылғон әди.

Бирига от била тева ғами,
Бирига бода била мева ғами.

Бири ярмоқ ғамидин ох қилиб,
Үмрининг йўлини кўтоҳ қилиб,

Бири оқ раҳтларин ёд қилиб,
Қарориб, кўнглини пошод қилиб.

Қиз: «Ато» деб чекибон вовайлоҳ
Ано: «Қиз» деб, қилибон нолаю оҳ.

На ато ўғлини топти ул дам,
На ўғулға отадин қолди ғам.

Ҳар кишига бўлуб эрди ҳоле,
Бор әди асрү ғариб аҳволе...

Гарчи кўп эл бузулуб соврулди,
Барча ўз ерида воқиъ бўлди.

Тош маҳаллоти фатҳ үлди бу тавр.
Мундоқ әврулди Ҳисор аҳлиға давр.

Аркига қилмадилар парво ҳеч,
Үл сори бөқмадилар асло ҳеч.

Үтуб андин юруди ҳазрати хон,
Қилибон хок ила они яксон.

Юруди рахши мурод устида,
Лашкари Шайх Имод устида,

Чериги барча йифилди анда,
Хасмнинг ҳолини билди анда,

Вахшда турғонидин топти хабар,
Вахш оҳангি тузуб, қилди назар,

Чорлатиб жумлаи султонларни,
Тилатиб Рустами достонларни,

Деди: Эй, олам аро султонлар,
Чектингиз мулк учун кўп жонлар,

Анга етиб, бу сори қўл увурунг,
Балки еткуча қўлға киорунг.

Зинҳор, үлжа учун чоптурманг,
Ёшурун молларин топтурманг.

Олсангиз тенгри демиш бўлса ани,
Бўлур эркин бу черк барча ғани.

Эл бўлур, мол бўлур барча сизинг,
Туз сизинг, тоғ сизинг, ғалча сизинг.

Гар бу сўзларни қулоққа олмай,
Бу ҳикоятға қулоқни солмай,

«Мол» деб, чопса киши, хасм туйр,
Аёғи қочмоқ учун асрү куяр.

Ушбу сўзларни дебон ҳазрати хон,
Қилди ярлиғки: «Ой ўлғоч тобон,

Ҳамза Султон била Султон Маҳмуд,
Юрубон, хасмни қилсун нобуд!

Басе қуллуқ қўли бирла турсун,
Ҳар киши ўз йўли бирла турсун!

Шоҳ Маҳмуд ила Темур Султон,
Ўзининг лашкари бирла яксон...

(Хоннинг ўнг қўлидағи) беклар ила,
Размнинг йўлидағи беклар ила.

Жонвафо эрди бирининг оти,
Ким вафодин яратилмиш зоти.

Яна бирини (Ўрусхон дерлар
Разм аро Рустами достон дерлар).

Ҳамза Султон била ҳам сўлдоғилар,
«Юрусун борча!» ўшул қўлдоғилар»

Ушбу ярлығ била ул султонлар,
Салтанат жисмиға кирган жонлар

Ой туға, қамчи бериб отлариға,
Йиғибон сой кишини қотлариға,

Юрудилар ясониб лашкардин,
Үздилар юки оғир лашкардин.

Хон дөғи сұнгларидин дард била,
Хотири тафриқа парвард била,

Юруб олғай деди, аммо әл, аёғ
Қетибон дарди, әмас әрди соғ.

Йүқса, пайваста бу тавр ишладилар,
Езлар чилласию қишлидилар.

Илғабон ўзи юрур әрди хон,
Ұнг қилур әрди ишини яздон.

Хоннинг илғори мавқуф үлди,
Фикр бирла ичи онинг түлди.

Ким не янглиғ юругайлар ул хайл,
Қайси ерларга етишган ул хайл.

Лек ул хайлдоғи сарварлар,
Ким алар ҳұкмидадур лашкарлар,

Тунла ўқ ўздилар Оқ қопчиқойин,
Үзубон юрдилар Оқ қопчиқойин.

Қопчиқой дегани бор тоги баланд,
Ким анинг эгнига етмас Алванд.

Тонг отиб келди эса, ул йўлда
Қўп талотқон эл эди, бир қўлда,

Кеча ўқ юртов ургон бўлди,
Йўлдоғи халқни бузғон бўлди.

Молини олдурғон улус ҳоли табоҳ,
Бордилар бекларига, тортиб оҳ,

Тил тушурдилар ангаким инак,
Келди яғмосини бошлаб ўзбак.

Бу хабарни эшитиб Хисравшоҳ,
Деди жониға етиб Хисравшоҳ,

Ким: «Валибек юрубон отлансун,
Хабар олмоққа юруб қотлансун!»

Валибекка айтиб бу сўзни,
Жебсариб тутти қочарға ўзни,

Чун Вали топти хабар султондин,
Хабари қолмади бошу жондин.

Ўзин оғосиға-ўқ еткурди
Бош қочурмоқни ғанимат кўрди

Сиррини халқ аро очти Вали,
Бир қуруқ бошин олиб қочти Вали.

Қочти бошин олиб ул күрнамак,
Ит сўнгакни олибон қочқантак.

Оғоси ҳам анга тобиъ бўлди,
Мунча йилғи иши зойиъ бўлди.

Кўрмади ҳеч черкининг гардин,
Кўрмасун ҳеч ким олинг дардин.

Тошлади оқ эв ила чодарни,
Тўздуруб хайл била лашкарни.

Қолди соғитлари барча ерда,
Ўзи қочмоқ била ботиб терда.

Қолди бисёр дувулға андин,
Бўлди безор дувулға андин.

Қолди андин ешилиб зону банд.
Ким баҳодирға қилурмен пайванд.

Тушти монглойлиқ бу эрди сузи —
Ким: «Керакмас манга қочқоқ юзи!

Қолди бисёр эви ичра қатос,
Ечиши отлиққа тузармен деб асос.

Қолди ўпчин, тақа бекдин асру,
Ким қочар отқа не ҳожатдур бу?

Қолди бисёр ялов ранг-баранг,
Қаю гулфому қаю миноранг,

Жибасининг кўпи дар банд иши,
Иясидек басе дар банд иши,

Аслача барчаси қақшаб қолди
Қақшабон бек, доти йўлин олди.

Қолди юртида бўлуб ёлар қоқ,
Барчаси отқучи әлга муштоқ,

Яйради найза қамиш боғидек,
Бўялиб қонға бари ёғидек,

Туғлар қолди чопарға лойиқ.
Хасм юзини ёпарға лойиқ.

Ҳар нақораки бек ўздин солди;
«Шодиёна чолингиз» деб қолди.

Ҳар тарафдин чоқира қолди нафир —
Ким: «Ёғи қочти, на вақти тақсир».

Пешхона била оқ эвга не сон,
Том ҳамон эрди, саропарда ҳамон.

Нақшлар бирла муғаррақ барча,
Қилибон жибаларин шақ барча,

Тунглуги елга бориб оқ эвнинг,
Рўзгори қарориб оқ эвнинг,

Пешхона дер эди: «Ҳайҳот,
Ким учарға ярамайдур бу қанот!»

Үртаниб қолди бовурчихона,
Үт тушуб ичига ёна, ёна.

Шомиёна бари елга борди,
Хишт елпирдин үзини ҳорди,

Кўрубон ўз бегидин эвни қуруқ,
Қота қолди кўруб ул ишни сурук.

Бўлди помол эв ичра жозим,
Бўлубон улжа бўлурға жозим.

Қилур эрди ўшул эв ичра гилам:
«Гард устида қолурмен» деб ҳам,

Бистари айш унтур бўлди сўзин,
Муттако доги йигиштурди ўзин.

Машраба қолди чоғирдин холи,
Бўлди рангин чоғирдин холи.

Узатиб қолди суроҳи бўйнин,
Ёд этар бўлди бироннинг қўйнин.

Кўраки синди пиёла бирла,
Ер қуий эрди ҳавола бирла.

Фисқ бистарлари йиғилди тамом,
Бартараф бўлди басе шурби мудом.

Қочтилар рофизию мулҳидлар,
Қолдилар муғбачаю шоҳидлар,

Бек ўзи қочти ва йўлин олди,
Лек асбоби танаъум қолди.

Ҳосилан, ҳар неки бу муддатда,
Йифибон сақлаб эди давлатда,

Барчасин ташладиу бўлди равон,
То саломат чиқора олғай жон.

Чун анинг қочқони маълум бўлди,
Барчаға ҳоли мағҳум ўлди,

Барча султонлар эли чопқунға,
Бориб эрди тоғ ила ҳомунға.

Лек Маҳмуд деган султоннинг,
Салтанат шаҳридоғи жононнинг,

Чериги ўзи била жамъ эрди,
Барча парвонаи ул шамъ эрди.

Ўз кишиси била ўқ отланди,
Хасмни қовлағоли қотланди.

Рост юртиға етишгач султон,
Андоғи эл дедиларким: «Осон

Кечиб эркин бу замон Ҙайҳунни,
Ўзди бу орадаги ҳомунни...»

Кўпраги бор эди тайёр анда,
Юртин охтар, не десанг бор анда.

Анинг ул борғанин англаб султон,
Борғаниға масали қилди равон.

Дедиким: «Борғонидин қайтмасун,
Хеч ким анинг сұзидин қайтмасун».

Үзга юртига қилиб азми дүхул,
Чериги үлжаға бўлди машғул.

Олдилар үлжа ола олғунча,
Солдилар қўлни сола олғунча.

Ҳар киши ўн жиба олғон бўлди,
Кўтара олмади, солғон бўлди.

Ҳарнаким бор эди, ул манзилда,
Ҳарнаким бор эди, ул маҳфилда.

Кўтара олдилар ул хайл они,
Қолди бўлғай кўтара олмоғони.

Қочуруб ёғини дилҳоҳ била,
Кеторуб боғини дилҳоҳ била.

Қайтибон ҳазрати Султон келди,
Мунису ҳамнафаси хон келди.

Фатҳу ферузлуқу нусрат ила,
Қилди хон хизматини рағбат ила.

Үзини хон қошиға еткурди,
Вахш суйи яқосида кўрди,

Үзга хоннинг чериги яхши-ёмои
Бўлдилар ўлжа учун барча равон.

Солдилар ўйла ҳазиматки, дема.
Олдилар онча ғаниматки, дема.

Қўй-қўзини сура олмаслар эди.
Ўрдаға еткура олмаслар эди.

Тева лашкарга суруклар келди,
Теванинг устида юклар келди.

Юклари раҳт эди ранг-баранг,
Шаккару қанд ила танг-батанг,

Йилқилар бўлди черикда сонсиз,
Оту ўй тўлди черикда сонсиз.

На араб қолди ва на турку тозик,
На улуг қолди, на реза на шарик.

Бордилар барчалари яғмоға,
Қолдилар барчалари ғабғоға.

Сурдилар бўлгай қўй уч юз минг
Тевадин кам демасам ўттуз минг.

Оту ўй била тақи ўзга тавор,
Тўрут юз минг бор эди вақти шумор.

Парда сони эмас эрди марқум,
Лек бу ҷоғлиқ ўлубтур маълум,

Ким черикда неча киши тева от,
Үлжадин тушгани бўлди исбот,

Борур эрди ани бир қул етибон,
Хираду ҳуш бошидин кетибон.

Бор эди қошида бир турфа каниз,
Ё муғулнинг элидин олғон қиз.

Ё арабнинг қаро бетликларидин,
Ё халажнинг узун этликларидин.

Тевау отки бўлғай моли,
Ҳеч юқдин эмас эрди холи.

Етти маъмур вилоят ҳосил,
Ушбу чопқунға бўлубтур дохил.

Боши Тирмиз, аёғи мулки Ҳисор,
Арода қайси улусларким бор.

Вахшнинг теграсида бўлғонлар,
Дашти Қулакка доғи тўлғонлар,

Бир тарафдин дегали Жайҳунни,
Бир тарафдин тутоли тайсунни,

Бир тарафдин дегали шаҳри Сарой,
Етти борчалариға қаҳри худой,

Тўрт дарё бўйида бўлғон эл,
Етти кишвар тузида тўлғон эл

Барчаси бўлди ҳабоан мансур,
Бўлмасун ҳеч киши, ёраб, мақхур!

Ул қочиш бирла бориб Хисрав шоҳ,
Рост Қундузға бориб топти паноҳ.

Ҳазрати хон қайтиб ул ердин,
Бир неча байт айтиб ул ердин,

Битибон қилди равон ҳар сори,
Сўзини қилди аён ҳар сори...





ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБИР



ЗАҲИРИДДИН БОБИР

(1483—1530)

3

Захириддин Мұхаммад Бобир 1483 йил 14 февралда Андижон шаҳрида дунёга келган. Унинг отаси Умаршайх Амир Темурнинг набираси бўлиб, Фарғона вилоятининг ҳукмрони эди. Ёш Захириддин Бобир сарой муҳитида, хусусий мураббийлар ва мударрислар қўлида тарбияланади, замонининг илм-маърифатини, сўз ва соз санъатини ўрганишда катта ҳавас кўрсатади.

1495 йили Умаршайх вафот этади ва 12 ёшлик Захириддин Бобир тахтга ўтиради. Бу даврда Ўрта Осиёнинг ҳар томонида ички урушлар авж олган эди. Бобир бутун кучини Мовароуннаҳри марказлашган давлат остида бирлаштиришга қаратади. Бироқ, бирталай сабаблар, жумладан, мамлакатда тўхтовсиз

давом этган ўзаро курашлар, Шайбонихоннинг темурийлардан ҳокимиятни тортиб олиш учун бошлаган ашаддий ҳужуми бу мақсадни амалга оширувга йўл қўймади.

Заҳириддин Бобир 1514 йилда Шайбонилар томонидан қатъий зарбага учради ва ҳам Самарқанд, ҳам Фарғонадан бутунлай воз кечишига мажбур бўлди: 1514 йилда бир сиқим лашкарлари билан Афғонистонга қочди. Заҳириддин Бобир олдин Афғонистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатди, сўнгра эса 1519—1526 йилларда ҳинд императори Иброҳим Лудий устидан ғолиб келиб, Ҳиндистонни қўлга киритди ва у ерда тарихда «Буюк мўғуллар империаси» деб ном чиқарган давлатга асос солади.

Заҳириддин Бобир катта давлат арбоби ва саркарда бўлиши билан бирга, талантли олим ва шоир ҳам эди. Унинг лирик шеърлари ўзининг мазмундорлиги ва бадиийлиги жиҳатидан ўзбек адабиёти тарихида Лутфий, Атоий, Саккокий ва ўша даврнинг бошқа йирик шоирлари билан бир қатордан ўрин олади; Алишер Навоийнинг адабий-бадиий анъаналарини давом эттиради. Бобирнинг «Бобирнома» номли мемуарлари Шарқ тарихи, географияси бўйича ғоят муҳим маълумотларга эга нодир илмий-адабий ёдгорликдир. Бу асар дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобир 1530 йил 26 декабря Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида вафот этган. Қейинчалик эса, Заҳириддин Бобирнинг ўз васиятига кўра, унинг жасади Кобилга олиб келиб дафн этилган.



ФАЗАЛ

“

З фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.

Ез фаслида чағир ичмакниң ўзга ҳоли бор,
Қимга бу нашъа мұяссар бўлса бордур давлати.

Ишқ дардини чекиб ҳар кимки топса васли ёр,
Ул замон бўлғай унут юз йилғи ҳижрон шиддати.

Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,
То билингай ҳар кишининг табъи бирла ҳолати.

Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт ила,
Мундин ортуқ бўлмагай, Бобир, жаҳоннинг ишрати.

* * *

Күнгүлга бүлди ажойиб бало қаро сочинг,
Шикаста күнглума эрмиш қаро бало сочинг.

Муяссар ўлди жунун мулки, эй жунун аҳли,
Нисори ашкини әмди бу кун менго сочинг.

Сочинг шикастида бордур шикаста күнгүллар,
Күнгүллар очилур очилса ул қаро сочинг.

Очилди күнгли чу очтинг сочингни Бобирнинг,
Не айб агар деса дилбанду дилкушо сочинг.

* * *

Ким күрибдур, эй күнгүл, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки андин яхши йүқ, күз тутма ондин яхшилиғ.

Бу замонни нафъ қилсам айб қилма, эй рафиқ,
Күрмадим ҳаргиз нетайин бу замондин яхшилиғ.

Дилраболардин ёмонлиқ келди маҳзун күнглума,
Келмади жонимға ҳеч ороми жондин яхшилиғ.

Эй күнгүл, чун яхшидин күрдунг ёмонлиқ асру күп,
Эмди күз тутмак не яъни ҳар ёмондин яхшилиғ.

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йүқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Яхшилиқ аҳли жаҳонда истама Бобир киби,
Ким күрубдур, эй күнгүл, аҳли жаҳондин яхшилиғ.

* * *

Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим.
Күрүб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чехраи зардим.

Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигинги сарвдек
ҳаргиз,
Оёғингга тушуб барги хазондек қанча ёлбордим.

Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам қол,
Мен арчи даҳр боғидин хазон япроғидек бордим.

Хазондек қон ёшим сориф юзумдин эл танаффурда,
Баҳор ранги биҳамдиллаҳ улусдин ўзни қутқордим.

Не толеъдур мангаким ахтари баҳтим топилмайди,
Фалак авроқини ҳар неча ким дафтардин ахтардим.

Улуснинг таъну таърифи манга, Бобир, баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ёмон, яхшидин ўткардим.

* * *

Хажр ўлтурди мени англасам эрди мунча,
Дүстлар, ёрдин айрилмас эдим ўлгунча.

Зоҳидо, дўзах ўтидин мени не қўрқутасен,
Хажр ўти қошида кўрмасмен ани учқунча.

Ул қуёш меҳрини бир зарра манга кўргузмас
Қавкаби ашк тўкуб бўлсам агар гардунча.

Ҳуснда ортуқ агар бўлса юзи Лайлидин,
Мен тақи бормен анинг ишқида юз Мажнунча,

Зиндалар олида ҳайвон суйини кўп ўкасен,
Эй Хизр, борми экин ул су майи гулгунча.

Бобиро, шеъринга гар солса қулоқ ул шоҳинг,
Бўлғусидур сўзунга қадр дури макнунча.

* * *

Гул жамолин ёпқон ул гулнинг ики райҳонидур,
Ғунча сиррин очқон ул икки лаби хандонидур.

Ул мусалсал икки зулфи гул юзининг устида,
Гул уза оғнар магар ул иккининг давронидур.

Үқи захмини кўруб ҳар ён танимда эл дегай,
Ким бу кўҳи дарднинг ул лолаи нуъмонидур.

Сел эмасдур ер юзин тутқон кўзумнинг ёшидур,
Раъд эмасдур кўкка чирмашқон кўнгул афлонидур.

Ложарам бўлғай паришону ҳавойин мен киби,
Зарра янглиғ кимки бир хуршед саргардонидур.

Ул пари ишқида, Бобир, кўнглум андоқ телбадур,
Ким сочи занжиридур, чоҳи зақан зиндонидур.

* * *

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму.
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму.

Мени хор эттию қилди муддаийға парвариш,
Даҳри дунпарварни ўзга муддаоси қолдиму.

Мени ўлтурди жафоу жавр бирла ул қуёш,
Эмди тиргузмак учун меҳру вафоси қолдиму.

Ошиқ ўлғоч кўрдум ўлумни ўзумга, эй рафиқ,
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси қолдиму.

Эй кўнгул, гар Бобир ул оламни истар қилма айб,
Тенгри учун де, бу оламнинг сафоси қолдиму?

* * *

Курмагай эрдим жамоли оламоро кошки,
Булмагай эрдим бори оламға расво кошки.

Ишқ боғининг ниҳоли ғам, бари ҳирмон эмиш,
Қилмағай эрдим бу гулшанни тамошо кошки.

Қилмагай эрди күнгул ишқин ҳавас, бал тилга ҳам
Кечмагай эрди анингдек лафз асло, кошки.

Қоши ёлар кўйида умри шариф этгунча сарф,
Қилғай эрдим масжиду меҳроб аро жо кошки.

Ихтиёр эт ўзга иш, Бобирки, ҳосил бўлмагай,
Ишқу васлу айш ила ишраттин илло кошки.

* * *

Улки йиллар, ойлар ўткаргай ғаму мотам била,
Шоду хуррам бўлмағай наврӯз ила, байрам била.

Улки давроннинг аёғидин дамодам қон ютар,
Нашъа топмас гар ичар ҳар давр жоми жам била.

Дема, эй ҳамдам, диёру ёр сўзинким менинг
Улфатим йўқ олам аҳли бирла, бал олам била.

Сендин айру найлагаймен ийд ила наврӯзни,
Ою йил хуштур сенинг бирла агар бўлсам била.

Тортиб афғон, оҳ уруб ҳижронда, Бобир, йиғласанг,
Навҳа тузгай базми ғам аҳли бу зеру бам била.

* * *

Яна күз уйида маъво қилибсен,
Күнгүл кошонасида жо қилибсен.

Яна савдойи зулфунгдин, иигоро,
Мени ошуфтау шайдо қилибсен.

Фаминг йүқ жон агар берсам фамингда,
Үзүнгни мунча бепарво қилибсен.

Қошингдин мени үқдек ташлар учун,
Янги ойдек қошингни ё қилибсен.

Күзумдин ёшиниб, эй баҳри алтоф,
Күзумнинг ёшини дарё қилибсен.

Софинмас жаннатул маъвони Бобир
Анинг күнглида то маъво қилибсен.

МАСНАВИИ

Сабо, ул гул ҳаримиға гузар қил,
Менинг ҳолимдин ул гулға хабар қил.

Саломим еткур ул ороми жонға,
Яна мундоқ дегил ул дилситонға:

«Юзунгни күрсатиб күнглумни олдинг,
Олиб күнглумни, күздин мени солдинг.

Дегил дилдорлиқ мундоқ бұлурму,
Тариқи ёрлиқ мундоқ бұлурму?

Сени мундоқ тасаввур қилмас эрдим,
Бу янглиғ раҳмсиз ҳам билмас эрдим.

Сени деб икки оламдин кечибмен.
Рафиқу ёру ҳамдамдин кечибмен.

Замоне қилмадим сендин фароғат,
Вале бордур санга мендин фароғат.

Мени аввал ўзунгга ҳамдам эттинг,
Яна билмон нега номаҳрам эттинг.

Сўзунгким Хизр сўйидин нишондур,
Вале ул сув киби мендин ниҳондур.

Не яъни мунча биздин сўз ёшурмоқ,
Жафо ойинини ҳаддин ошурмоқ.

Биронниким бирондин кўнгли қолур,
Киши юз сўз била кўнгилни олур.

Ажабким мендин, эй дилдор, тўйдунг.
Менинг кўнглумни бир сўз бирла қўйдунг».

Узатма мунча ҳам Бобир сўзунгни,
Бу сўзлар бирла хор этма ўзунгни.

Агарчи кўп сўзунг бор муҳтасар қил,
Ул ойға сўзунг аслидин хабар қил.

Гар ул сўзким ёшурдунг айтмассен.
Бу янглиғ одатингдин қайтмассен.

Сени севмаслигинги жазм этармен,
Бош олиб ўзга бир сори кетармен.

Агар ботроқ йибормассен жавобим,
Бу хатдин ортуқ ўлур печу тобим.

РУБОИИ

Эй гул, не учун қошингда мен хор ўлдум,
Юз меҳнату андуҳ била ёр ўлдум.
Васлинг била бисёр севиндим аввал,
Ҳажринг била, оқибат, гирифтор ўлдум.

* * *

Ёд этмас эмиш, кишини фурбатда киши,
Шод этмас эмиш, кўнгулни меҳнатда киши.
Кўнглум бу ғарибликта шод ўлмади, оҳ,
Фурбатда севунмас эрмиш, албатта, киши.

* * *

Кўнгли тилаган муродига етса киши,
Ё барча муродларни тарк этса киши,
Бу икки мұяссар бўлмаса оламда,
Бошини олиб бир сорига кетса киши.

* * *

Эй ёр, сенинг васлинга етмак мушкил,
Фархунда ҳадисингни эшитмак мушкил,

Ишқингни дөғи бартараф этмак мушкил,
Бошни әлибон ҳар сори кетмак мушкил.

* * *

Хижрон қафасида жоң қуши рам қиладур,
Ғурбат бу азиз умрни кам қиладур,
Не навъ битай фироқу ғурбат шарҳин,
Ким күз ёши номанинг юзин нам қиладур.

* * *

Толиъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ булди,
Ўз ерни қўюб Ҳинд сори юзландим,
Ваҳ-ваҳ нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Т У Ю Қ

Меҳрким күкка қилур оҳанг тонг,
Олида бўлса эмас беранг тонг,
Холи-ю икки лабидек бўлмоғи,
Ҳинду ар келтурса шакар танг тонг.

* * *


Мени беҳол айлаган ёр ойдуур,
Ким аниңг васли манга ёройдуур,
Гар висоли бўлмаса, кетар ёрим,
Ё Хуросон, ё Хито, ё Райдуур.

* * *

Улки ҳар кўзи ғазоли чиндур,
Қошида пайваста онинг чиндур,
Чунки кўп ёлғон айтти ул манга,
Гар десам ёлғончи ани чиндур.

* * *

Жонға солди даҳр ғурбат норини,
Кўз ёшим бўлди мӯғулнинг норини,
Бу ародаден мен дегандек бўлмаса,
Кўзлай Иссиқ кўлу ундин Норини.



МАЖЛИСИЙ

Ш

оир Мажлисийнинг ҳаёти ва фаолияти XVI асрнинг биринчи ярмида кечган. Аслан хоразмлик бўлган бу адаб тўғрисида маълумот берувчи ягона асар Ҳасанхўжа Нисорийнинг «Музаккирул-аҳбоб» тазкирасидир.

Тазкирада ёзилишича, Мажлисий кўп йиллар Шайбонилардан Убайдуллахон (Убайдий тахаллуси остида шеърий асарлар ҳам ёзган), сўнг унинг ўғли Абдулазизхон (Азизий тахаллуси билан шоирлик қилган) саройида хизмат этган, «Мавлоно Мажлисий хушсуҳбат, мажлисларни қизитувчи киши эди,— деб ёзади Ҳасанхўжа Нисорий.— Кўп яхши шеърлари ва сўзлари бордир. Унинг қасидалари латиф ва гўзалдир».

Мажлисийнинг шеърлари Заҳириддин Бобирга ҳам маъқул бўлган. Бобир ўзининг қўшини орасида бўлган ва бир катта мажлис қурган чоғда Мажлисий унга атаб битилган қасидасини тақдим этади. Қасида Заҳириддин Бобирга ёқади. Шоирни бу аскаргоҳда етти минг танга билан мукофотламоқчи бўлади. Бироқ, Бобир билан Мажлисий суҳбатлашиб ўтирганларида сўз Муҳаммад Солиҳга нисбат берилган ҳажвий рубоий устига ўтади ва Бобир Мажлисийдан сўрайди:

— Бу рубоийни Муҳаммад Солиҳ қандай хаёл билан ёзган?

— У рубоийнинг айтувчиси камина,— деб жавоб беради Мажлисий,— лекин Муҳаммад Солиҳ номига янгиш шуҳрат тутган.

— Қасиданинг инъоми учун,— дейди жавобдан аҳволи ўзгарган, ҳатто Мажлисийни ўлимга буюрмоқчи ҳам бўлган Бобир,— беришга қарор қилинган етти минг танга унинг хуни баҳосига ҳисоб қилинди. Ўзини чиқариб ҳайданг!

Мажлисий бу каби илтифотсизликларни кўп кўрган, аксарият оғир моддий ва маънавий шароитда ижод этишга мажбур бўлган. Афсуски, шоирнинг «латиф ва гўзал...» фазал ва қасидалари бизгача келиб етмаган. Унинг сақланиб қолган яккаю ягона асари «Қиссаи Сайфулмулк»дир.

«Қиссаи Сайфулмулк» халқ орасида жуда машҳур бўлиб, то сўнгги вақтларгача севилиб ўқилган ва халқ бахшилари томонидан ҳам куйланган достондир.



ҚИССАИ САЙФУЛМУЛҚ

(Достондан парча)

Оғоз карданы ҳикоят

К

ел, эй соқийки, ўлтурсун пиёла,
Эшигил қиссаи бу сүзу нола.

Кел, эй шаҳбози жон, парвоз қилғил,
Ки маънилик қанотинг боз қилғил.

Күнгул майдонига жавлон солғил,
Тақи бир булбули хушхон солғил.

Кўрунг булбул нечук фарёд қилди,
Қафасда ҳам нафас бунёд қилди.

Деди ул булбули устод ахбор
Сулаймондин турур, тансуқ бу гуфтор.

Кириб олдимға арбоби ривоят
Баён қилдию назм этди ҳикоят.

Шоҳ Осимиининг таърифи

Бор эрди Миср элинда подшоҳи,
Ети иқлим уза онинг сипоҳи.

Анинг ҳукминда эрди түрт юз шаҳр,
Анинг адли эди машҳур дар даҳр.

Отоғон оти Осим ибни Сафвон,
Ул эрди етти иқлим узра султон.

Беріб эрди худо жумла муродин,
Ёйиб эрди жаҳонға адлу додин.

Ул эрди подшоҳи жумла иқлим,
Йўқ эрди ҳеч ёнидин хавф ҳам бийм.

Вале бўлмас эди фарзанд онда,
Басе армонда эрди бу жаҳонда.

Бўлуб умри ани тўрт юз етмиш,
Бу фурсатда хаёлига бу етмиш:

«Ки менда бир ўғул йўқ ёдгори,
Не бўлгай тахту баҳтим корбори?»

Чу бу андишадин дилтанг бўлди,
Тафаккур бирла ақли танг бўлди.

Қилиб байтулҳазан маъво ўзига,
Кўрунмас ул улуғ беклар кўзига.

Ки чиқмас бўлди ул девон қошиға,
Кира билмас анинг беклар қошиға.

Тилак бирла тилак устинда содик,
Тилаки бир ўғулу кўнглинда холиқ,

Бу ҳолат бирла йифлаб қирқ кун шоҳ,
Кечакундуз дуо бирла чекиб оҳ.

Беклар иттифоқ қилишиб шоҳга кенгаш бергонлари

Кенгашти бир куни беклар тамоми,
Йифилдилар кенгашга хосу оми.

Неча ичкилари кирди қошиға,
Қилиб қуллуғ тавозуъ ҳазратиға,

Чу кўрдилар ажаб ҳол бирла шаҳни.
Чекибон жон бирла оҳу ваҳни.

Бўлубон гул юзи чун каҳрабодек,
Сочи тушуб юзига чун гадодек.

Қилиб бағрини ғам тифи жароҳат,
Қўториб кўнглидин айшу фароғат,

Күрүбон барча беклар қолди ҳайрон,
Юраклари бу ғамдин бўлди бирён.

Бариси йиғлишиб хон ҳазратиға.
Бари юз қўйдилар султон қатиға.

Дедилар: «Подшоҳо, ҳол недур?
Эшитолик, десанг аҳвол недур?

Агар сен чиқмасанг, бил, фитна ортар.
Чиқар бир аждаҳо оламни тортар.

Сенинг чиқмағонингдин қисса будур,
Ки ногоҳ тушмагай оламға бир шўр».

Шаҳаншоҳ қилди ҳолини мукаррар,
Вазирлар билдилар сўзни муқаррар.

Дедилар: «Сен чиқиб тахтингда ўлтур,
Йиғиб кулли мунажжимларни келтур,

Берарму, йўқ санга ўғул худованд,
Ўзунгни қилмағил беҳуда дарбанд».

Эшилти шоҳ мақбул ушбу сўзни,
Чиқиб тахт устида кўрсатди ўзни.

Таёниб тахт уза ўлтурди ул шоҳ,
Йиғилдилар мунажжимлар баҳаргоҳ.

Қилиб ҳар қайси ўз илмини такрор,
Тафаҳҳус қилдилар чун сиррул-асрор.

Бұлубон муттафиқ барча бир үзга,
Құюбон барча ақомин бу сұзға:

Яман султонининг қизини бу шоҳ.
Агар олса берар фарзанд оллоҳ.

Эшитиб шоҳ бу сұзни шод бұлди,
Ки бу андишадин озод бұлди....

Шоҳ Осимиининг фарзанди бұлғони

Саодат бирла вақти саъд бұлди,
Ҳам ул соат вужуди ҳамл бұлди.

Тушуб давлат саройиға чу султон,
Улуғ түй этти неъматлар фаровон.

Адо қилди шу шаҳ түй маҳфилини
Ки воқиға этти шоҳ үз мажлисими,

Ориғ неъматлару ширау шарбат,
Қылурлар парвариш бонозу неъмат.

Бұлуб эрди ажойиб шоҳзода,
Ани күрса бұлур шаҳлар пиёда.

Құрубы Осим шукур қилди үғонға.
Хазина әшигін очти туманға.

Құюб Сайфулмұлк отини онинг,
Құрубы яхши билиб зотини онинг.

*Шоҳ Осимийнинг вазири бор эрди, оти Ҳамид эрди.
Бир ўғли бўлди, отини Соид қўйди ва ани кўкаaldoш
қилдилар*

Бор эрди шоҳ Осимнинг вазири,
Оти эрди Ҳамиду йўқ назири.

Ҳамиднинг ҳам тақи бир ўғли бўлди,
Анинг ҳусни тақи оламға тўлди.

Отадилар анинг отини Соид
Ки йўқтур Миср ичинда улча шоҳид.

Маликзодага қилдилар кўкаaldoш,
Энагаларга онинг онаси бош.

Икисини қилурлар парвариш ҳам,
Ки йўқтур мундин ўзга яхши иш ҳам.

Улуғ бўлуб, ўқуб илму ҳунарлар,
Солиб куллий ҳунарларға назарлар.

Ҳамиша хурраму хушҳолу дилшод,
Юруллар чун ниҳоли сарв озод.

Шоҳ Осим ўғлини чорлаб, тўн, юзук бергони

Фалак ногаҳ бир иш ангиз қилди
Ки Осим мәхрини ҳам тез қилди.

Фалакни кўр аларға не солодур,
Ки ёлғуз ўзича элга балодур.

Мунингдек айш этиб юурурда ногоҳ,
Ки чорлади ани ногаҳ шаханшоҳ.

Атосиға ғараз ўғлини кўргай,
Севиб анга юзук ҳам тұнни бергай.

Тилади ўғлини келсун кўрай деб,
Ниҳоли сарвға зийнат берай деб

Эшигчач шоҳнинг сўзин маликзод,
Равон бўлди туруб чун сарви озод.

Пари янглиғ топуқчилар қатинда,
Тавозуъ қилдилар шоҳ қопуқинда.

Тилаб эди ўз ўғлини қостиға,
Яқиндурким ани сүқса жониға.

Қелиб ўлтурди Сонд ўтрусинда,
Ҳамиша нозир эрди дидасинда

Аларни кўрди шоҳ, хурсанд бўлди
Дилу жони муҳаббат бирла тўлди.

Буюрди хазначиға хазнани оч,
Фалон сандуқни келтур, қулфини оч.

Қетурдилар анга олтун сандуқ,
Ки бир тўну юзук, ўзга нима йўқ.

Чу тўн бирла юзук ўғлиға берди,
Киши билмас бу тўнда не бор эрди.

Мирохурға буюрдиким фалон от,
Не отдурким дегайсан бир паризод.

Қетурди отнию Соидға берди,
Ки Соидни үғулдек севар эрди.

Туруб шаҳзода ҳам Соид авилжаб,
Тавозуъ қилдилар хон кўнглип овлаб.

Ижозат бўлди, турди шоҳзода,
Парилар бўлди олдинда пиёда.

Чу шоҳ инъом қилди севарига,
Вале ўт солди онинг кўйларига.

Этиб инъом агарчи қилди хуррам,
Не билсун анда эрмиш юз туман ғам.

*Сайфулмулк ул тўнда бир сурат кўруб, ошиқ
бўлгони*

Ажаб қисса ривоят қилди ровӣ,
Хабар бўлди жаҳонга тўлди жови.

Атосининг қошидин чиқти шаҳзод,
Хиромон тебради чун сарви озод.

Келиб тушти ўзининг манзилиға,
Қўшулди ул парилар маҳфилиға.

Ёқиб машъал чу суратхоналарға,
Муҳандислар кириб афсоналарға.

Тамоми ҳужраларда шамъ равшан,
Қылаб ул құшкни монаанди гулшан.

Ичар ~~біле~~ қар війдің үйга юруб,
Юрур фаррошлар йўлини супуруб.

Севиниб ушбу кеча ичтилар май,
Йиқилди ҳар киши үзини билмай.

Вале шаҳзоданинг кўнглида эрди,
Очлаб кўргай бу тўнда не бор эрди,

Ешиб бўқчани, тўнни олди кўрди,
Ки бир сурат кўрубон ~~оҳ~~ урди,

Тура келди яна бир үйга борди,
Яна кўргач ўзидин ўзга борди.

Тафарружлар қилур ул тўнға бисёр,
Неча боққон сари бўлди гирифтор.

Не тўндур улки жошининг балоси,
Бўлуб кўнгли бу тўннинг мубталоси,

Бор эрди тўнда бир сурат мунаққаш,
Бўйи бошдин аёф раъноу дилкаш.

Юзига боқса ул гўё куладур,
Ани кўрган сайи жони куядур,

Эрур ранги рухи гулбарғи тардек,
Лаби лаъли анинг шириин шакардек.

Дегайсан оғзидур чун ғунчай гул,
Юзида тұлғониб ул зулф сунбул.

Қоши ёдек құрлуб үқ отарға,
Ани күрганда сабри йүқ этарға.

Хаданг кирпиклари монанди ништар,
Магар сув берди устоди чу ханжар.

Бүйи гулнинг ниҳолидек эгилур,
Бұлуб ҳалқа сочи гүё чигилур.

Ниҳоли сарвдекдур қадди мавзун,
Лаби лаълу тиши чун дурри макнун.

Кўзига боқсангиз — кўзи сузулур,
Бўйи позик, магар бели узулур.

Кўруб шаҳзода мундоғ сурати хўб.
Юзига юз қўяр оғзини ўпуб.

На суратким балойи жон экандур,
Балойи жси, vale жонон экандур.

Ёқилди ишқ ўти жониға шаҳнинг,
Қадалди меҳр үқи бағриға шаҳнинг...

Сайфулмұлк йиғлаб, отасидин ижозат тиласоғони

Деди шаҳзода йиғлаб: «Эй жаҳондор,
Менинг учун басе бўлдунг дилафгор.

Оёғинг тұзи құзум тұтиёси,
Унүтилмас бу сурат можароси.

Уятни уртада ишқ үти, эй шоҳ.
Учурди номусим шамъини бу оҳ.

Агар шамсу қамарни арз қилсанг,
Бориб ҳури биҳишт олиб кетурсанг,

Манга ондин үкун жонон керакмас,
Манга онсиз бу танда жон керакмас.

Ижозат берсангиз үзум тилойин.
Юруб, истаб, они үзум бўлойин».

Оноси оҳ уруб, чиқти қошидин,
Яқосин сув қилиб кўзин ёшидин.

Бўлуб Сайфулмулкка ғам мусоҳиб,
Қадим ичклиарини қилди ғойиб.

Бўлуб шаҳзода бу сурат гадоси,
Бўлуб бўстон саро мотам сароси.

Атоси чиқти, ўғли қолди ёлғуз,
Ул ангиз этти бир афғони дилсўз.

Софиниб ҳардам ул суратни шаҳзод,
Чиқарди жонидин юз оҳу фарёд.

Ҳамин айтур сени қайдин тилойин,
Эрам боғи нишонин не билойин.

Сүрофингни сени кимдин сўройин,
Жамолингни сенинг қайдин кўройин.

Не қилай, кимга айтай ҳолу дардим.
Санга тегура олмон рўйи зардим.

Ким элтур бу хабар боғи Эрамға
Ким айтур ҳол дардим ул санамға...

Юрак қоним шаробим, ҳамдамим оҳ,
Бағир бўлди кабобим, машъалим моҳ.

Сенинг ишқинг ўтида май урап жўш,
Бўлур сарви сиҳи фикрингда беҳуш.

Суроҳи ҳасратингда қон йиғлар,
Куяр шамъи тақи ҳайрон йиғлар.

Менинг олдимда чанг бўлди дуто ҳам,
Қилур нолиш менинг ҳолима еб ғам.

Фифон айлаб рубоби ёд қилур,
Урап кўксигаю фарёд қилур.

Узотиб бўйинни бечора танбур,
Менинг ҳолимға йиғлар нолишин қўр.

Куяр оҳимға уду ҳам мусиқор,
Бўлуб дардимға қонун кўкс йиртор.

Тамоми созлар бўлуб ҳаводор,
Бари юзум кўруб ҳолимға йиғлар..,

Бўлуб шаҳзоданинг ранги хазондек,
Ақиқи лаблари чун заъфарондек.

Кетиб ақлу қарору сабр ондин.
Кечиб бу тахту бахту бу жаҳондин.

Басе ожиз бўлуб онинг атоси,
Тўкар кўздин юрак қонин аноси.

Кечачундуз бу ғам бирла гирифттор,
Анинг ҳолиға аҳли Миср йиғлор,

Анга ҳар ким насиҳат қилса тутмас,
Қатиғдур ишқ, ўгут метиндин ўтмас.

Кишига ишқ агар ҳамроҳ бўлса,
Гадодур ул агарчи шоҳ бўлса,

Ки бўлмас ишқда ҳам куфр-имон,
Не сабр анда, не кофир, не мусулмон..

Кўнгулга ишқ агар ким зўр қилур.
Бас оқил кўзини кўр қилур.

Вале ошиқ керакким бўлса содиқ,
Шаҳаншоҳдек муҳаббат бирла ошиқ.

Фироқ оғуси анга шаҳду шарбат,
Ғаму қайғуси анга айшу ишрат,

Эрур чун ишқ дарёйи муаззам,
Кира олмас анга ҳар қайси одам,

Мұхаббат баҳри ошиқлар еридур,
Анга кирған тақи әрнинг эридур.

Мұхаббат шарбатин ичкан унутмас,
Анга ҳар ким насиҳат қылса тутмас.

Керак ошиқ чиройи затъфарондек,
Нигори фикрида барги хазондек.

*Шоҳ Осимиң беклари бирла кенгашиб, ўғлиға сағар
яроғын қылғони*

Чу күрди шоҳ ўғлиниң мизожин,
Насиҳат бирла топмайдур иложин.

Юборай деса күнгүл уза билмас,
Юборса ўтиға ҳам тұза билмас.

Ул охир боғлади бағриға бир тош.
Сузук нарғисларига тұлдурууб ёш.

Кенгашди беклари бирла үтуруб.
Деди беклар даилиллар ҳам кетуруб,

Ки: «Шоҳи сен тақи мардана бұлғил,
Юрокинг беркитиб шоҳона бұлғил.

Мунингдеклар жаҳонда әрка тушар,
Эсон бұлса әр ўғлиға не пушар».

Ки барча құйдилар сүзни бу ерга,
Ки «Мундоқлар тушар ҳар қайда әрга.

Қолин черик тақи бермоқ керак сиз,
Талаб йұлиға юбормоқ керак сиз.

Сафарнинг меҳнати ҳам панд бұлур,
Агарчи топмаса хурсанд бұлур»,

Чу Осим күрди ҳеч тадбир йүқтүр,
Юбормоқдин үкун дастгир йүқтүр.

Деди султон: «Қилинг дарё яроғин,
Керакким сувда ҳам сүрғай сүроғин».

Буюрди тұрт юз кема чопинглар,
Ки ҳар кемада юз ҳужра ёпинглар.

Қетурдилар кема чопқучиларни,
Кемада ҳужралар ёпқучиларни.

Ҳама ишни қилибон эл фаровон,
Ки юз минг халқ тортиб анда күп жон.

Мукаммал бұлди кулли кема, ҳужра,
Ки бердилар кемачиларга ужра.

Йиғиб келтурдилар дарё лабина,
Мұхит отлиғ чу нопайдо олина.

*Сайфулмұлқ кема халқи бирла Чин вилоятыға
етишшони*

Аё ровий, кел әмди, қил ривоят,
Не сурат бирла ул қилди ҳикоят.

Деди ровийки андин тебрадилар,
Кеча-кундуз кемалар тинмадилар.

Вале ишратларининг ҳеч сони йўқ,
Ки бу қайнар тенгиздин ҳеч ғами йўқ,

Ки юз минг жўш уруб бу баҳр қайнар,
Маликзода балиқ овини овлар.

Кеча-кундуз ичарлар лолагун май,
Кеча-кундуз нечук ўтканни билмай.

Кемадин кемага юруб ичарлар,
Газакка балиқ этидин ошарлар.

Суруб маллоҳлар киштини турмай,
Кеча-кундуз юрурлар ҳеч уюмай...

Дедилар:—«Чинда хўб наққошлар бор,
Жаҳонгашта ҳикоят фошлар бор,

Эшигтан бўлғай ул савдогар аҳли,
Тақи ул суратин суратгар аҳли».

Бу сўз бирла Хитойга қўйдилар юз,
Худо қилди иноят елини туз.

Беш-олти ой ўтуб еттилар онда,
Ки ҳеч ташвиш кўрмай бу жаҳонда.

Яқоға торттилар кулли кемани,
Чиқардилар сувдин бори нимани.

Муazzзам чатр тикди, яна хиргоҳ,
Чиқибон тахт уза ўлтурди ул шоҳ.

Халойиқ тикди чодир неча алвон,
Йироқдин кўрди бу черикни дидбон.

Ошуқуб етти ул Фағфури Чинга,
Дедиким: «Еғи кирди мулкингизга».

Бу сүздии шохи Чин бўлди пур ошуб,
Басе тушди халойиқقا талотўп.

Қилибон қалъаларни руст мазбут,
Ясади элчилар юборгали зуд...

*Фағфури Чин шаҳрин тузуб, Сайфулмулкни меҳмон
қилғони*

Қилиб Фағфури Чин мажлис яроғин,
Ясатти шаҳрини ҳам кўшку боғин.

Чиқиб келди, ўзи қилди кўрунуш,
Ани чорлаб деди: «Тахтим уза туш».

Матикзода қабул қилди бу сўзни,
Ясади жўраларни ҳам чу ўзни.

Асоси салтанат кўргузди султон,
Отолиқлар била ҳам бўлди меҳмон.

Бериб суҳбат буларға шоҳ Фағфур,
Келиб бир ҳафта Чин мулкини маъмур.

Қилиб шаҳзода ҳам сиррини изҳор,
Суруб куялли халойиқдин бу ахбор,

Ки ҳеч ким билмади бу сўзнинг аслин.
Дедилар ким билур Шаҳбол наслин?

Вале бир пир бу шаҳнинг ҳазратина,
Деди шаҳри эрур оти Фатина.

Эшитибманки хўб наққошлар бор,
Жаҳонгашта ҳикоят фошлар бор.

Деди шаҳзода ким неча йироқдур?
Улуғлар дерки бир йиллик йироқдур.

Агар туз ел туруб, маллоҳ сурса,
Етар бир йилға тузлук ел бўлса...

*Шаҳзода Фатина шаҳрига юзланиб, кемалари гарқ
бўлгони*

Кел, эй ровий, ривоят қил бу қисса,
Нечук тушти маликзодаға ғусса?

Деди ровийки иш бисёр бўлди,
Баси меҳнат била афгор бўлди.

*Маликзода қилибон кўч яроғин.
Фатина шахрина солғай сўроғин*

Келиб шахзодаким кемага тушти,
Тамом асбобини солди бакишти.

Тамоми халқ кирди киштиларга,
Бўлуб тайёр беклар тузди чарга.

Алар сўнгича маллоҳлар тушти,
Суруб кемани илгари юрушти.

Чу қилдилар кеча-кундуз фароғат,
Күнгүл завқи била ҳеч йүқтүр оғат.

Маликзода хаёли бирла хуррам,
Эрүр хандону, йүқ күнглиңда ҳеч ғам:

Бу ишрат бирла олти ой борди,
Қоровуллар ҳамиша йүл боқарди.

Ҳасад әлтиб фалак бу давлатиға,
Емөнлик бирла минди ўз отиға.

Секин тенгиз бузуклуқ қилди ангез,
Белига боғлади шамшири ҳунрез.

Ҳасад қилиб тақи түфөн қупорди
Ки ҳардам бир тараққосин қүпорди.

Қилур ҳардам бир ўзга шарфа ангиз,
Бұлур ҳар шарфада минг заҳри хунрез.

Булут гукраб йиғар түфөн қилурға,
Тенгиз қайнаб, тошар ул қон қилурға.

Қоронғы ел құпуб, дунё бұлуб тор.
Бұлуб дарё юзинде нола бисёр.

Бұлуб кундуз куни ялдо тунидек,
На қаттиқ кун, қиёматнинг кунидек.

Яна боқсанғ күзүнгга эл күрунмас,
Илик солсанғ сувдин ўзга урунмас.

Тубиндин чайқалур пур шүр дарё,
Кемаларнинг қилур қаддини бир ё.

Кемалар бир-бирига бош урарлар,
Қуий чўкуб, улар сувға тўларлар.

Қадоғлари синибон бўлди пора,
Ки ҳеч ким топмади қочмоққа чора.

Урунуб бир-бирисига ўтарлар,
Синиб-синиб сув тубиға ботарлар.

Деди ровий ушул турт юз кема,
Ўшунда ғарқ бўлди кулли нима.

Чу бўлдилар фано дарё тубунда,
Қурунмас ҳеч нима дарё юзунда.

Еди покиза ул дарёйи хунхор,
Ки қолмади алардин зарра осор...

*Кемалар ва кулли черики ва асбоблари ғарқ бўлгони,
шаҳзода бир тахта бирла гирдобға киргони*

Вале шаҳзодани ул сунъ сониъ,
Балодин сақладию қилди мониъ,

Тенгиз ким бир замон пур жуш эрди,
Анинг ҳавлинда шоҳ беҳуш эрди.

Йўқ эрди ул замон олдида Соид,
Ёнидин бўлди ғойиб шамъи шоҳид.

Фалакнинг гардиши қилди ишини,
Чу кўрмай борди алар бир-бирини.

Қиши билмас кема қайдада бородур,
Худо мундоқ балоларни солодур.

Чу шаҳзода ўзига келди ноғоҳ,
Тафарруж қилди дарёға юзин шоҳ,

На эл бору на кема бор, на Соид,
На беклар бор, на сипоҳу на обид...

*Шаҳзода гирдобдин халос бўлуб, ўн икки жўра бирлан
зангиларга тушгони*

Қел, эй ровий, ҳикоят қил бу достон,
Парихонамидуру ёхуд девистон.

Деди ровий қилойин бир ҳикоят,
Қулоқ солиб эшитгил то ниҳоят.

Борур эрди маликзода йўлиға,
Қарар эрди тақи ўнгу сўлиға.

Кўрарким бир кема тўғри келодур.
Вале билмасдулар ўғри келодур.

Булар айтур бизинг элдин бўлғай,
Ва ё савдогар аҳлидин бўлғай.

Булар бу фикр бирла шоду маъмур,
Ки иш тушкан эмаслар маст мағрур.

Яқин келдилар эрса күрдилар пок,
Ёмон дидорлиқ зангийи бебок.

Деди ровики етмиш тан әдилар,
Ки одам еб ҳамон түймай әдилар.

Чу күрдилар булардек нуқли мақбул,
Ки бүлдилар булар тутмоққа машғул,

Булар ҳам белни боғлади урушға,
Яроғланиб бари ўтру турушға.

Уруш бүлди баси күп түктилар қон.
Илик тебраткуча худ чектилар жон.

Бари занги туфандык андоз әдилар,
Уруш бобида оташбоз әдилар,

Ки отди зангилаар чун зарби зангин,
Қизил қон бирла дарё бүлди рангин,

Ки дарё бүлди чун туташқон ўтдек,
Тутун бирла ҳаво бүлди булутдек.

Ки бу бечоралар куйдилар аксар,
Куюб кема билан бүлдилар ахгар.

Тутуб шаҳни ўн икки жўра бирлан,
Олиб дурни бу жамъ маҳпора бирлан,

Илик, оёқларини боғладилар,
Аларни ғам ўтиға доғладилар.

Олиб тебрадилар бөлгөн үйнде,
Тамом аъзоларини қонга булғаб,

Бор эрди бир жазира ҳақ яратган,
Анинг ичинда зангилаштуратган.

Бор эрди чун булатнинг подшоҳи,
Фаройиб кўп эди занги сипоҳи.

Булатни әлттилар, чектилар анда,
Кўнгулга маргни эктилар анда.

Кулубон қаҳ-қаҳ ул зангийи хунхор,
Шукунмай одамидин одамихор.

Буюрдиким учовни сақлангизлар,
Ки қолғонин семуртуб қоқлангизлар...

Тирик қолғонларини келтурунглар,
Газак қилсун, қизимга әлтинғизлар.

Эшишиб чун булар ул сўзни шоҳдин,
Умид уздилар охир хаста жондин.

Туруб бечоралар бўлди жигар хун,
Вале шаҳзода деди бўлди шум кун...

Юборди қизифа ул уч кишини,
Муҳайё қилдилар занги ишини,

Учовлонки қизифа ул юборди.
Аларнинг бириси шаҳзода эрди.

Кетурдилар чу зангининг қизига,
Күзи тушти маликзода юзиға.

Күрүб шаҳзодани қиз бўлди ошиқ,
Парини кўрди дев ўзига лойик.

Занги духтар ўзини ороста қилиб, шаҳзодаға келгони

Ки бир кун қиз ўзин орост қилди,
Тақи шаҳзодага бехост келди.

Суроҳида шаробу нуқл бисёр,
Фароғат қилғаю бўлғай харидор.

Юзиға суртубон ул упа деб гач,
Қаро зулғин қаро юзга қуюб каж.

Қозон қорасидин қошиға тортиб,
Қалин гач бирла юзини оқартиб.

Қаро аргамчидин солиб чу сочбоғ,
Солиб ночоғ бўйниға ани чоғ.

Қилиб бир-икки қасқонни билазук,
Солиб неча қизил соғурдин узук.

Чу филнинг туйноғидек туйноғина
Қизил суртуб бўяди мисли хина.

Юрур бўлса юрур тева юрушин,
Кулур бўлса қулар айиқ қулушин.

Ёпилиб филдек икки қулоғи,
Солиниб тевадек остин дудоги,

Кулоқлариға солибон солинжоқ,
Исирға үрниға солур саримсоқ.

Кийиб әгнига үрмакдин қаро шол,
Хавас бирла игуруб ул маҳу сол.

Бүйини күрсангиз мисли минори,
Агар оғзига боқсанг мисли ғори.

Анинг ҳар бир құли шохи чинори,
Тақи бармоқларидур күр мори.

Анинг ҳар бир тиши монанди сандон,
Неча қылсам сифат, бор онча чандон.

Тили онинг жаҳаннам ақрабидек,
Юзига боксангиз ялдо тунидек,

Чу бурнидур ато-бобоси гүри,
Тұшугидур магар бир эски мүри.

Анинг ҳар бир күзи мисли узангу,
Қулоқлари анинг эски тебангу.

Бу сурат бирла қилур не хаёли,
«Юзум гулдур, бүюм тоза ниҳоли,

Ки бу оламда бир мендек санам йўқ,
Парилар ошиқимдур, ҳеч ғам йўқ.

Кўрунг мендек санам борму жаҳонда,
Мени кўргач бўлур шаҳзода банда».

Бу талъат бирла келди шоҳ қатиға,
Кириб девлар парилар суҳбатиға.

Туруб шаҳзода ҳам таъзим қилди,
Заруратдин ани такрим қилди.

Олиб занги қизи шаҳни қошиға,
Ёқиндуруким ани сүкса жониға.

Келиб шаҳзодаға чун бўйи нохуш,
Йиқилди сустайиб, ҳам бўлди беҳуш.

Деди чўрилари: «Қўруб сени бил,
Бўлуб ошиқ ўзидин борди билгил».

Бошини олдию тизига қўйди.
Булут юзини ой юзига қўйди.

Қўюб филдек лабини шаҳ лабина,
Олиб гул ғунчасини хартумина.

Сўрар лаъли лабини мисли аждар,
Қучар шоҳи парини деви ҳафтсар,

Димоғиға тўлуб бўйи хароби,
Чу бўлди маст шоҳ ичмай шароби.

Хумор вийқусилин уйғотди шаҳни,
Қаро булут олиб қўйниға маҳни...

Ўпуб дедиким: «Эй жоним нечуксан,
Ки мендин бошқа жононим нечуксан?

Менинг дардим била ҳолинг нечукдур,
Ки менсиз ғамда аҳволинг нечукдур?»

Деди шаҳзода: «Сенсиз мен хуш эрдим,
Нигорим ёди бирла сархуш эрдим.

Сенинг дидоринга мен хира бўлдум.
Ўзумдин бордиму ҳам тийра бўлдум.

Қаронғу юзунг учун бости қайғу,
Мунаввар хотирим бўлди қаронғу.

Ола кўзунг ғами ерга боқузди,
Қаро кўзум сувун ерга оқузди.

Қошингни кўрдиму «ё» дек букулдум,
Қўрубон ғордек оғзингни кулдум.

Йилондек зулфларинг афсун қилибдур,
Мени мунда оёғимни илибдур,

Юзунгни кўрубон ҳайрон бўлубман.
Қета билмай чу саргардон бўлубман.

Кўзунгдин юзу кўзни кунлаюрман,
Манга кўп боқмағил воллоҳ, ўлурман.

Бу қулнинг буйнига солма қўлунгни;
Ўзингга teng этма бу қулунгни...»

Эшитти занги духтар ушбу сўзни,
Ғазаб бирла юзига тикди кўзни.

Қелиб қаҳри, туруб чиқти қатидин,
Вале күнгли хароб ул ҳасратидин.

Дедиким: «Мен сенинг ишинг қилойин,
Сабоҳ, эрта билан бошинг кесойин».

Вале ўлтурғали ҳайғи келадур,
Юзун куруб яна раҳми келадур.

Неча кунлар буюрди ёргучоққа,
Хиял қылса урарлар шаққа-шаққа,

Иликлари қабориб, ёрма тортар,
Күзидан бодаи гулгунлар оқар.

Буюрдиким бу кез ўтун ташисун,
Кечә тонг отқұча отни қашисун.

Янги ойдек букулуб тошир ўтун,
Лаби лаъли қуруб, бұлды жигар хун.

Қилур шаҳзодаға мундоғ жафони,
Ки яъни тұзмай ул қылғай вафони,

Қим ушбу можаро бирла неча йил,
Ташидилар ўтун қуллуқ қилиб, бил.

*Сайфулмұлк жүралари бирлан кенгашиб,
қочиб сувға киргони*

Кенгаشتі бир куни бу уч гирифтор,
Ки мунда бұлғуси йўқ бизга ғамхор,

Тирик эрканимизни киши билмас,
Киши бизни тиларга мунда келмас,

Буларнинг илгига ўлмак керакмас,
Бу меҳнат ўтида куймак керакмас.

Эрур ушбу замон фурсат ғанимат
Тақи қочмоқ учун бу дам ғанимат,

Йиғиб хошок, сенли боғладилар,
Қочар йўлни келибон чоғладилар.

Кеча бирлан келибон миндилар сол,
Худо деб кирдилар дарёға филҳол.

Тонг отқунча узадилар бу ердин,
Қутулдилар чу занги меҳнатидин.

Неча кунлар кеча-кундуз юрубон,
Ки жаҳд айлаб булар солин суруборон,

Курунди бир жазира сабз, хуррам,
Етиштилар юруб бечоралар ҳам.

Ажойиб ул жазира сернеъмат,
Чекиб эрди алар бисёр меҳнат.

Шукурлар қилдилар, турдилар анда,
Ажойиб нималар кўрдилар анда,

Ки кун туғса кумуш, олтун туғодур,
Яна кун ботса олтунлар ботодур.

Яна бисёр сандал, уд, анбар,
Тақи турлук емишлар күп гавҳар.

Қабул қилди алар ушбу жазира.
Ки қилдилар чу бир ерни ҳазира.

Иифиб турлук емишларни батамом.
Қилиб қишининг яроғини саранжом.

Чу бир қиши ушбу ерда умр кечти,
Учовлон шираю шарбат ичишти...

*Шаҳзода девнинг уйинда бир қиз кўриб, сўзлашгони
ва ёридин хабар топгони*

Не кўрди шоҳ ул уйда, эшитгил,
Қулоқ солиб, фарогат қилу кетгил.

Ки тахт узра ётибдур бир нимарса,
Чу шаҳ кўрган эмас мундоғ кимарса.

Олиб чодиршабини очти юздин,
Қўрар бир нозанини жони ширин.

Ётибдур тахт уза бир моҳпора,
Юзин кўргач яқосин қилди пора.

Неча тебратти ул уйғонмади ҳеч,
Басе турди бошининг устида кеч.

Агар ўлук деса анда нафас бор,
Вале тутиси олдида, қафас бор.

Йилондек печ уруб сочи ёнида,
Ки жон бору ҳаракат йүқ танида.

Бошининг устида бир лавҳи олтун,
Басе қилғон бу тахтаға жигар хун.

Дедиким турмоғим ҳикматдин эрмас,
Бу тахта қолса ҳам давлатдин эрмас.

Туруб бу тахтани илкига олди,
Тақи бир пора дур қўйниға солди.

Олиб чиқти эшикка лаҳза турди,
Бу қиз уйнинг ичидагатса урди.

Чу боқса ўлтурубтур нозанине,
Ёниб кирди, соғинди уйқусини.

Яна тахта бўлубон борди ўздин,
Қўзин юмди тақи қолди сўздин.

Тафаҳҳус қилса бу лавҳи ичрадур банд,
Қилибдурлар анинг уйқусини банд.

Агар ул лавҳани ташқори қўйса,
Турубон ўлтуруб урадур атса.

Бу кез ташқори отти тахтани шоҳ,
Қўпуб ўлтурди тахт устинда ул моҳ.

Салом этти тавозуъ бирла султон,
Юзига боқтию шоҳ бўлди ҳайрон.

Деди: «Ёраб пари, ё одамиур,
Мунингдек ерда девнинг ҳамдамиур?»

Бўлуб ҳайрон бу қиз ҳам деди ул дам,
Кела билмас парихонаға одам.

Қиз айди: «Эй йигит сўзла на жонсан,
Басе маълум эрур дилгир жонсан».

Шоҳ айтур: — «Инс, жинсан ё парисан,
Башарсан, ҳурсан ё шаҳ парисан».

Қиз айтур: «Ҳавл қилма, одамиман,
Заруратдин бу девга ҳамдамиман».

Туруб йиғлаб кўрушти иккаласи,
Вале қўрқар келур дебон эгаси.

Деди шаҳзода: «Мендек зор эмишсан,
Фироқ илгига ҳам афгор эмишсан.

Недур ҳолинг манга айтғил саросар,
Ки бўлғайму манга дардинг баробар?

Оting недур қаю ердин бўлурсан,
Сабаб недур келиб мунда туурсан?»

Қиз айтурким: «Сен аввал сўзла ҳолинг,
Эшитайким на берур мужда фолинг».

Деди шаҳзодаким: «Қисса узундур,
Ки девнинг олдида одам забундур».

Қиз айтур: «Дев яна уч кунда келур,
Келиб яхши-ёмон ҳолимни билур.

Келур меъёри етти кунда келур,
Туур үч кун тақи овора бўлур.

Мени ул банд этибдур ҳеч билмон,
Ётурман, эшитурман, сўзлай олмон.

Билурман ҳам анинг келур кунини,
Туарман эшитиб анинг унини,

Ки ўн бир йил бўлубтур ман гирифтор
Бу ҳол ила кеча-кундуз бўлуб зор».

Шаҳзода ўз ҳолини ул қизга айтгони

Эшитти эрса қизнинг сўзини шоҳ,
Ичи куюб, ёлиндек урди бир оҳ,

Деди: «Эмди менинг ҳолим эшитгил,
Фалат эрмастур, эй жон, чин тутгил.

Отамнинг оти Осим ибни Сафвон,
Эрур ул Миср иқлимида султон.

Менинг отим туур Сайфулмулк бил,
Эшитиб ҳолими яхши сулук қил.

Миср иқлимининг шаҳзодасиман,
Ки бир сурат кўруб дилдодасиман.

Ёнар ўтға солибон хонлиғимни,
Қули бұлдым құюб султонлиғимни.

Анинг оти Бадиъдур бинт Шаҳбол,
Ери анинг Эрам бөғи будур ҳол.

Күкалдошим бор әрди Соид отлиғ,
Орамизда йүқ әрди ҳеч ётлиғ.

Агар күрмасам әрди бир замони,
Куяр әрдим яна күргунча они.

Үн икки йил туур әндін жудоман,
Юруб ёлғуз, ғаминда мубталоман.

Құпуб түғон, чақилиб раъд ҳам барқ,
Қи юз минг чериким анда бұлуб ғарқ.

Құюб әрди Бадиим күксума доғ,
Яна Соид құюб доғ устина доғ».

Наким күрганларин деди саросар,
Әшитиб йиғлади қыз ҳам баробар.

Ул қизнинг Бадиулжамолдин хабар айтгони

Бадиънинг отиниким қыз әшитти,
Яқосин чок этиб фарёд этти.

Деди қызким: «Иковлонмиз әмукдош,
Эрурмиз бир кеча туққан әгиздош.

Чу ўн бир йил туур айрилғалиман,
Бу аҳволга гирифтор бұлғалиман.

Анинг ҳажрида куяр жисму жоним,
Қаронғудур фироқида жаҳоним.

Нече йиллар анинг бирла юруштук,
Она сутин анинг бирла әмуштук,

Ки ул мандин хабар билмай туур ҳеч,
Мени қўймаслар эрди мунда ҳеч кеч.

Агар учрасанг эрди анда бизга,
Ки тегургай эдим мақсудингизга.

Нетайин, найлайнин бечорадурман,
Бу девнинг илгига оворадурман».

Ҳикоят қилдию йиғлоди бисёр,
Анинг бирла тақи ул ошиқи зор...

Деди Сайфулмулк: «Бир фикр этоли,
Бу девни ўлтуруб мундин кетоли».

Малика дедиким: «Не фикр этармиз.
Бу золим илгидин нечук кетармиз,

Ки ҳар фикрики қилсанг ёрдурман.
Сенинг жонинг учун ғамхордурман...»

Халос этти шаҳаншоҳ ҳоҳарини,
Ки девнинг бандидин гүё парини.

Келибон кирдилар тубсиз тенгизга,
Сурубон солни кечдин кундузга...

Неча күнлар юрудилар емай ғам,
Курунди бир жазира сабз хуррам.

Дедилар неча кун мунда туроли
На келур тенгрининг сунъин кўроли...

Қазодин тенгри тақдири била рост,
Етиб бир корвони мунда бехост.

Алар ҳам курдилар бу манзили хуш,
Қилиб туштилар анда маҳфили хуш.

Эшитиб унларини шоҳзода,
Йироқдин турубон қилди назора.

Маликзода юруб илфори келди,
Салом айтиб, басе таъзим қилди.

Булар айтур: «Қароқчи бўлмағай деб,
Ки бизни чоғлаголи келмагай деб»,

Ки кўп таҳқиқ қилдилар мудаққиқ,
Булар ҳам англади муъмин таҳқиқ.

Бу ҳам бориб солинда ҳарна борин,
Малика бирла келтурди на борин.

Үтурдилар қўшулуб, кўнгли тиниб,
Фалакнинг жабр этардин бўйни синиб.

Бу эл кўнглини овлаб сўз қотарлар,
Таажжуб бирла юзига боқарлар..

Чу сүрдилар булар ҳолин баробар,
Булар ҳам ҳолларин деди саросар,

Эшитиб корвонлар ушбу сұзни,
Қилиб тақрир, ёд этти бу сұзни...

Ики-уч кун туруб бу корвони,
Кетурдилар яна кишли равони.

Олиб шаҳзодаларни дармиёна,
Алар үз мулкина бўлди равона,

Суруб маллоҳлар кунда бу кишли,
Ченаган манзилига ҳам етиши,

Қуруқлуқ сарҳадига етти кема,
Чиқарди халқ раҳти кулли нима...

Яроғлаб корвон икки улуғин,
Суханпарvard хуб соҳиб вуқуфин,

Дедилар шаҳни бориб күрингизлар,
Қилиб ахбор, севинчи олингизлар...

Бу хабарни маликанинг отаси эшитиб, ўтру чиққони

Эшиitti бу хабар шоҳи Сарандил,
Қилибон шаҳрни ойини қандил.

Севиниб ўтру чиқти кулли ўрда,
Тирилди деб ўшул гулбарги мурда.

Рабиулмулк келди пешвози,
Етусти деб яна ул сарв нози,

Буларнинг ҳолатидин қўпти афғон,
Севиниб халқ йиғлар мисли найсон.

Асоси салтанат бирла кетурди,
Сарандил шаҳрининг жонин кетурди.

Мурассаъ қилған олтундин тахтлар,
Ёзиб турлук қумошу хўб раҳтлар.

Келибон шоҳ Рабиулмулк сингли,
Берубон тўй, хуррам бўлди кўнгли.

Ўтурдилар севунуб шамси ховар,
Севуб айтур аносин жон модар...

Қилиб шукrona тўйи шодиёна,
Олиб Сайфулмulkни дармиёна.

Ўғул ўқуди ул шаҳзодани шоҳ,
Анга топшурди мулкини шаҳаншоҳ...

Бадиулжамол маликани эшишиб, кўргани келгони

Ривоят қилди рови бу гулистон,
Деди бўлур муаттар эмди бўстон,

Эмуқдошим келубдур деб паризод,
Эшишиб бу хабарни бўлди дилшод.

Севар эди ани бас жони бирла,
Туфайл этти ўзин турғони бирла.

Анинг фикрида эди зор афгор,
Кечакундуз ғами бирла гирифтөр.

Атоси ҳам аноси шод бўлди,
Қизи ғам илгидин озод бўлди...

Малика тақриб бирла шаҳзоданинг ҳолини айтгони

Ки бўлди икки ҳамшира муюшир,
Малика қўйди ўз дардини охир.

Бадиъ айтур: «Қил эмди бир ҳикоят,
Ки бўлғай ул ҳикоятда сироят.

Қўнгул очилғудек афсона айғил,
Ки бир афсонаи дурдона айғил».

Малика топди тақрибий ҳикоят,
Ки бунёд эттию қилди ривоят.

Чигалган зулфиға ул топти шона,
Тугунин ешгали бўлди баҳона,

Далил этти шаҳаншоҳнинг сўзини,
Ки очти ул ҳикоятнинг юзини...

Қилиб шаҳзодани бисёр таъриф,
Парию ҳурдин ортурди тавсиф.

Деди охирки: «Эй ёри вафодор,
Сенинг ишқингда эрур ул дилафгор».

Не кўргонин, не қилғонин саросар,
Ўн уч йил жавр чекконин баробар.

Анинг аҳволини аввалдин охир,
Бадиъ олдида шарҳ айлади зоҳир.

*Бадиулжамол яшурун бориб, шаҳзодани кўруб
ошиқ бўлгони*

Чу таъриф ўқи кўксина тикилди,
Муҳаббат тухми кўнглига экилди,

Ким ул элдин уялиб ноз қилди,
Вале кўнггул қуши парвоз қилди.

Бу сўз устида кўп қилди далолат,
Малика оқибат бўлди хижолат.

Бошин қўйди малика уйқу бости,
Бадиъ кўнглини ишқ ўтиға ости.

Шаҳаншоҳ ишқи охир зўр қилди,
Парининг кўнглини пуршўр қилди.

Чу ўтти тун ярими уйқуси йўқ,
Ғами шаҳзода, ўзга қайғуси йўқ.

Бўлуб, эл кўзидин махфий равона,
Ўюқлаб қолди онда ул дугона.

Құпуб келди құрай деб тоза гулни,
Юзини күрди, олдурди күнгүлни.

Еқиб ишқ үтини маҳга шаҳаншоҳ,
Эгиб меҳр үти анга урди бир оҳ.

Үзидин бордию беҳуш бўлди,
Ки ичмай бода ул хомуш бўлди...

Шаҳзода ташқари чиқиб, Бадиуљамонни топгони

Шаҳаншоҳ мажлиси ҳам маст бўлди.
Суруду созлар ҳам паст бўлди.

Бори уйқу ерига қўйдилар бош
Вале шаҳзода кўзидин тўкар ёш.

Ёта билмай туруб ташқори чиқти,
Юруб уй теграсидин кезди боқти.

Қўрар бир нозанинни маст беҳуш,
Ётур нозик бадан, симин баногўш.

Келиб қўргач таниди ёри содиқ,
Қўтарди бошини ул шоҳи ошиқ.

Бошин тизига олди, урди бир оҳ,
Ки уйғонмади уйқусидин ул моҳ.

Анинг оҳи дами кўзига тегди,
Қўзининг ёши ҳам юзига тегди.

Ки ногоҳ сесканиб келди үзига,
Чу ноз ила илик тутти юзига.

Деди: «Кимсен, бу не густохлиқдур,
Пари шоҳига не густохлиқдур.

Агар кўрса сени бир жин баякбор,
Қилур ушбу замон маюб, афгор».

Ки билди шоҳ чун жононасиidor.
Магарким шамъ ути парвонасиidor.

Чу йифлаб дедиким: «Шоҳоки зинҳор,
Чу сен ғамхорасен үзга на ғам бор.

Муродим, мақсадим, кўрап кўзумсан,
Ўн уч йилдин бери сўзлар сўзумсан.

Ўн уч йилдур сенинг ҳажрингда афгор,
Ғаминг бирла ғариблиқда гирифтор.

Юзумга боқ менинг икки кўзумсан.
Шакар оғзингни оч, ширин сўзумсан.

Эшиткан бўлғасен бу дардимизни,
Раҳм қил, кўр бу рўйи зардимизни».

Сузулуб боқтию қилди табассум,
Қилибон ғунчадек бир-бир такаллум,

Дедиким: «Одам ўғли бевафодур.
Ҳақиқат бўлмас анда пуржафодур.

Парига одам ўғли бўлса ошиқ,
Ки тупроқ ўт била бўлурму лойик?»

Маликзода деди: «Ўртанса тупроқ,
Қилур ўтқа таҳаммул бўлса тупроқ».

Чу кўрди шоҳнинг ишқи ҳақиқат,
Қилибон шарт боғлади муҳаббат.

Муҳаббат бирла ичти шарбати аҳд,
Бири-бирига сўндилар шакар-шаҳд.

Иликларин солиб бўюнларига,
Фалак этиб ҳасад ўюнларига.

Сўруб дардига дармон лабларидин,
Шифо топти, кўнгул оғриқларидин.

Нечукдин ғофил эрди ушбу гардун,
Муродига етишти ул жигар хун.

Агар маъшуқдин бўлмас ишорат,
Ки ошиққа яна бўлмас башорат.

Агар маъшуқ майли йўқ, билингиз,
Ета билмас анга ушшоқ ҳаргиз...





Ў

ТУРДИЙ

збекча шеърларида Турдий, форс-тожикча асарларида Фарсий тахаллуси билан шуҳрат қозонган бу шоир XVII асрнинг иккинчи ярмида яшаган. Турдий ўзбек уруғларидан Юз уруғига мансуб ва улар орасида эътиборли кишилардан эди.

Турдийнинг бизгача сақланиб қолган шеърлари жуда кўп эмас. Ҳаммаси бўлиб тўрт юз мисрадан ошиқроқ ғазал, мухаммас ва қитъаларни ўз ичига олган бир «Девон»и қолган. Бу асарлар, асосан, адабиётнинг сатира жанрига мансуб бўлиб, Турдий яшаган ва ижод этган даврда ҳукмронлик қилган Субҳонқулихон (1680—1702) зулмига, мавжуд тузумдаги зўравонлик ваadolат-сиэзликка қарши қаратилгандир.

Турдий хон истибдодига қарши шеърлар ёзиш билангина чекланмайди, балки қўлига қурол олиб қўзғолончилар сафида Субҳонқулихонга қарши курашларда ҳам бевосита қатнашади. Халқ қўзғолони Субҳонқулихон томонидан ваҳшиёна бостирилгач, шоир Жиззахга қочади ва умрининг охиригача муҳтожликда кун кечиради. Турдий таҳминан 1699—1700 йилларда вафот этган.

Демократ сатирик шоир Турдий-Фароғий ижоди ўзбек классик шеърияти тарихида ғоят зўр аҳамиятга эгадир.



ФАЗАЛ

Тор күнгүллук беклар, ман-ман деманг, кенглик
қилинг.

Тұқсон икки бори үзбак юртидур, тенглик қилинг.

Бирни қипчоқу хитою, бирни юз, найман деманг
Қирқү Юз, Минг сон бұлуб бир жон ойинлик қилинг.

Бир яқодин бosh чиқориб, барча бир тұнға кириб,
Бир үнгурлук, бир тиризлик, бир яқо, енглик қилинг.

Ким құюбдур, уұдайи үз мулкунгиздин чиқмайин,
Икки, уч, тұрт даъвосин этмакни күтахлик қилинг.

Мардлар майдон чекиб, рангин күтариб захмлар,
Сизга йүқ, ул жавҳару юзга упо-энглик қилинг.

* * *

Куяр тил шаммаи гар ҳолатимдин айласам тақрир,
Гирибон чок үлур этса қалам дарди дилим таҳрир.

Шаби ҳижрониминг поёни тай ўлмаз, тойири гардун
Маҳу хуршед үлуб икки қаноти айласа шабгир.

Тулуи субҳдин навмед, минг тунлар яқо йиртиб,
Саводи шоми ғамдин сори баҳтим хомаи тақдир.

* * *

Бошима бир күҳи ғам бир от коҳу емидин,
Бир кўнгул юз пора йўқлуқ заъфи ваҳму
биймидин.

Қад букуб, бўйнум эгиб, тегди оёқларга бошим,
Аҳли дунё пойбўси хизмату таъзимидин.

Дил — кабобим, қон — шаробим, ашки ҳасрат —
нуқли базм,
Етти қассоми азалнинг хизмати танъимидин.

* * *

Қатраям начиз, аммо зоти құлзум Турдийман,
Келтуран амвожға баҳри талотум Турдийман.

Қирқ, Юз, Минг ақраболар этдилар мандин
нүфур,
Не бало, бахти қарою толеи шум Турдийман.

Риштадек минг печу тоб чашми сұзандин ўтар,
Бовужуди эътибори чашми мардум Турдийман.

* * *

Туркона хиром айлади ул шұхи дилоро,
Дил мулкини бир гүшай чашм айлади яғмо.

Туфроғда жон битса раводур, на ажаб гул.
Чұх сарви сиҳи этди ниҳон күзлари шаҳло.

Хар қанда ғами дүст дилпорани истар,
То субҳ, яқо йиртмади меҳр үлмади пайдо.

[ОТ ВА ИНЬОМНИНГ ҚЕЧИКИШИ ҲАҚИДА]

Аё мири валиниамийи кироми от инъоми,
Юзини кўрмага ҳасратда бўлдум эшитиб номи.

Не ёлғуз от эди уммид юз инъом, эҳсондин,
Ки нобуда хаёли шаҳдга ширин эдиг коми.

Не гардиға етишдим, не боқиб кўрдум қаросини,
Саманди умрдин, боди нафасдин тез экан гоми.

Била олмон бу дулдул рахши Рустам ё паризоди,
Ки одам ўғлиға ром ўлмаган, не ерда ороми?

Шарофат адлу эҳсон, бовужуди касрати куфри,
Қолиб Нўширавону Ҳотамнинг оламда неку номи.

Ҳазора қалъасинда жамъи хосу ом аросида,
Забони пурдураг борингдин эшитдим бу пайғоми.

Ўшал тарихдин ўн ой ўтуб, йилга қадам қўйди.
Ки не оғозини билдим яқин, маълум анжоми.

Мени(нг) озода бошимни гирифтори тамаъ
қилдинг,
Мудомат бермас ўлсанг нега бердинг ваъдаи хоми?

Неча елдим, югурдум бўлмади хосияти маълум,
Қуруқ овозай инъоми маҳзу от бадноми.

МУХАММАС

Ёд мандин ким берур: яхши замонлар күрдиман,
Ринд сархайлию хуш айши дамодам сурдиман,
Ҳалқаи ушшоқда базму мажолис қурдиман,
Мушти хокам давру давронлар (ни лекин) күрдиман,
Хуш димоғ этган майи софи ҳарифлар дурдиман.

Қилмадим шукронай, солдурди туфроқ оshima,
Қолмади жуз дарду ғам ҳамдам, мусоҳиб қошима,
Ҳақ ўзи раҳм айлағай оҳи саҳар куз ёшима,
Тафриқа тошини ёғдоруди замона бошима,
Хонумон овора селоби ҳаводис сурдиман.

Нозили ҳукми қазо ҳеч ким раду манъ этмади,
Барча бўйниға солан бу риштани қатъ этмади,
Аҳли ҳоле топмадим бошдин бало дафъ этмади,
Кулфати фурбатни турлук суннати рафъ этмади,
Хору беқадрамки мундин отиниб, жабрандиман.

Воқиғе йўқ, бу мусоғирлиғда мандин не ўтар.
Баски юз кўйи била рўзи келиб, рўзи кетар,
Ўзмағай мундин балою бўлмағай мундин батар,

Ләраболар суҳбатимдин ор этар, қошин чатар,
Салб дилларда, назарларда кариҳ суприндиман.

Яхши вақтлар ёд этиб (ундин кетиб, мундин қолиб),
Ҳарза тифли ашкдек айни назарлардин солиб,
Носара дирҳам сифатлиқ рад қилиб, қулға олиб,
Даста фарсуда, юзи қайтиб, оёқларда қолиб,
Күхна тифи таҳ-батаҳ ғам занги тутғон кундиман.

Оҳ бу умри кироми сарфи фафлат айладим,
Ғуссаи беҳуда асбоби надомат айладим,
Билмадим ўз айбими халққа мазаммат айладим,
Шукр шаҳдин билмадим, куфрони неъмат айладим,
Захми ниши рўзгор аҳлини талху тундиман.

Ҳукм жори, суз қабули, бир дури даргўш эдим,
Аҳли давлатлар билан ёру ҳариф, ҳамдўш эдим,
Ҳой-ҳойи базмларда шаҳд нушо-нуш эдим,
Хуш замонлар Юз қазони бошида саржуш эдим,
Бу замон явғон қозон остида қолғон юндиман.

Чархи дун қилди манга жавру жафолар беҳисоб,
Гардиши даврон берур ҳар лаҳза юз минг печутоб,
Ҳар сори елдим-югурдим сув сониб мавжи сароб,
Ташна лаб, гарди кудурат зери пойинда хароб,
Баҳри давлатдин йироқ гардан шикаста мұндиман.

Қасрати йўқлиқ, тамаъ кеттириди қадру қийматим,
Юз сариғлиқ ерга урди обрўю иззатим,
Файдин изҳори матлаб айлади дун фитратим,
Ақл зойил, умр кам, беш үлди, дарду меҳнатим,
Давлат урган пушти пою, баҳти (қаро
суприндиман).

Ман кимам, гүмному нокому жаҳон овораи,
Дийда намноку гирибон чоку бафри пораи,
Ноқабули марҳами, носур битмас ёраи,
Бекаси, мушти хаси, бир бандай бечораи,
Собирам, рози қазо, тийри балоға күндиман.

Хешман, дарвиш мискин, мустаҳиқ девонадин,
Баҳраманд эт илтифоту ҳиммати мардонадин,
Сан туруб лойиқмидур, қилмоқ тамаъ бегонадин,
Қиблагоҳо, мандин икроҳ этма ер майхонадин,
Жұш бар хум соғ майсан, ман ғубору дурдиман.

Юз фарозидин озиб, түшдүм нишиби қирққа,
Хавфу бийму ваҳм аросинда қариби қирққа,
Дона деб побаст үлуб, доми фириби қирққа,
Вой, юз мингвой, юз бүлдүм фириби қирққа,
Ҳокими Диззах¹ мутыу пайрави журқундиман.

¹ Диззах — Жиззах.

СУБҲОНҚУЛИХОН ТҮҒРИСИДА ҲАЖВИЯ

Жойи осоийиш эмас ҳечкима бу кўхна равоқ,
Ёғдуур бошимиза санги жафо, гарди фироқ,
Йўқолиб расми вафо, бўлди ҳама бошу оёқ,
Мулқдин адлу карам кетти, келиб кийну нифоқ,
Яҳшилик қилма тамаъ, зулм ила дўлди оғоқ.

Фитнаю шур ҳама рубъ ила маскун дутди,
Хўблар маснадини сифла била дун дутди,
Таҳ-батаҳ қўнглуми бу фикр била хун дутди,
Жойи шаҳбозлари қарғаю қузғун дутди,
Ҳамнишин ўлғали шунқор ила доим япалоқ.

Шоҳ ҳамбазм ўлуб хожасаролар¹ била ёр,
Ҳукм баръакс суруб бўлди ёмонлар сардор,
Хор ўлди уламою фузало, шайху кибор,
Қўрингизким юрт иши топти на ерларга қарор?
Хон жилови икки бадракка тегиб бўлди иноқ.

¹ Хожасаро — илгари қул булиб, кейин ўз хизматлари билан хонлар саройининг ишончини қозонган шахслар.

Фуқаро бошига етти бу қалин шум қуллар¹.
Хамдами шоҳ бўлуб, аҳли таҳаккум қуллар,
Қани бир эрки чиқиб айласа маъдум қуллар,
Отларин лавҳи қаламравдин эдид гум қуллар,
Солса бу (аҳмақу) гуҳдамлари бўйниға тузоқ.

Шоҳлиғ улдурки, анинг ҳукму сўзи бир керак,
Адл бобини қуруб, рост нишон тир керак,
Ростврав, дини дуруст, пешаси тадбир керак,
На муханнас сифати, сурати тафийир керак,
Сурати марду хотундек ясатиб қошу қабоқ.

Неadolat bўлур ул шаҳда эса лўли зой,
Хамдами Бойлоқу кенгаш бегиси хожасарой,
Мардлик йўқдур анга ким қарасанг сар-то пой,
Шоҳнинг хизматин этиб турадур саккиз ой,
Тошканд мулкида илфор ётиб зору қашоқ.

Бидъату зулм анинг хилқату асли зоти,
Юртни бузди ҳавола била таклифоти,
Олди бу расми барот ила бу тасдиқоти,
Вор мундин шарафи мурдашую исқоти,
Тўра ўғли ичидаги йўқ мунидек истиҳқоқ.

Эй юзи қаро, кўзи кўр, қулоғи кар беклар,
Билингиз бу сузими панд саросар, беклар,
Айлангиз пайрэви шаръи паямбар, беклар,
Сизга даркор бу юрт, эй гала — занғар беклар,
Бу қадим нақл эрур: «Эл работу тўра қўноқ».

1 Куллар — шоир бу термин орқали хожасароларни назарда тутади.

Едингиз барчангиз итдек фуқаронинг этини,
Ғасб ила молин олиб, қўймадингизлар битини,
Қамчилар доф солиб бўюнга, тилиб бетини,
Ёрдингиз заҳрасини (ичидан) олиб ўтини,
Бўлмади кам бу раият бошидин ҳеч таёқ.

Беклар ўлди ҳаромзодалари нософи,
Бемаҳосил, гала номард, қалин наддофи,
Егани ҳаққи етим, мадрасалар авқофи,
Буларинг олдида бордур бўрининг инсофи,
Бу аламдин кетайин бош олиб мулки Ироқ.

Олалар хасталар амволини зулм ила бағадр,
Шуҳра топди ҳама бадъасллар, чун маҳи бадр,
Бадгуҳар асл раиятлар ўлуб хожай садр,
Бу шаҳинг даврида кўп нокасу дун топди қадр,
Рўйкор келди қалин бангию қилчи қалтоқ...

Сендин¹ уммид (буким) ҳақ йўлиға юрғайсен,
Аҳдинга росих ўлуб, бир сўзунга турғайсен,
Бу замонда борини бир кўз ила кўрғайсен,
Турдийнинг ҳолини сен лутф ила сурғайсен,
Қадрдан мири писандида каримул-ахлоқ.

Етмадим ҳеч ера бу қофия паймолиғдин,
Дод, юз дод, ғариблиғ ғами танҳолиғдин,
Кўрмадим маифаати беҳуда савдолиғдин,
Йўқ (сўққа бошимдин) ўзга манга дунёлиғдин,
Кош ул ғарзанлар солса қуруқ сўзга қулоқ.

¹ Бу ўринда шоир Хўжанд ва Ўратепа ҳокими Раҳимбийга мурожаат қиласиди.

Осиё новасидек рост этиб бұғузини,
Тұлдуруб ашрафи (ла девори)нинг дарзини,
Топмадим буқаламун кайдилари тарзини,
Аждаҳодек порага турмиш очиб оғзини,
Юртдин йүқ хабари барчасининг фикри тамоқ.

Барчаси пораю ришватға ўлуб бад омуз,
Халқ құлиға тамаъ бирла тикиб доим күз,
Йүқ мурабби менга хон әшигіда бир дилсұз,
Сұзламас менинг учун юзи қаролар бир сұз,
Тиқайин ҳар бирининг оғзиға бир-бир құмалоқ.

«Шукрким дорул-амон манзилиму маъвойим,
Олами сел агар тутса баланддур жойим,
Давлату хожасаролардур манинг симойим,
Олами сел агар тутса баланддур жойим,
Арк ичин маҳкам этиб айладим ўзумга ётоқ»¹.

(Ҳолга) боқмай қилурлар тұралиқ айлаб чикка,
Бор девонбеги бил (пүкан) отолиқ пукка,
Чиқса гар душмани пурзұр ўгурурлар чикка,
Булар уммидига охир (ұтурурлар тикка),
Қуюшқонни күтариб юртга уурлар шаталоқ.

Макру талбис била зуҳду сафо пеш тутуб,
Маргдин бехабару нашъу намо пеш тутуб,
Зарни жамъ айламага ҳирсу ҳаво пеш тутуб,
Ҳақ ишини унутуб, кори риё пеш тутуб,
Жой улдурки ҳама олами олғай қалмоқ.


¹ Бу бандга шоир «Аз забони хон» (Хон тилидан) сарлавҳаини құйған.

Қилма беҳуда ҳавою ҳавасу чуну чанд,
Түғри йүлни тиласанг уз бу саройдин пайваид.
Фақр күйинда гадо иониға ўлғил хурсанд.
Ўзунгдин сұнграги фарзандинга бергил панд:
«Ема зинҳор бу тезак, ўрсанг ўроқ ила бошоқ».

Фуқаро бұлди бу шоҳ асрида күп зору нахиф,
Зулмдин бұлди раият әликим, хору заиф,
Соли тарихини этдим чу хираддин таклиф,
Деди: «дин бошдин оёқдин тушуб «ислом заиф».
Даври Субхонқули жобир, умароси япалоқ.

Хеч бу меҳнаткададин айш сүрөғи тилама,
Ич бағир қони билиб бода аёғи тилама,
Баски бу тийра дарунларда қарғи тилама,
Икки кун фурсати дунёда Фарғий тилама,
Жойи осойиш эмас ҳечкима бу күхна равоқ.





БОБОРАҲИМ МАШРАБ

(1657—1711)

Б

обраҳим Машраб Андижонда таҳминан 1657 йилда камбағал оиласида туғилган. Ота-онаси Наманганга кўчиб келгач, Бобораҳимни Муллабозор охун деган бир эшоннинг тарбиясига берадилар. Бу охун Бобораҳимни 25 ёшларида Қашқардаги Оппоқхўжа деган эшонга мурид қилиб жўнатади. Бобораҳим 7 йилгача Оппоқхўжанинг ўтинини ёриб, сувини ташиб хизмат қилади ва Машраб лақабини шу ерда олади. Бироқ муридлик тартиб-қоидасини бузгани учун Оппоқхўжа даргоҳидан қувилади ва бундан сўнг Машраб дарбадар ҳаёт кечира бошлайди. У Хўжанд, Тошкент, Туркистон, Самарқанд, Бухоро, Балх, Ҳиндистон ва ўзга шаҳру ўлкаларни кезиб юради; қаландар шоир сифатида халқ орасида катта шуҳрат қозонади.

XVI асрдан кенг тарқала бошлаган қаландарликка, сүфизмнинг алоҳида бир оқимига мансуб бўлган Бобораҳим Машраб, расмий ислом ва унинг қоида-қонунларини заҳарли таңқид остига олганлиги учун, феодал ҳукмдорлар, муллалар, эшонларнинг ифлос кирдикорларини қўрқмасдан очиб ташлаган асарлари билан ҳалқ орасида тобора машҳур бўлгани учун руҳонийлар, ҳукмдорлар уни тинмай таъқиб қиласидилар. Ниҳоят, Бобораҳим Машраб 1711 йилда Балх ҳокими Маҳмудбий Қатағоннинг ҳукми билан дорга тортилади.

Бобораҳим Машрабнинг асарлари номаълум бир автор томонидан ёзилган «Девони Машраб» номли кисса орқали бизгача сақланиб келган. Бундан ташқари, унинг «Мабдаи нур» ва турли ахлоқий ҳикояларни ўз ичига олган «Қимиё» номли асарлари ҳам мавжуддир.



ФАЗАЛ

Б

у тани хокийнию рұхы равонни на қилай?
Бұлмаса қошимда жонон бу жаҳонни на қилай?

Ерсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак?
Қолғон Иброҳимдин ул эски дүконни на қилай?

Урайинму бошима секкиз беҳишту дүзахин,
Бұлмаса васли менга икки жаҳонни на қилай?

Зарраи нури қүёшдек бу жаҳон ичра тамом,
Ошкоро бұлмаса сирри ниҳонни на қилай?

Аршнинг кунгурасин устиға қўйдум оёғим,
Ломакондин хабар олдим, бул маконни на қилай?

* * *

Дунёға келиб лойиға билмай ботақолдим,
Дармон йўқидин неча оғиз сўз қотақолдим.

Кўрдум мен ани душмани руҳи тан экандур,
«Ло» ўқи била икки кўзига отақолдим.

Майхонаға кирдим, билақолдим куяримни,
Масжидға кириб, зоҳиди яхдек қотақолдим.

Зоҳид, манга бир шишада май, санга намозинг,
Минг тақвини бир шиши майға сотақолдим.

Ваҳдат майини пири муғон илгидил ичтим,
Мансур киби дорға бошимни осақолдим.

Девоналиғим шуҳрати оламға тулубдур,
Бир жилвасиға икки жаҳондин ўтақолдим.

Айб айламангиз Машраби бехудни, ёронлар,
Найлайки, бу ғурбат кўчасидин ўтақолдим.

* * *

Ногаҳ күрүбон маҳви жамолинг бўлақолдим,
Ойдек юзингга боқтиму ҳайрон бўлақолдим.

Ўтдек туташиб, куйди юраким била жоним,
Парвона бўлуб, ўтқа ўзумни урақолдим.

Юз ғамза била чиқти санам майкадасидин,
Барбод урубон дин ила жаннат сотақолдим.

Кўрдумки ажаб ишвагару дилбари танноз,
Девона бўлуб, ишқида ўтдек ёнақолдим.

Дийдори жамолини кўруб, ишқ йўлида,
Гул-гул ёнибон маҳви тамошо бўлақолдим.

Машраб бошиға солма ўшал кун ғами дилдор,
Шайдоси бўлуб они, ҳушумдин қолақолдим.

* * *

Эй мени нозик ниҳол ороми жоним, қайдасан?
Бу күнгүл бүстонида ғунча даҳоним, қайдасан?

Неча кундур бу күнгүл муштоқи дийдоринг эрур,
Үргулай, эй дилбари ширин забоним, қайдасан?

Айрилиб мен ёрдин бир неча кун бўлдум жудо,
Ахтариб келдим сени, ғунча даҳоним, қайдасан?

Холимиз беҳад ёмондур, келмадинг ҳолим сўраб,
Эй менинг хушмеҳрибон, ороми жоним, қайдасан?

Қўзларим кўрмас бўлуб, қолдим бу ғам саҳросида,
Ҳасратингда чиқти бу оҳу фифоним, қайдасан?

Ташна лабдур, Машрабо, бўлди юраким ҳам
кабоб,
Фурқатингда, эй менинг оҳу фифоним, қайдасан?

* * *

Дилбар юзини күргали девона келибдур,
Юз нозу карашма била жонона келибдур.

Девонаи шүрида бу жонингни фидо қил,
Кокули анинг белига чулфона келибдур.

Юз жонинг агар бўлса ани йўлида кўргил,
Жонона била кўзлари мастона келибдур

Жонингни фидо айлагил, эй хастай Машраб,
Лаблари шакар, тишлари дурдона келибдур.

Наманган шаҳиридин кетсам, мени йўқлар кишим
борму?

Фариблик шаҳрида ўлсам, мени йўқлар кишим борму?

Мұхаббат шарбатин ичтим, қозондек қайнабон
тоштим,
Бу фоний дунёдин кечтим, мени йўқлар кишим борму?

Тушубдур бошима савдо, русуми ишқдин ғавфо,
Ўзига айлади шайдо, мени йўқлар кишим борму?

Турарға тоқатим йўқтур, юрарга ҳолатим йўқтур,
Юракда ишқ ўти кўпдур, мени йўқлар кишим борму?

Қарорим йўқ турай десам, Наманганда юрай десам,
Жаҳонни сайр этиб кезсам, мени йўқлар кишим
борму?

Бу мискин зор Машрабни, киши ҳолини билмайдур,
Бу ердин бош олиб кетсам, мени йўқлар кишим
борму?

* * *

То кийди қизил ўзини зебо қилайин деб,
Үт ёқти жаҳон мулкина ғавғо қилайин деб.

Машшота била жилваға күргузди ўзини,
Мендек нечани ошуфтаю шайдо қилайин деб.

Зебо санамим гул юзидин парданы очти,
Олам ҳама күз бұлды тамошо қилайин деб.

Мастона саманд секратиб келгач шаҳи хунрез,
Шамшири жафони яна бурро қилайин деб.

Күп йилда бу құл хизматини қилмади баржо,
Келдикі ғазаб бирла чу расво қилайин деб.

Бошимни кесиб олғилу хушхол бұлуб кет,
Қонимни мени лолаи саҳро қилайин деб.

Ханжар құлида Машрабин ўлдурғали келди,
Ғавғойи қиёматни ҳувайдо қилайин деб.

Малаксан ё башар ё ҳуру ғилмонсан билиб бўлмас,
Бу лутфу бу назокат бирла сендин айрилиб бўлмас.

Тикансиз гул, садафсиз дур, мاشаққатсиз ҳунар
бўлмас,
Риёзат тортмағунча ёр васлиға етиб бўлмас.

Ажаб бераҳм дилбарсен, ажаб шўхи ситамгарсен,
Чароғи ҳусну хўйингдин кўнгулни ҳам узуб бўлмас.

Юзунгнинг офтобини кўруб ҳайрон бўлуб қолдим,
Фалакға қўл узотиб шамси анварни олиб бўлмас.

Юзунг мисли қизил гулдур, кўнгул чун булбули шайдо,
Бу гулни ишқидин булбул чамандин айрилиб бўлмас.

Кел, эй Машраб, агар ошиқ бўлубсен бўлмағил ғофил,
Бу гафлат уйқусидин, эй ёронлар, уйғониб бўлмас.

* * *

Тинмайин юрдум бу ғам даштида ҳайронлиқ билан,
Охир умрум үтти, сад афсус, нодонлиқ билан.

Бир гули шодим очилмай баҳти гул жоним аро,
Ҳайф умрум оқибат үтти паришонлиқ билан.

Баски илми ҳолу қолнинг йўлида қилсанг амал,
Ушбу муллолар бари бухлу ҳаводорлиқ билан.

Неча мулло илм ўқуб, роҳи шаётинни топиб,
Чун рибову ришвани ерлар хушдорлиқ билан.

Рост сўз айтсанг, аларға, зарра қилмаслар қабул,
Куфр айттинг, деб урарлар неча озорлиқ билан.

Машрабинг ҳар бир сўзи дур гавҳари қийматбаҳо,
Этма бу сўзларни ҳар нокасға нодонлиқ билан.

* * *

Ул дилбари раъноға мен ёр бўлай дерман,
Май берса манга, андин бир қатра totay дерман.

Жаннат била алвонни ҳам кўшку саройини,
Гар бўлса харидори бир пулга сотай дерман.

Тоат қилибон зоҳид ошиқға қилур таъна,
Бир ўқ била зоҳидни андин йўқотай дерман.

Қўз ёшими жўш бўлди дўзах ўтидин Машраб,
Ишқ ўтига дўзахни ташлаб қурутай дерман.

* * *

Бир боқишиңгга жумлаи жонона тасаддуқ.
Шаҳло күзунга оқилу девона тасаддуқ.

Пардани агар очсау, дилбар манга боқса,
Жоним берайин йўлида ҳамхона тасаддуқ.

Ул соқи бўлуб сунса аёғини қўлумға,
Ғамзаларидин соғару паймона тасаддуқ.

Лаъли лабидин журъаи майни тилаб олдим,
Дур тишлариға гавҳари яқдона тасаддуқ.

Юсуф сифат ул жилва қилиб чиқса қошимға,
Мен ўргулайин, каъбау бутхона тасаддуқ.

Жонингни агар бер деса ул дилбари раъно,
Жоним берайин йўлида мардона тасаддуқ.

Мужгон ўқиға қилса бу жонимни нишона,
Кўксум берайин йўлида ҳайрона тасаддуқ.

Гулгун кийибон чиңса ўшал дилбари раъно,
Мажнун бүлайин, ўргулайин ёна тасаддуқ.

Машраб сари зулфунг тараса рашки келадур,
Зулфунг торидин боди сабо шона тасаддуқ.

* * *

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним мени,
Осмонни пора қилди тийри афгоним мени.

Мен нечук шод этмайин бу хаста кўнглумни букун,
Келди ҳолимни сўраб ул жону жононим мени.

Кўҳи ғамдин келди бир тош тегди оғзимға мени,
Мустафодек синди охир икки дандоним мени.

Эй ситамгар, келгили эмди шаҳид этгил мени,
Мавж урсун Қарбало даштида бу қоним мени.

Ноз-истифно билан келиб мени ҳолимни сўр,
Телмуруб доим йўлунгда чашми гирёним мени.

То бакай жавру ситам бирла юрарсан, эй рафиқ,
Чиқти Машраб ушбу ғамдин бу азиз жоним мени.

* * *

Чун құлум бирла аёғим боғламоқ ҳожат әмас,
Ман ўлумға розиман, чун турғали тоқат әмас.

Мунча шиддат бирла бошим кесгали зүр айлама,
Баски одам қони тұқмак санга ҳам тоат әмас.

Умр чун барқи ҳаводис, ғофил одам билмади,
Ою кун оромиға бир лаңзаи соат әмас.

Лашкари хунрез бұлса сабру ором қайда бор,
Мажнуни девоналардин шоҳға роҳат әмас.

Чун муборак бұлсун, эй Машраб, қизил қонинг
сени,
Хұб иш бұлди санга, жон берганинг оғат әмас.

МУСТАЗОД

Бу хаста вужудимни мени ўртади бир йўл
ул зулфи паришон.

Ул гул юзининг шаклида мен волайи булбул,
ул ғунчай хандон.

Бир раҳм қилиб сўрмади ҳолимни, нечуксен,
ул орази гулгун.

Юз ваъда қилиб турмади бир ваъдага бир йўл,
ул ваъдаси ёлғон.

Парвона бўлуб ишқ ўтида куйса бу жоним,
кўп мунча аламдин.

Ўтларни ёқиб келса менинг хонама ул кун
ул оташи жавлон.

Ишқинг ўтиға куйди на қилсунки бу жисмим,
йўқ сабру қарорим.

Овозай ҳусни-ла солиб олама ғулгул,
ул ҳусни фаровон.

Сенсиз на қилай ушбу жаҳон ичра бу жоним,
сен менга кераксан.

Айтур алами қилса қабул ул маҳи тобон,
жоним анга қурбон.
Харнеча маҳаллар бўлубон рози дил айтдим,
девонаи Машраб,
Бераҳм экандур ўзи келмади қошимфа
ул золими даврон.

Джони

Джони яхши мажбут шундай сабакни
худои мадди оғизни таъсир менамад, яхши мажбут
шундай сабакни яхши мажбут шундай сабакни
худои мадди оғизни таъсир менамад, яхши мажбут

шундай сабакни яхши мажбут шундай сабакни
худои мадди оғизни таъсир менамад, яхши мажбут
шундай сабакни яхши мажбут шундай сабакни
худои мадди оғизни таъсир менамад, яхши мажбут

шундай сабакни яхши мажбут шундай сабакни
худои мадди оғизни таъсир менамад, яхши мажбут
шундай сабакни яхши мажбут шундай сабакни
худои мадди оғизни таъсир менамад, яхши мажбут

шундай сабакни яхши мажбут шундай сабакни
худои мадди оғизни таъсир менамад, яхши мажбут

МУХАММАС

На ғурбатларни чектим чархи бебунёд дастингдин,
Давом мотамда ўттум, бўлмадим дилшод дастингдин,
Тамоми хонумоним бўлди чун барбод дастингдин,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки ман ҳарқайда борсам дод этарман, дод дастингдин.

Чаманинг булбули беболу парман, ошёним йўқ,
Мисоли чуғздек вайроналарда ҳам маконим йўқ,
Азизимдин жудодурман, бошимда соябоним йўқ,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки ман ҳарқайда борсам дод этарман, дод дастингдин.

Дилимнинг қуввати, руҳи равонимдин аюргилар,
Анисим, муnisим, дилбанди жонимдин аюргилар,
Қўзумнинг равшани ул меҳрибонимдин аюргилар,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки ман ҳарқайда борсам дод этарман, дод дастингдин.

Бу оламда менингдек дил паришон ўлмасун ҳечким,
Қўзи ҳам телмуруб, чўлларда сарсон ўлмасун ҳечким.

Халойиқ дийдасиға торикистон ўлмасун ҳечким,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки ман ҳарқайда борсам дод этарман, дод дастингдин.

Илоҳий, манга еткургаймусан хуршеди матлабни,
Саодат вақтида бахтимға чун иқболи кавкабни,
Илоҳий, сен етур ҳиммат йўлиға хаста Машрабни,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки ман ҳарқайда борсам дод этарман, дод дастингдин.

МУСАДДАС


Эй мұғбача, марғбулуғунг ҳаддин ўтубдур,
Овозди ҳусни-ла солиб олама ғулғул,
Машшотай тақдир сени хұб безатибдур,
Юз жилваи олам сенинг олдингда ғарибдур.
Ваҳ-ваҳ, на гүзалсан, на ажойиб, на қиёмат,
Ҳай-ҳай, на санам қылса жафо жонима роҳат.

Ҳуснунг варақиға ёзилиб турфа ажаб хат,
Ёким ясамишлар ичиде лаълу забаржад,
Юз шевай ноз ила агар нек, агар бад,
Рафтординг ила қоматинг дилжүй хушқад.
Ваҳ-ваҳ, на гүзалсан, на ажойиб, на қиёмат,
Ҳай-ҳай, на санам қылса жафо жонима роҳат.

Гул хипча белинг ларза қилиб айласа жилва,
Юз йүл била ҳар ранг мақом олгуси парда,
Бир лаҳзада юз ўлтирубон қўйгуси ханда,
Ҳар кимки кўрур бўлса ани бўлғуси banda.
Ваҳ-ваҳ, на гүзалсан, на ажойиб, на қиёмат,
Ҳай-ҳай, на санам қылса жафо жонима роҳат.

Эй дилбари раъно, манга жон қолмади ҳаргиз,
Кўнгул олибон қўлиға ҳеч билмади ҳаргиз,
Ошиқ киши ким куйди чунон үлмади ҳаргиз,
Девонаи Машрабга вафо қилмади ҳаргиз,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат
Ҳай-ҳай, на санам қилса жафо жонима роҳат.





ГУЛХАНИЙ

XIX аср бошида Құқон хонлигидаги адабиёт майдонида бирбирига зид икки адабий оқым үртасидаги кураш кескинлашды. Амирий (Умархон. 1787—1822) ва сарой «маликуш-шуаро»си Фазлий Наманғоний («Мажмуатуш-шуаро» тазкирасининг тузувчиши) бошчилигидаги адабий ҳаракат феодализм тушкунлиги даврида тобора разиллашаётган үрда тартибларини идеалластириб, тақлидчилик, «санъати алфоз»дан узоқ кетолмаган бўлса, Лутфий ва Навоий каби буюк санъаткорлар илғор анъаналарини давом эттирган Гулханий ва Махмурлар ижодида эса ҳаёт лавҳалари, сарой ва ҳоким синфга нисбатан ҳалқ кайфияти ўзининг чин инфодасини топгандир.

Муҳаммад Шариф Гулханий XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида яшаган... «Мажмуатуш-шуаро» тазкирасида ёзилишича, у күҳистонлик бўлиб, Наманган ва Қўқон шаҳарларида турган; Умархон дарборига навкар сифатида ишга тортилган; ҳозиржавоблиги ва асияяга уста бўлганлигидан сарой шоирлари қаторидан ўрин олган, лекин у умрида бутун нонни синдирамаган ва дуруст дастурхон атрофида ўтирамаган кишидир.

Гулханий номи билан халқ ичида шуҳрат қозонган бу шоирнинг иккинчи тахаллуси Журъат эди. У ўзбек ва форс-тожик тилида ғазаллар, ҳажвиялар ёзган. Бироқ унинг асарлари бизгача тугал сақланмаган. Гулханийнинг халқ ичида машҳур бўлган асари «Зарбулмасал» ёки «Япалоқ қуш ҳикояси» деб аталган қиссадир.

«Зарбулмасал» халқ эртаклари тахлитида фоят бой, жонли тиъл билан ёзилган мукаммал сюжетли ўткир сатирик асардир. Асарда хонлар салтанати даврида вайронага айланган мамлакатнинг аянч аҳволи, феодал жамиятидаги ҳукмрон синфларнинг ифлос кирдикорлари тасвиirlанади.

Халқчил адабининг бу асари ўзбек классик адабиёти тарихида танқидий реализмнинг дастлабки ва ажойиб ёдномасидир.



ФАЗАЛ

Мала күксидек бағрим таҳ-батаҳ қаро қоилар,
Хажр ибтилосидин найлай, эй мусулмонлар.

Ғамза ўқидин ҳар ён бosh чиқардилар чандон,
Жисми нотавонимдин даста-даста пайконлар.


Бир дам айла мардумлиғ дийдам ичра манзил қил.
Дурру лаъл сочсунлар мақдамингга мижгонлар.

Ваъдалар қилиб айдинг, шод этгай сани ғамдин,
Ушбу ғамда жон бердим қони аҳду паймонар.

Сен нечук паридурсан, топмадим сўроғингни,
Кезмишам қуюн янглиғ водиу биёбонлар.

Гулханийни қон тортти азми кўйи ёр этти,
Қатл этарга мижгонлар чекти тифи урёнлар.

ХУДОЖНИКИ



* * *

Күнгүл озодадур, дунёға арзи эҳтиёж этмаз.
Тариқат солики бу йўлда майли издивож этмаз.

Дили вайронадин, жоно таваққуъ қилма доғингни,
Бузулган мулқдин, албаттаким, султон хирож этмаз,

Этокинг тутқоли күнглумда андоғ тебрамак гүё,
Тутуб набзим табиби шаҳр, идроки мизож этмаз.

Раҳи ишқингда дарду доғи ҳижронинг матоимдур,
Қароқчи айламас торож онинг кимса бож этмаз.

Асири қоматинг гар соядек тупроққа ястанмиш,
Гадойи даргаҳинг ҳам орзуйи тахту тож этмаз.

Сен ўз динингни туз, зоҳид, мени кўп йўлдин
озғурма,
Бу сурат шамъ ёндурудунг зиёси пур ривож этмаз.

Қамуғ бемора лаълидин шифо бермиш Масиҳ осо,
Надин ул шўх англаб, Гулханий, дардинг илож
этмаз.

* * *

Терламиш май тобидин гулбарги рухсорин күрунг,
Раҳзани дин ўлди тори зулфи зуннорин күрунг.

Белу оғзидин нишон гар бир сари мұ десалар,
Âйларам инкору иқрор этмазам ворин күрунг.

Үз маконини тилар ҳар гаҳ қафасдин қочса қуш,
Эйки истарсиз күнгүлни зулфи ҳар торин күрунг.

Фамзаси жоним олур, новаклари бағрим тилар,
Золими бераҳм озор узра озорин күрунг.

Соқиё, ҳажр илгига хуноба ютдим, Гулханий,
Файр ила базм ичра они жоми саршорин күрунг.

* * *

Етмади Мажнунға мен күрган балолардин бири,
Хажр водийси аро чеккан жафолардин бири.

Раҳм этиб, ҳолимни сүрмаслар күрунг бедодлиғ,
Сиймбарлардин бири, гулгун қаболардин бири.

Доша изҳор айлади Фарҳод Ширин дардини,
Ишқ ойинида улдур беҳаёлардин бири.

Қошу күзу холу зулфи бирла улфат тутма чўх,
Қилмасун расво сени юзи қаролардин бири.

Санга, эй Мажнун, жунун илмида таслим
айларам,
Сен расолардин бири, мен норасолардин бири.

Гулханий, тинмай дуо қилғил шаҳи волони сен,
Негаким ул подшоҳдур, сен гадолардин бири.

ЗАРБУЛМАСАЛ

(Шеңрий лавҳалар)

Сабр билан баста әшикдур күшод,
Сабр билан топди әронлар мурод.
Сабр сенинг дардингга дармон бұлұр,
Сабр билан хор гулистон бұлур...
Шұра замин бое ила бұстон бұлұр.

Баста әшик очғусидур сабр бил,
Сабр қилу сабр қилу сабр қил...
Сабр қилсанг, ғүйрөдін халво битар,
Бесабрлар үз оёғидин йитар.

ҲИҚОЯТ

Бор эди Кашмир навоҳида тоғ,
Боғи эрам рашикидин кўксида доғ.

Анда иморатға яроғлиқ яғоч,
Етти қулоч, бўйи ўн икки қулоч.

Бор эди кўп неъмати алвонлари,
Хурраму маъмур эди ҳайвонлари,

Зўлғ каби сунбули хушбўлари,
Роҳатижон эрди оқар сувлари.

Үйдин улуғроқ эди бир гулбуни,
Анда ватан тутмиш эди маймуни.

Жон сотиб ўзни ўйин этарди тан,
Ўқур эди қиссаи ҳуббул-ватан¹.

Бир куни нажжори хирадманди фард
Кўнгли яғоч йўқлиғидин қилди дард.

¹ Бу сатрнинг маъноси: Ватанни севиш ҳикоясини ўқур эди

Борди ўшал тоқға мавқұф әди,
Әзгу яғочлар анга маъруф әди.

Шаҳрнинг зиндонидан озод ўлуб,
Тоғнинг Шириниға Фарҳод ўлуб.

Сонур әди ўзини тоғ Хисрави
Тоғни ўқуб Деҳлавийи маънави,

Элина навкиссаларин қистари,
Расм әди најжкор яғоч истари.

Эгди у дил гүшасининг пардасин,
Белга суқуб теша билан арасин.

Бориб анга кесди яғоч решасин,
Қўйди ўшал ер унутиб тешасин.

Ўзга ера бордию кесди яғоч,
Ёрмоғини қилди магар ул илож.

Болта била бир учини ёрди ул,
Пона қўйиб, теша сари борди ул.

Тушти баногоҳ анга маймун кўзи,
Оқилу доно санағ, ул дам ўзи.

Айди: «Улус ичра бу бир касбдур,
Касбни бошина кийиш насбдур.

Кийса гар арзир эмиш элга ҳұнар,
Бекұнар әлни дедилар риши хар.

Мен дағи нажжорлиқни ўрганай,
Болаларим барчасыға ўргатай».

Жаҳд қилиб турди равон борғали,
Яъни яғоч қолмишини ёрғали...

Минди яғоч устига нажжордек,
Косиби пуркардаи пуркордек.

Қетти ҳунар шавқи била ғуссаси,
Тушти яғоч айрисиға думчаси.

Балки недин бұлды тутулмоқлиғи,
Мүмкін әмас үлди қутулмоқлиғи.

Одамининг жинсида йүқ қиссаси,
Қолди анинг думчасининг ҳиссаси.

ХИКОЯТ

Бор эди Фарфонада бир сорбон,
Теваси бор эрди — туғди ногаҳон.

Аҳлу аёли аниңг бас эрди чүқ,
Озуқадин кулбасида нарса йүқ.

Ҳосили дунё эди бир теваси,
Эмадиган орқасида бутаси.

Бир куни ул тевасини құмлади,
Ортадиган юкларини жұмлади.

Юки оғир эрдию ҳам йұл йироқ,
Үртади тайлоқни нори фироқ.

Фасли тамуз эрди, ҳаво күп исіғ,
Йұлда темур сингари құмлар қизик.

Оч үтина күйди, анодин жудо,
Модарининг меҳрида эрди адo.

Жаҳд ила етмай аносин кенидин
Қумда куярди, ғами ул сийнадин.

Онда оғир юкни үшал сорбон,
Йўлда чўкурди тузатай деб равон.

Бўтаси бориб эди орқасидин,
Ёнди ҳароратлар яғмосидин.

Юзланиб айди: «Ҳало бераҳм онам,
Куйдию, ёндию тутошти танам.


Аста-аста юрсанг, бўлғай на ғам,
Сийна сутингдин эмайин дам-бадам».

Айди онаси боласиға боқиб,
Қўзларининг ёшлари сувдек оқиб:

«Кўрки, бурундуқ кишининг қўлида.
Бу кишининг кўзлари ўз йўлида.

Менда агар зарра киби ихтиёр
Бўлса эди, бўлмас эдим зери бор».





НОДИРА

Нодира XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон шаҳрида яшаган ва ижод этган атоқли шоирадир. Унинг ўз номи Комила бўлиб, асли андижонликдир. Комиланинг отаси Раҳмонқул оталиқ шаҳар аристократ-амалдор табақаларига мансуб киши эди. Комила чирой ва ақлда ягона қиз бўлган. Гўзал қизнинг таърифини эшитган Қўқон хони Умархон унга уйланади ва шоиранинг адабий-бадиий камолоти Қўқондаги адабий доиралар таъсирида ривож топади.

Умархон ўлгач, тахт унинг 14 ёшлик ўғли Муҳаммад Алихон-га қолади. Маъдалихон ҳукмронлик этган йилларда (1822—1842) давлатни бошқариш ишлари асосан Нодиранинг қўлида бўлади. Истеъдодли шоира тадбирли давлат арбоби, илм. адабиёт ва

санъат аҳлининг ғамхўри бўлганлиги учун халқ ўртасида ва тарихий асарларда уни Моҳлар ойим деб ҳам улуғлаганлар.

1842 йилда Бухоро амири Насрулло Қўқон шаҳрини босиб олгач, Қўқон хони Муҳаммад Алихонни ва унинг болаларини дорга осиб ўлдиради. Шу пайтда Нодира дорга осилаётган набирасини ҳимоя қилиб, бу гўдакда нима гуноҳ, нега уни ўлдирасан, золим, деб Насруллога хитоб қиласиди ва унинг зулмига лаънат ўқийди. Шунда амир Насруллонинг ҳукми билан жаллодлар Нодирани ҳам унинг ўғли ва набиралари билан бир қаторда дорга тортадилар.

Нодиранинг латиф ва мазмундор лирик шеърлари халқ ўртасида кенг ёйилган ва кўпчилиги музикага солинган. УзССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида шоиранинг ўзбек ва тоҷик тилларида битган девонларининг мумтоз қўлёзмалари мавжуддир.



ФАЗАЛ

Риёу ҳирсу тамаъ савтидур таронаи шайх,
Эшитмагум, ҳама афсун эрур фасонаи шайх.

Санамлар ишқина тоқат қилолмайин ночор
Ёшунди савмаага зуҳд ўлуб баҳонаи шайх.

Риёу зарқ тариқида ташнаком ўлур
Сароби баҳри хаёлоти бегиронаи шайх.

Хамуш этарман ани бир шарори оҳ била
Агарчи тез эрур ўт каби забонаи шайх.

Күнгүллар үлди совуқ суҳбатидин афсурда,
Эрур чу боди хазон оҳи ошиқонаи шайх.

Берур ғуур ила оройиши фашу дастор
Ки худнамолиғ эрур зеби корхонаи шайх.

Топилса Нодира бир шайхи орифи комил
Бошим ҳавосин этай назри остонаи шайх.

ДИАЛОГ

q

— Баласаң ким? — Оштаганынчактап бердай яш
көрдиминчактап кийин көргөн кимдир? — Оштаганынчактап
жадиди мактабдан чоң чоң көрдиминчактап
көрдиминчактап кийин көргөн кимдир?
— Оштаганынчактап бердай яш
көрдиминчактап кийин көргөн кимдир?
— Оштаганынчактап бердай яш
көрдиминчактап кийин көргөн кимдир?

* * *

Жон кўрмади рўзадин ҳаловат
Ифторда ёрсиз на лаззат.

Ёр айласа ёри бирла ифтор,
Йўқ рўзада мундин ўзга давлат.

Эл барча висол базмида шод,
То субҳ чекиб суруди ишрат.

Ҳар шом менга наволаи ғам
Ифтор қилурға бўлди қисмат.

Моҳи рамазонки, файзи чўқдур,
Мен ҳастаға ёрсиз на роҳат.

Ҳар шом кўзумни ёши шамъим,
Хуни жигарим бажойи шарбат.

Ҳижрон ила рўза жавр этолмас
Гар ёр эса Нодира саломат.

* * *

Мени жунунима Мажнунни бермангиз иисбат,
Қиlурму хору хашак тоби шуълаи ғайрат.

Чекарда жон манга тақлид қилмасун Фарҳод,
Фироқ тоғида беҳуда чекмасун кулфат.

Манга баробар эмас Кӯҳкан билан Мажнун,
Аларда юз ғам эди, лек менда минг ҳасрат.

Жаҳонда бўйла ки бўлмишмен ишқ ойинаси
Манга зиёда бўлур ёр ҳуснидин ҳайрас.

Ғамимни заррасини тоғларга арз этсам,
Таҳаммул айламагай тоғ келтуруб тоқат.

Бу дарду ғамки ани нотавон кўнгул кўтарур,
Муҳаббат аҳлиға юздин бири эрур оғат.

Ғамимни шарҳини юз минггидин бирини дедим,
Фалак ани кутарурда хам айлади қомат.

Бу ғамни тоғ күттармас эди, валек манга
Бериб таҳаммулини қўйди жонима миннат.

Сипеҳр мартабай ишқни баланд кўруб,
Дедики, Нодирани ҳимматига юз раҳмат.

* * *

Эй хушо, шиша аро обиҳаёти ҳукамо,
Ким они ҳар киши ким ичса бўлур хизрнамо,

Ҳукамо ишқ маризиға буюрмиш майи ноб,
Ҳажр дардиға демишлар бу муфарриҳни даво.

Бодадин айлама парҳез, дамодам қадаҳ ич.
Келди мазмум муҳаббат йўлида зуҳду риё.

Бўлди гул мавсими-ю, майкадалар жонибидин,
Муждаи айшу тараб еткурадур боди сабо.

Эй, хуш, ул ринди май ошоми сияҳ маст мудом,
Жоми май илгида, олида сабуву мино.

Ғусса паймонасида хуни дил ошом айлар
Бодадин ҳар кишиким айлар эса истиғно,

Зоҳидо, гар десанг ишқ аҳлига расво бўлмай,
Демагил майкада авбошиға кўп чуну чаро,

Бода муштоқиға лутф айла қадаҳ тут, соқий,
Йүқса Жамшедға ҳам айламади жом вафо.

Нодира, жоми муҳаббатни лаболаб ичибон,
Мастлиқ бирла қилай ишқ намозини адо.

* * *

Кел санга, эй шаҳи жаҳон, мамлакати жаҳон
фидо,
Дийдаларимга қўй қадам, ҳар қадамингга жон
фидо.

Лаъли лабинг фироқида хуни жигар ғизо менга,
Сарв қадинг ҳавосида жон этарам равон фидо.

Айшу-нишоти оғият дарду ғамингни садқаси.
Бир нафас иштиёқинга ишрати жовидон фидо.

Вақти хиром, эй санам, дийдаларимга қўй қадам,
Ҳоки раҳингга айларам чашми гуҳарфишон фидо.

Гарчи менинг элимдадур, ҳосили мулки мамлакат,
Етса висолинг айларам барчаи ройигон фидо.

Инглама эмди, эй кўзим, тўкма юракни қонини,
Дофини тоза айладим, қонифа бўлди қон фидо.

Нодираи ғазал саро назмини кўрса ногаҳон,
Дурру жавоҳирин қилур фикриға баҳру кон фидо.

* * *

Ғунчадек оғзи аро ул лутфи гуфтори ажаб.
Сунъ илги йүқдин изҳор айлаган бори ажаб.

Олди күнгүл қушларин ҳар лаҳза мушкин турраси
Боли шоҳиндурки, сайд айларда таррори ажаб.

Баски мажнундур аниңг ҳуснига гулшан гуллари,
Ғунчалардиндур чаман бўйнида тумори ажаб.

Айлади ошуфта табъимни паришон турраси,
Қилди бахтимни қаро холи ситамкори ажаб.

Кўзидин озурдамену қошидин озурдароқ,
Зор аҳволимға озор узра озори ажаб.

Ҳар қачонким ноз этиб чиқса майи гулфом ичиб,
Қон тўкар майдек дамодам чашми хуммори ажаб.

Ёр васли бирла одат айлаб эрдим, Нодира,
Андин айру менга бир дам сабр изҳори ажаб.

* * *

Тийрадур субҳи нашотим, соқиё, келтур шароб.
Шоми ҳижрон зулматида жоми майдур офтоб.

Моҳи тобон юзлугум, ҳар лаҳза ёд этсам сени,
Дуд бағримдин чиқар ут ичра тушгандек кабоб.

Банд этиб зулфинг аро күнглимини озод этганинг,
Күш учургандек эрур боғлаб аёғига таноб.

Қошки оҳим насимидин таҳаррук айласа,
Ёрким руҳсориға гул баргидин солмиш ниқоб.

Ҳажр ошуби балодурким, ани ташвишиди
Қатраи симоб янглиғ күнглум айлар изтироб.

Шод эди ул шоҳи даврон васли бирла хотирим,
Айш даврониға солди даври гардун инқилоб.

Бевафолардек сени ҳаргиз фаромуш айламас,
Нодира ёдингни айлар то дами явмул-ҳисоб.

* * *

Ғазаб бирла ниғорим ўтди ёнимдин шитоб айлаб,
Юзин күргунча ўлдурди мени ҳажри азоб айлаб.

Пари янглиғ назардин чеҳра пинқон этти ул маҳваш,
Фироқу ҳажр жомидин мени масту хароб айлаб.

Құнгул шодоб әрди журъаи жоми висолидин,
Солиб ҳижрон ўтиға кетти, бағримни кабоб айлаб.

Муруват айла, жоно, сендин айру тийрадур айшим,
Ёрут кулбамни бир тун оразингни офтоб айлаб.

Ичармен май дамодам ёр лаълини хуморидин,
Мени майхонадин манъ этма, зоҳид, иҳтисоб айлаб.

Ҳисоб этмоққа қарх анжумларин бор эҳтимол анда,
Менинг доғи дилимни лек бўлмайдир ҳисоб айлаб.

Лабидин айру қон ютмоқ ишимдур борғил, эй соқи,
Манга беҳуда кулфат берма таклифи шароб айлаб.

Дариғо, кетти охир гавҳари мақсуд илгимдин,
Топиб эрдим сени маҳубблардин интихоб айлаб.

Вафо сарлавҳи узра Нодира мавзун қаломини
Езар таҳсини шеъри хисрави олий жаноб айлаб.

* * *

Сайд этди мени ул икки қуллоб,
Бүйнімда каманди зулфи пуртоб.

Қошини қиличиға бүюн сұн,
Ошиққа будур тариқи одоб.

Гулхан кулида фарофат этган
Қилмас ҳаваси самури санжоб.

Гирдоб әрүр күзимни ёши,
Ошиқни ҳалок этар бу гирдоб.

Ором топарму чарх даври
Доим ҳаракат этар бу дүлоб.

Оlam әлида вафо топилмас,
Бу гавҳар әрүр жаҳонда ноёб.

Қондур жигарим лабидин айру
Келтур менга, соқиё, майи ноб.

Ушшоқ мисоли корвондур,
Ул қофилада эрур вафо боб.

Ёш ўрида, Нодира, кузумдин
Ҳажрида оқар мудом хуноб,

* * *

Агар гулшанға кирса сарви гулрүйим хиром айлаб,
Юргай сарву гул юз марҳабо бирла салом айлаб.

Хиромон келди ёру қомати таъзимиға бехуд
Йиқилдим соядек ерга туарға илтизом айлаб.

Қилурга кундузимни кеча хуршеди жамол узра
Паришон айлади гисуларин, субҳимни шом айлаб.

Сиҳи қадлар паноҳи, гул жабинлар подшоҳисан,
Чаманда сарвни озод этар қаддинг ғулом айлаб.

Хушо оқилки, айлаб яхшилиғ бунёдини маҳкам,
Үтар бу дайри фонидин ўзини некном айлаб.

Масиҳ азми сафар айлаб қуёшға бўлди ҳамсоя,
Бўлур ҳиммат била афлок устида мақом айлаб.

Ғазоли умрким, ваҳшатдадур пайваста рам бирла,
Бўлурму юз минг афсун бирла бу ваҳшийни ром айлаб.

Күнгүл сайд этгани омода қилмиш ишкә сайёди,
Парирұлар каманди ҳалқаи зулфини дом айлаб.

Қалам таҳрир этарда найшакардин бұлса тонг эрмас,
Лабинғ васфини айлар Нодира шириң калом айлаб.

—

Сондай-ақ жаңа мәдениеттің көзіндең көзіндең көзіндең
Бағыттардың көзіндең көзіндең көзіндең көзіндең

Денесіндең көзіндең көзіндең көзіндең көзіндең
Алғандаң көзіндең көзіндең көзіндең көзіндең

Алғандаң көзіндең көзіндең көзіндең көзіндең
Денесіндең көзіндең көзіндең көзіндең көзіндең

Денесіндең көзіндең көзіндең көзіндең көзіндең
Алғандаң көзіндең көзіндең көзіндең көзіндең

Денесіндең көзіндең көзіндең көзіндең көзіндең
Алғандаң көзіндең көзіндең көзіндең көзіндең

Денесіндең көзіндең көзіндең көзіндең көзіндең
Алғандаң көзіндең көзіндең көзіндең көзіндең

Денесіндең көзіндең көзіндең көзіндең көзіндең
Алғандаң көзіндең көзіндең көзіндең көзіндең

—

* * *

На гул сайр айла, на фикри баҳор эт,
Жаҳондин кеч, хаёли васли ёр эт.

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,
Гар одамсан муҳаббат ихтиёр эт.

Узору қадду рафтордингни кўрсат,
Чаман сарву гулинин шармсор эт.

Лаби махмуридурмен жоми май тут,
Қарам қил, соқиё, дафъи хумор эт.

Аналҳақ можаросин айладинг фош,
Кел, эй Мансур, истиқболи дор эт .

Дури ашку ақиқу хуни дилни
Келур ёринг аёғига нисор эт.

Куюб, эй Нодира, олам элига
Муҳаббат шевасини ошкор эт.

* * *

Эй сабо, рози дилимни бехабар ёримға айт,
Дардлиғ күнглумни аҳволини дилдоримға айт,

Ҳажр дардидин юракда қолди доғ устида доғ,
Шарҳ этиб бу можарони лоларухсоримға айт,

Фурқат ичра тушти савдойи Зулайхо бошима.
Қиммати Юсуф баҳо топти харидоримға айт.

Лутф этиб сұрса мени ҳолимни ул номеҳрибон,
Ұлди ҳижронингда деб, ёри вафодоримға айт.

Сендин айру талх ком этти дебон заҳри фироқ,
Ёшурун дардимни ул лаъли шакарборимға айт.

Юз салом айдим, на бўлғай бир йўли ул ҳам деса,
Бу саломимни ўшал ошуфтаи зоримға айт.

Нодира сенсиз тириклиқдин на роҳат кўрди деб.
Ул ҳумоюн толеи фархунда атворимга айт,



МАҲЗУНА

Маҳзуна XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон адабий муҳитида етишган шоирлардандир. У Қўқон уламоларидан бирининг қизи эди. Маҳзунанинг асл номи Мөхрибон дейдилар.

Шоиранинг девони ҳозирча топилган эмас. Аммо 1821 йилда Қўқонда тузилган «Мажмуатуш-шуаро» тазкирасидан ўрин олган Маҳзуна ва Фазлий Наманганий ўртасидаги мушоира шоиранинг теран истеъдодли аҳли қаламлардан эканидан дарак беради.



МУХАММАС

Дүстлар, бир ҳусни беҳамтоя ошиқ бўлмишам,
Ҳур пайкар бир малак сиймоя ошиқ бўлмишам,
Нутқи ширин, лаъли руҳ афзоя ошиқ бўлмишам,
Ғамзаси қотил, кўзи шаҳлоя ошиқ бўлмишам,
Ҳусн элини шоҳи бир мирзоя ошиқ бўлмишам.

Қўрган эрмас ўйла бир маҳвашни чашми рўзгор,
Хулқи ширин, гулбадан, рашки чаман, насрин узор,
Ноз ойину тағофул пеша, истиғношиор,
Илтифот этмас агар юз жон топиб қилсан нисор,
Бир ситамгар шўхи бепарвоя ошиқ бўлмишам.

Оразин очқач қуёш анворини айлар адам,
Жон ғизолига берур ваҳши қўзи таълими рам,
Лабларини олдида қанду асалдур мисли сам,
Зулфу қадду оразидин мунфаил боғи эрам,
Қишвари ҳусн ичра бир яктоя ошиқ бўлмишам.

Қошлари бир-бирга пайванд, икки мушкини ҳилол,
Қўзлари юз марғзориға ики ваҳши ғизол,

Қомати боғи мурод ичра янги битган ниҳол,
Оллоҳ-оллоҳ, ким курубдур бу латофатлу жамол,
Ҳусн аро бир мисли нопайдоя ошиқ бўлмишам.

Ушбу ҳайрат бирла кўрган нахл кадди жилвагар,
Бовар этмас гар улус берса шаҳодат деб башар,
Орази андоқ мусаффоким, қилиб булмас назар,
Бадри рухсорин кўруб бўлди хижолат бу қамар,
Рашки Юсуф бир бути зебоя ошиқ бўлмишам.

Маҳвashi ҳурилиқо, гулгунқабо, гулпираҳан,
Қоши истифно ҳилоли, ғамзаси лашкар шикан,
Ғунчай хандондур оғзи, тишлари дурри Адан,
Бўлмади бир дам жамолидин ёруғ байтул-ҳазан,
Токи ул моҳи жаҳонпироя ошиқ бўлмишам.

Эй мани Маҳзун, мусофирига маломат бесабаб,
Тутмасам фармонини мардуд этиб айлар газаб.
Жуз ризойи дуст ишқ аҳлига не бўлғай талаб,
Чиққали исломдин зуннор боғлаб йўқ ажаб,
Манки бир дин офати тарсоя ошиқ бўлмишам.

ФАЗЛИЙ ВА МАҲЗУНА ЎРТАСИДАГИ МУШОАРА

Фазлий

Юз офарин сўзингга лубби лубоб кўрмай,
Арзи жамол этарму ойина об кўрмай.

Маҳзуна

Кимдин чиқар бу сўзлар бағрин кабоб кўрмай,
Ганж ўлмағай мұяссар ҳолин хароб кўрмай.

Фазлий

Мастураи суханға пўшидалиғ муносиб,
Маъни арусины бас, мен бениқоб кўрмай.

Маҳзуна

Йўқ айби сўзларимни, гар бўлмаса муаддаб,
Андоқки ўт кўкаргай ҳеч офтоб кўрмай.

Фазлий

Майгун лабинг ҳадиси маст этти ғойибона,
Қайфият ўлди зоҳир жоми шароб кўрмай.

Маҳзуна

Бир важҳ буки табъим хом асрамиш замона,
Чархи сипеҳрдин ул ҳеч печутоб кўрмай.

Фазлий

Мундоғки нұктадонсен, ким эрди устодинг,
Ой касби нур қилмас, то офтоб кўрмай.

Маҳзуна

Құп наҳрлар йиғилса дарёйи пурдур үлғай,
Илм аҳлидин бу мискин бир шайху шоб кўрмай,

Фазлий

Бир нұкта айла зоҳир, Фазлийни қўйма маҳзун,
То кетмайин Намангон сендин жавоб кўрмай.

Маҳзуна

Байтул-ҳазан ичинда узлат тутуб бу Маҳзун,
Фазли илоҳидур бу, йўқса китоб кўрмай.



УВАЙСИЙ

УВАЙСИЙ

у

вайсий тахаллуси билан танилган бу истеъдодли шоира XIX асрнинг биринчи ярмида, Умархон ҳукмронлик қилган йилларда, Қўқон шаҳрида истиқомат қилган. Асл исми Жаҳон отин бўлиб у марғилонлик бир номаълум шоирнинг қизи эди.

Увайсий ҳақида ҳалқ ичидаги юрган нақлга кўра, у Умархон саройига тўпланинг шоирларнинг мушоираларини эшишиб, шу мушоираларнинг бирида қатнашиш ва ўз кучини синаш орзусида юрар экан. Қунлардан бирида Жаҳон қари хотин қиёфасида ўрдага боради, лекин уни шоирлар мажлисига киритмайдилар. Шунда Увайсий бир байт ёзиб мажлисга киритади. Бир байт шеър унга мушоира сари йўл очади, бироқ мажлисда Увайсийнинг кам-

пир эмас, ёш жувон экани билиниб қолиб, уни ўрдага, чўрилар қаторига киритиб юборадилар. Увайсий шу бўйича Умархон саройда қолиб кетган ва Нодирани шоира сифатида тарбия этишга кўп куч сарф қилган эмиш.

Увайсий мукаммал қўллёзма девонининг бир нусхаси Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланади. Шоиранинг «Карбалонома» достони ва «Воқиоти Муҳаммад Алихон» сарлавҳали тугаллашмаган шеърий ҳикояси ҳам бизгача етиб келган.

Феодал деспотизмининг бўғиқ муҳитида барча инсоний фазилатлардан маҳрум этилган хотин-қизларнинг юрак сирларини ифодалаган Увайсийнинг лирик шеърлари халқ орасида кенг тарқалган.



ФАЗАЛ

* * *

Дилбаро, юзинг узра кокулунг паришон қил,
Ҳуснингга ниқоб ўлсун мақсадимни пинҳон қил.

На деб эътироуз эттинг мустаманди зорингга,
Журм кўп эса афв эт, лабларингни хандон қил.

Ташналиғдадур мискин, гушналиғдадур ғамгин,
Фақр аҳлини дохил хотами Сулаймон қил.

Қатра май гадолардин, соқиё, дариф этма.
Ақлдин қилиб фориф, мастлиғда сulton қил.

Жонни можаросиға сабр айлагил, эй тан,
Рашкдин ёқиндур бул чиқмоғиға меҳмон қил.

Мунда етмади Вайсий васлинги баҳосиға,
Юмди күз бу оламдин, раҳм айлаб арzon қил.

* * *

Бир пари пайкар суманбар ёра ошиқ бўлмушам,
Лаъли дилкаш, сўзи хуш дилдора ошиқ бўлмушам.

Мадди оҳим кўкдадур сориғ юзумда ашки ол,
Ул қади раъно, юзи гулнора ошиқ бўлмушам.

Қилма гулқандинг ила заъфим иложин, эй ҳаким,
Менки, гулбарги шакар гуфтора ошиқ бўлмушам,

Нолаю афғон этарман қумридек, бўлбўл киби,
На учунким сарви гулрухсора ошиқ бўлмушам.

Лабларингдин то кўрунмиш хуш-хуш инжу
тишларинг,
ЛАТЬЛ бирла ул дури шаҳвора ошиқ бўлмушам.

Ўзни қутқармоқ учун елдим, югурдим ҳар сори,
Оҳ вовайлеки, бора-бора ошиқ бўлмушам.

Баски саргардон қуюн янглиғ югурмакдур ишим,
Ишқ водисиға мен овора ошиқ бўлмушам.

Вайсдин ҳуш истамаклик йўқ муносиб не учун,
Бир пари пайкар суманбар ёра ошиқ бўлмушам.

* * *

Забонингни кетургил, эй шакарлаб түти, гуфтора
Нечукким марҳамат бўлсун неча мендек дилафкора.

Нигоҳинг ташлағил лутф айлабон, эй шўхи бепарво,
Йўлунгда интизор ўлғон мани бул ошиқи зора.

Мани «лоядхулу» деб маҳрум этма, боғбон аҳли,
Азал деҳқони бағрим қонини тўккан бу гулзорга.

Элимда бош ила жон хориж ўлғум икки оламдин
Кўруб қаллочлик кўрсатма зулмингни харидора.

Бағир қоним эди саҳрова буткан лолаи рангин,
Биҳамдиллаҳ, не соат кун эди санчилди дастора.

Хабардор ўл, харобот аҳли ичра, соқийи даврон,
Паёпай тут аёғинг ташналаб ўлган бу хуммора.

Муяссар ўлмаса гар тоқи абру саждагоҳингдин,
На ҳосил сенга, зоҳид, ташлағил бўйнунгни зуннора.

Увайсий, юз жафо кўрсанг ҳақиқат ёридин доим,
Ўгурма юзни андин солма кўзни ўзга дилдора.

* * *

Бұлдум дучор күнгли қаттиғ, бағри тошқа,
Эй аҳли дил, күнгулни берингким синошқа,

Меҳрим чунонки собит әрүр хулқу хўйига,
Билмон на бўлди, ёримибур меҳри бошқа.

Қелди муҳаббатинг, қуёй туштум, юзум тубан,
Ҳарким йиқилса тўймади ҳаргиз курошқа.

Васлингда мен ўзумни йўқотсан ажаб әмас,
Моҳ ёндашарда йўқ асари ул қуёшқа.

Кўз қийруғи била боқасен эътиroz аро,
Жоним фидо қачон бўлур ушбу қарошқа.

Эл гуфтугўйи остида хору залилмен,
Ҳаргиз тараддуд этмадим илми маошқа.

Чарха дутар нуфуси масиҳинг берурға жон
Истар кўзунгки қатлими, қолдим талошқа.

Хүснингда фарзу суннат бажо этибдурман,
Кўзга муҳаббат эттиму ҳам сажда қошқа.

Зоҳид, табоҳ ҳолима сен этма сарзаниш,
Махлуқ билмағай не келурини бошқа.

Вайсий жаҳондин ўтти муродига етмайин,
Тўймоқ русум йўқтур қорин суйған ошқа.

* * *

Кимдуурүр ишқини, жоно, ошкор этмаз санга,
Кимдуурүр күздин жигар қонин нисор этмаз санга.

Кимдуурүр шавқинг аро тарки насиҳат этмаган,
Кимдуурүр носиҳга душман үзни ёр этмаз санга.

Кимдуурүр фаҳму фаросатда Аёз үлмак тилар,
Кимдуурүр доим умиди эътибор этмаз санга.

Күрса ногаҳ барҳам этмакда навойи ишвани,
Кимдуурүр эшкингда қуллуқ ихтиёр этмаз санга.

Қылса Мажнун нечани ул Лайлийи қўзгу сафо,
Кимдуурүр эй нур кўзни интизор этмаз санга.

Остонангга бошим қўйдум, кўтармоқ йўқ умид,
Вайси бечоранг вуболи ҳеч кор этмаз санга.

* * *

Ваҳм қил, жонон, жунун тоши бу афғонимдадур.
Хам яна ишқим шарори оҳи сўзонимдадур...

Истама таржиҳ истиғнони, сен ҳар кимсадин,
Нозу истиғно ўшал кокул паришонимдадур.

Айласам фосид хаёли бўлғали саҳронишин,
Дард ила меҳнат, алам, ғам байтул-иҳzonимдадур.

Эй дило, сен шукр зикрини тилингдин қўймағил,
Бул адолатлиқ, ғарибпарварли султонимдадур.

Бурда-бурда бағрими шишлаб хаёли новакинг,
Ишқ ўти ҳижрон қиличи бағри бирёнимдадур.

Ишқ бўркин кийдиму кирдим яна майхонаға,
Қўрдум ул барг афсарин умри пушаймонимдадур.

Чайқама оғзинг маломат шаҳдида, нодида халқ,
Юз туман тўфон суйи бу чашми гирёнимдадур.

Вайси вайрон ўлса эл обод, мунда сабр қил,
Анда таъмирингни туфроғи бу вайронимдадур.

* * *

Дилимни истасанг, дилбар, хаёлинг бирла ҳар соат,
Хаёлим истасанг, субҳи висолинг бирла ҳар соат.

Кишига ишқ тегса ношикиболифни касб этгай,
Бале хомушлиғ расми фиолинг бирла ҳар соат.

Юзунгдин гул, лабингдин хизр, нутқингдин
шакарларким,
Ки бир ҳиндубача ул юзда холинг бирла ҳар соат.

Сени топса киши қадри тунини топса тонг эрмас,
Саводи кокулинг нури жамолинг бирла ҳар соат.

Езибдур ҳарфи номим аввалин фаҳм айла, эй маҳбуб,
Азали котиби абру ҳилолинг бирла ҳар соат.

Увайсий ёдию фикру хаёли кечеу кундуз
Дудоғинг ичраким ҳайвон зулолинг бирла ҳар соат.

НАВОИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Мен хастай зорингни бирор айламадинг ёд,
Султон сену ҳоким сену мен кимга қилай дод,
Умримни камолини ғаминг айлади барбод,
Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод.
Булбул киби ҳажрингда ишим нолау фарёд.

Дил ўлмаса илгимда шаробим тўкулурму,
Афсус мангаким тўкулан кося тўлурму,
Сайёд эли қайд айламай озод бўлурму,
Сайд ўлди кўнгул кузларинга, ваҳ, қутулурму,
Бир қушки, анинг қасдида бўлғай ики сайёд.

Эл билмади мен мажнуни мумтоз рамузин,
Кўрса киши ваҳм этгуси дарбоз рамузин,
Сарф айламадинг мен била дамсоз рамузин,
Ул мактаб ароким ўқудинг ноз рамузин,
Гўёки вафо илмин ўқутмуш эди устод.

Муҳтож эрурмен туну кун аҳли сафоға,
Шояд яди покин кутарур бўлса дуоға,
Раҳм этмади мен булбули шўрида навоға,

Ашкимни күрүб тез бүлур майли жафоға,
Ори, үтимас чунки сүйи бүлмаса фұлод.


Топти бу күнгүл зарраи Лайли хабаридин,
Қон бүлди хүреким мени Мажнун ҳунаридин,
Фарҳод қутулди үлубон дардисаридин,
Мингдин бир әмас үз юраги захмларидин,
Ҳар нечаки тоғ бағрини захм айлади Фарҳод,

Оташга сазовор әкан ким санга мақрун,
Озорингга ожиз келибон ҳоли дигаргүн,
Бир боқмаға мавқуф неча [қони] дүкүлгүн
Үлукни киши дағн әтә олмас, vale ҳар күн.
Юз тиғ қилур дағн күзүнг қилғали жаллод.

Захмим мени зоҳир әмасдур бадан ичра,
Изҳор агар үлса әрүр пийраҳан ичра,
Булбул на фифон айламасун бу тикан ичра,
Гул япроғи тирноғлар әрүр бу чаман ичра,
Булбул пару болини юлуб бергали барбод.

Ким журъаи май ичмаса мастаналиғ этса,
Бир чуғздеқ обод аро вайроналиғ этса,
Вайс әгри қўюб бўркини марданалиғ этса,
Не айб, Навоий киби девоналиғ этса,
Ҳар одамиким бўлса ани ёри паризод.





МАХМУР

Махмур ўзбек классик демократик адабиётининг йирик намояндаларидандир. Асл исми Маҳмуд бўлган бу шоир ижодининг гуллаган даври XIX асрнинг биринчи ярмига, Қўқон шаҳрида марказлашган адабий ҳаётда реакцион оқим билан демократик ҳаракат ўртасидаги кураш айни зўрайган йилларга тўғри келади.

Махмурнинг отаси Қўқон яқинидаги Бойтуман қишлоғидан бўлиб, Акмал тахаллуси остида шеърлар ҳам ёзган. Ҳапалак қишлоғида туғилган унинг онаси эса Турдиали деган машҳур хаттотнинг қизидир. Ёш Маҳмуд Қўқондаги Мир мадрасасида ўқиёдиди. Отасининг вафотидан сўнг қаттиқ моддий қийинчилликлар натижасида ўқишни ташлаб, хон лашкарида оддий сипоҳ вази-

фасида хизмат қилишга мажбур бүлади. «Икки газ на бошимда саллам бор, бир ҳовуч уйимда ғаллам бор», дейди Махмур.

Фазлий «Мажмуатуш-шуаро» тазкирасида Махмурнинг «кучли шоир ва сўз усталаридан бири» эканига иқрор бўлган. Унинг 1950 йилда Қўқонда топилган ўтқир ҳажвий шеърлар тўплами ҳуқмрон бўлган ижтимоий адолатсизликка қарши, «золими мардуд»ларга қарши битилган айномадир.

Махмур ўзбек ва тожик тилларида талай лирик шеърлар ҳам ёзган, лекин уларнинг кўпчилиги ҳали бизга номаълум. Шоир XIX асрнинг ўрталарида, таҳминан 1850—1860 йилларда вафот этган.

Истеъдодли ҳажвнавис шоир Махмурнинг асарлари «зулм ва золимга» қарши эл нафратини, адолат ва халқпарварлик гояларини ташувчи нодир хазинадир.



МУНОЖОТ БА ДАРГОХИ ҚОЗИ-ЮЛ-ҲОЖОТ

(Ҳожатларни чиқарувчи қози даргоҳига муножот)

Д

мру нахъинг роҳи ботил узра эрмиш ёдимиз,
Кечау кундуз сифотингдур бизи авродимиз,
Сендин, эй халлоқ, йўқдур нолау фарёдимиз,
Лек чархи кажравишни дастидиндур додимиз,
Сенки лутф айлаб анинг дастури даврон айладинг...

Хор қилдинг оқибат ҳар кимки эрди аржуманд,
Паст этдинг соядек, нахлеки бўлди сарбаланд,
Барча феълинг носутуда, жумла васфинг нописанд.
Юсуфи Мисрийни айлаб чоҳи зиндон ичра банд,
Пири Канъон манзилини байтул-аҳзон айладинг...

Қайси бир зулминг этай теъдод, эй гардуни дун,
Ким сенинг бедоду жавринг ҳадду ғоятдин бурун,
Беҳунар жоҳилга бердинг беадад дунёи дун,
Жамъи доноларни қилдинг ҳолини зору забун,
Зофни аъло қилиб, тўтини нодон айладинг...

Сийналар маъмурасини селдек қилдинг хароб,
Аҳли дил бағрини ҳасрат ўтида этдинг кабоб,
Феълу авторинг муқаддар, гуфту гўйинг носавоб,
Лутфинг эрмас беғараз, инъоминг эрмас беҳисоб,
Тифлдек бўлдинг пушаймон, кимга эҳсон айладинг..

То қалам чекти қазо лавҳи вужуди кун — факон,
Келмади бир ростлиқ нақлингда, эй каж достон,
Мумтаҳандирсан ёмонлиғда на ҳожат имтиҳон,
Нахли идборинг уза мургеки қўйди ошиён,
Тухми анжум гардишидин сангборон айладинг.

ДАР СИФАТИ ҚИШЛОҚИ ҲАПАЛАК КИ БА МАХДУМ МАХМУР ТААЛЛУҚ ЕФТА

*(Maǵmұr махдұм алоқадор бұлған Ҳапалак қишлоғининг
сифатида)*

Әй жаҳондори зафар кавкабай даври фалак,
Гүш қыл қиссаи қишлоқи хароби Ҳапалак,

Турфа қишлоқи ғазаб карда ки паррандалари,
Товуқи игначи-ю, үрдагу ғози капалак.

Бору йүқ уйларини банда баён гар қилсан,
Бир катак, икки ката, уч олачук, түрт каталак.

Дема уй, балки заминкандур, агар кирса киши,
Ҳар тараф бетига ургайлар аниң күршапалак.

Халқини күрсанг агар үласио, қоқу хароб,
Очликдин әгилиб қомати мисли камалак.

Ажириғ томирини үғурида майды туюб,
Қайнатиб кунда ичар, отини дерлар сумалак.

Гар таҳорат қиса қавми сув тополмай ночор,
Бетини қым била юб (күзи)га сургай гувалак.

Эй фалак қадру адолат шийами мулку малак.
Марҳамат чоғида раҳм айла ба ҳоли Ҳапалак.

Кеча гүё эшитиб шуҳрати тилло пулини,
Ҳапалак қўрқусидин учди мисоли капалак,

Ҳимматинг йўлида бир тилла каромат қилгин,
Капалак боз қўнуб жойига бўлгай Ҳапалак.

АВСОФИ ҚОЗИ МУҲАММАД РАЖАБ АВЖ

(*Қози Муҳаммад Ражаб Авж сифатлари*)

Бу мажмуа солори воло ҳасаб,
Сазовори қози Муҳаммад Ражаб.

Эрур Андижон анга асли ватан,
Вале ҳолиё Янги Қўрғонда тан.

Қаротепанинг қозийи акбари,
Бўлуб қовму қишлоғининг раҳбари.

Абан ан жадин Андижон шаҳридин,
Эрур Янги Қўрғон макони макин.

Агар қозини изласанг қайдадур,
Қаротепа, ё Янги Қўрғондадур.

Ажаб қозийи, коҳили, жоҳиле,
Бўлуб омилик илмига комиле.

Анинг кўксини чок қилсанг, ҳама,
Филу ғашини пок қилсанг ҳама.

Адамдур алиф анда күп излама,
Бу нархарни қози дебон сизлама.

Лақаб ҳофиз, Авж оти аниңг,
Хайуло сувар шакли зоти аниңг.

Магар келди Мозандарондин бу дев,
Жаңон рангидин құрқуб, айлар ғирев.

Насаб Ож ибни Ануғдин эрур,
Ҳасаб ғул ё асли муғдин эрур.

Чиқиб ар-ари қылди чандон узун,
Бұлур сақфи гардунға қилсанг сутун.

Қесиб бир шитолангни ҳам икки йұл,
Равон айла Жайхуну Сайхунга пул.

Терибдурким оғоқдин паттани,
Йигиб күчадин лакпуриш латтани.

Қийим паттани жамъу пайванд этиб,
Ани устидин латтани банд этиб.

Қилиб тул дасторини іоз қулоч,
Вале эскилиқдин эди минг умоч.

Даме гар бузулса бу дастори зор,
Тузатмоққа солгай анга мардикор.

Бузуб жумла дарвозани салласи.
Эшикларни вайрон қиласар калласи.

Жаҳон ичра бу қозийи девранг,
Эрур мазҳабу миллати ревранг.

Тузар ўзини гоҳи зуҳҳоддек,
Қилар шаклини мисли уббоддек.

Гаҳи марди муллойи олим ўзи,
Гаҳи боби раддул-мазолим ўзи.

Гаҳи пешвойи сияҳномалар,
Гаҳи дохили базму ҳангомалар.

Юрап гоҳи дар сурати шайху шоб,
Гаҳи зуфунун шакли закки жаноб.

Гаҳи толиби базлау ҳарзагӯй,
Гаҳи нозими назми берангут бӯй.

ҒАЗАЛИ ҚОЗИ МУҲАММАД РАЖАБ АВЖ ДАР БОРАИ ХУД

(*Қози Муҳаммад Ражаб Авжнинг ўзи түғрисидаги ғазали*)

Келгил, эй аҳбоб, аввал тарзи рафторимни кўр,
Баъд даври гумбази дастор давворимни кўр.

Кимки дасторимни курса ўрни(дин) қўрқуб
(турар),
Бетаҳорат айлаган оламни мурдоримни кўр.

Гоҳким бошимга саллам ўлмаса, ул дам қараб,
Расму роҳи, тўҳмату шалтоқ кирдоримни кўр.

Қозиликда жамъ қилган пулни савдо айласам.
Асфаласофил деган даврида бозоримни кўр.

То адамдин азми дунё айладим юзвой ким,
Қўймадим оламда бир кун нафси қаҳҳоримни
кўр.

Бошланур боши сабоҳи уйқудин то ними шаб,
Олти эшик, етти тешик, ному номдоримни кўр.

Бир магармажманки юз минг аждаҳо гар учраса,
Айларам бир луқма деви жуи ашроримни кўр.

Гарчи мен қилдим тахаллус Авж ёлғондур ҳама,
Халқнинг остида қолган баҳти жабборимни кўр.

АВСОФИ ҲОЖИ НИӘЗ

(Ҳожи Ниәз сиғатлары)

Учинчи әрүр ҳожийи [бад бурут],
Бұлур етти бошлиқ юқо, иккі пут.

Тутар үзини ҳожийи Макка ҳам,
Борибман дегай Мakkага якка ҳам.

Нишонида йүқ зарраи файзи ҳаж,
Ани ҳожи десаңг әрүр бул хараж.

Гумонимга ҳаж қилмаган бұлса ул.
Тариқи ҳарам билмаган бұлса ул.

Қыган бұлса мақбули ҳақ бұлмаган
Дуоси ижобат қарин бұлмаган.

Магар йұлда ул жиннийи рұ сиөх,
Сотиб ҳажни харж айлаган ул бароҳ.

Зи бас лода, маъжуну бадкайфдур.
Анга яхши мадҳу сапо ҳайфдир.

Олиб неча пулни пайи нафси рев,
Зиҳи макру найрангу афсуни дев.

Кўрунг меваи ризқ исботини,
Билинг доми тазвири авқотини.

Гаҳи ҳожийи фавжи фарзоналар,
Гаҳи жиннийи жамъи девоналар.

Гаҳи миришаб, гаҳ сипоҳи будур,
Гаҳи осилар рӯсиёҳи будур.

Гаҳи дохили садри аҳли сулук,
Гаҳи қобили базми тожул-мулук.

Гаҳи амри айёру гаҳ доғули,
Гаҳи навбаҳори, гаҳи омули.

Гаҳи соҳиби ганжи асрор ҳам,
Гаҳи толиби шеъру ашъор ҳам.

Йифиб неча кун хотири каъбидин,
Туғуб бу ғазал мочай табъидин.

ФАЗАЛИ ҲОЖИ НИӘЗ

(Ҳожи Ниәзниң ғазали)

Даври фалакда, дүстлар, сарсари танги роҳ үзим,
Гирди жаҳонни чарх уруб, сайқали меҳру моҳ
үзим.

Баски пиёда йўл юруб, яхши-ёмонни кўп кўруб,
Маккада неча йил юруб, фазлаҳўри илоҳ үзим.

Ўзими сода ҳам десам, жиннийи лода ҳам десам,
(Кетима) хода ҳам есам, ҳожийи қиблагоҳ үзим.

Даври жаҳонда қолмади мен қилмаган гуноҳи
бад,
Хоси замона аҳлида осийи рўсиёҳ үзим.

Ҳожийи (бадбурут) десанг, бўзахўри ўфут десанг,
Олтию тўрт ғўрт десанг, рост үзим, гувоҳ үзим.

Поча талош каллалар зиллакаши маҳаллалар,
Ўғрийи эски саллалар шом үзим, пагоҳ үзим.

Ҳажни сотай йўлда деб, ўлмайин йўлда-чўлда деб,
Менга киройи қўлда деб, муътарифи гуноҳ үзим.

Журм десанг қабат-қабат, фисқ десанг сабат-
сабат,
Наңс десанг намат-намат, сүфийи хонақоҳ ўзим.

Шукрки, мунча ҳол илан, хотири пур малол илан,
Нафси саки вубол илан, тозийи шайху шоҳ ўзим.

Барча вужудим (бесубут), жисмими бори етти пут,
Аббу жадим сагу сафут, бешаку иштибоҳ ўзим.

Менки тамаъга бандаман, халқи жаҳонда
гандаман,
Нарса тиларга рандаман, хоҳ ўзим, ноҳоҳ ўзим.

Субҳидами силаб юруб, ҳимматим олти (ман)
қурут,
Ўтига етти тўрба тут, луқмаҳури пагоҳ ўзим.

Шоҳи жаҳонпаноҳга, довари додҳоҳга,
Хони зафарсипоҳга чокари хайрҳоҳ ўзим.

Гоҳи Хўқанда миришаб, гоҳи ҳарамда ҳақталаб,
Гоҳ кулухи мустаҳаб булъажаби гиёҳ ўзим.

Хатми ғазални айлаган, белни хатога бойлаган,
Оши каварни пойлаган ҳофизи садргоҳ ўзим.

(Бесубути) ягонаман, тантанаи замонаман,
Жиннийи жовидонаман, масхара дастгоҳ ўзим.

ДАР СИФАТИ ҲАҚИМ ТУРОБИЙИ ҲАЗОР ҲАЛТА

(Ҳаким Туробий ҳазор халта сифатида)

Бешинчи табиби Туробий эрур,
Саломига лаънат жавоби эрур.

Ажаб бир ҳакими шақоват сиришт,
Мақомига дўзах эрур сарнавишт.

Кезар дашту саҳро касал истабон,
Ажал орқасидин юрар қистабон.

Жаҳон ичра ул жоҳили нобакор,
Ажал илгин олганга келди дучор.

Ёзиб олдига икки минг халтани,
Йифиб эски юз лак тугун латтани.

Терибдур дўконига тўқсон тувак,
Солиб ҳар тувак ичра ўн уч сумак.

Кимиким тувакдин талаб қилса нуш.
Берур нўш дору дебон маргимуш.

Эрур ранги қиши чилласидин совуқ,
Ҳақоратга бопу сўкарга ёвуқ.

Анга бори зиллат түшатсанг савоб,
Юзига таҳорат ушатсанг савоб.

Кўрарман они гоҳ дўконида,
Туруб икки шайтон ани ёнида.

Қелар олдига кимки дору сўраб,
Ба аҳволи ранжури дарду тааб.

Берар заҳрни нўш дору дебон,
Ани ўлдуруб беажал шул замон.

Жаҳон ичра бул абләҳи пур фусус,
Қилур ӯзини сонийи Жолинус.

Юрап гоҳ ҳикмат усулида ул.
Гаҳи муддаи шеър йўлида ул.

Тариқи ҳазоқат билан ул жаҳул,
Топиб бу ғазални зи роҳи усул.

ДАР СИФАТИ ҲАҚИМ ТУРОБИЙИ ҲАЗОР ҲАЛТА БҮДИР

Биҳамдиллаҳ табиби шаҳру Буқроти ҳалойиқман,
Ажалдин ҳам бани одамни ўлдурмоққа фойиқман,

Табиби шаҳр номи ойда бир бемор ўлдурса,
Вале мен кунда юз бемор ўлдурмоққа ҳозиқман.

Мени бадбахт то зарбул-масал бўлдум табибликда,
Жаҳон ворича акнун кўп ҳақоратларга лойиқман.

Ҳакими шаҳр деб, олдимга ҳар ким келди ўлдурдим
Тариқи ростим шулдурки, жаллоди ҳалойиқман.

Эрур кўп ноҳақ (ишлар) гарданимга тавқи лаънат
ким,
Жаҳаннам садрига бу журм илан сардори собиқ-
ман.

Адамдин то келибман даври оламда хисолим шул,
Мусулмонларга ҳосидман, мунофиққа мувофиқман.



МУЖРИМ-ОБИД

Ш

оир Мужрим-Обид XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошларида Бухорода яшаб ижод этган. Миракхўжа Буҳорийнинг ўғли Обидхўжа — Мужрим-Обид яшаган даврида Буҳоро хонлигига Амир Шоҳмурод (1784—1802), кейин унинг ўғли Амир Ҳайдар (1802—1826) ҳукмрон әдилар. Бу амирлар замонида Буҳоро иқтисодий-маданий томондан жуда орқага кетади; диний таассуб, хурофот ва жаҳолат янада кучайиб, маориф ва маданият ишлари бениҳоя хўрланади; адабиёт ва санъат аҳлининг кўпчилиги қаландарлик билан тирикчилик ўтказади.

Мужрим ҳам Обид тахаллуслари билан шеърлар ёзган бу исстехъоддли шоир ижоди ана шундай оғир иқтисодий-сиёсий вази-

итда камол топади. «Бу арз этувчи эътиборсиз бечора,— деб ёза-ди Мужрим-Обид ўз таржимаи ҳоли ҳақида,— турмуши паришон, ҳор-зор, ёшлик даврида, яъни тўққиз ёшга кирганида устод хиз-матида турғун бўлиб, ўн бир ёшгача ўқидим. Кейин отамнинг ёр-дами билан илм олиш учун Бухородаги «Мири Араб» мадрасаси-га келдим».

Мужрим-Обид на амирлардан ва на ўзга ҳукмдорлардан би-рон илтифот кўрмайди. У Амир Ҳайдарга бағишилаб бир қасида тақдим қилганида хон унга ёрдам бериш ўрнига, шоирликдан воз кечиши, қаландарлик қилишни маслаҳат кўради. Лекин Мужрим-Обид хон маслаҳати билан бормайди. Қамбағаллик, муҳтожлик ичиди бўлса ҳам севган ишини, «ҳар аҳли сухан ворис» бўлган ижодини давом эттиради; «сўзларим ҳалқи замона ичра исми бо-қидур» деган қаноат билан яшайди.

Мужрим-Обид ҳаётининг охирги кунлари янада фожиалироқ бўлади. Оч ва яланғоч қолган, «Рўзгор аҳли ичра хор ўлдим» деб нола этган шоир 80 ёшларида Бухорода дунёдан ўтади.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик инсти- тутида Мужрим-Обиднинг учта қўллўзма девони сақланади.



ФАЗАЛ

* * *

Эл фирибиға узатди турраи дастор шайх,
Гоки бўлғай халқ ичра оти бузругвор шайх.

Шомдин хилват чироғи тонг дегунча шоблар,
Кундузи борур муроқибга вали изҳор шайх.

Алдаб эл молин егунча заҳр нӯш этган қулай,
Холиё даврон ғанимат, айла истиғфор шайх.

Ўзига дармонда кимки истиқомат келтуур,
Дунявий элдин тиласан ухравий не бор, шайх.

Бандадин қилмай тамаъ, ҳақдин тила ёдинда бүл,
Жори эт селоби ашкинг йиғлагил зинҳор, шайх.

Бевафодур даҳр, мағрур ұлма иззу жоҳингга
Үтди сендин ҳам бурун ман-ман деган бисёр шайх.

Мужрим ўлдунг ёшдин, ёшинг әлликдин үтди ҳам,
Ўлмадинг лаҳву тараб уйқусидин бедор, шайх.

* * *

Тушубдур бошима савдои ғурбат,
Бўлубман волаи шайдои ғурбат.

Ватан ичра топилмас ҳушёри,
Ичай бир неча кун саҳбойи ғурбат.

Бўлубман қофила солори ҳижрон,
Ғаму дарду алам колойи ғурбат.

Бу маъвода очилмай ғунчай табъ,
Ҳавас айлар кўнгул маъвойи ғурбат.

Кўрубман бевафолиқ шаҳр элидин,
Бўлай овораи саҳрайи ғурбат.

Надомат ашки ичра ғарқ бўлдум,
Топай деб гавҳари яктои ғурбат.

Билинг ҳар ерда Мужрим бор, ғам бор,
Бу эрмиш ҳосили пайдои ғурбат.

* * *

Қайдың, эй дүстлар, манингдек бекасу бечора бор,
Қайи ғамни ястанур паҳлуда захми хора бор.

На ҳәётимдин нишоту на мамотимдин сурур,
Қайси ерда ман киби икки жаҳон овора бор.

Дард қадрин телбадин сүр, билмас они соғлар,
Ҳалли мушкилни тиларсан хотири афгора бор...

Мен харобот ичра бу күн айларам дағъи малол,
Анда үзумга муносиб неча бағри пора бор.

Ишқ бемориға Мужримдур, табиблар ноилож,
Ёра бор бұлса юракда, ёра борсанг, ёра бор.

* * *

Замона ҳар кима бир тарз рүзгор қилур.
Биравни восили давлат, биравни хор қилур.

Биравни құлиға берур мадори мулки жақон,
Биравни то дам ўтгунча бемадор қилур.

Биравни ғам била, қайғу билан адо айлар,
Биравни ишрати оламға пойидор қилур.

Биравни дийдаи бийносидин жудо айлаб,
Тамоми умрин асокашга интизор қилур.

Биравга сийму зар беҳисоб рүзи этар,
Биравни бир пул учун йўл юзида зор қилур.

Висол бирла йил ўтса замонча кўринмас,
Бирор замонгина ҳижронни йил шумор қилур.

Фалакдин ҳар нечаким дарду ғам нузул айлар,
Юргим ичра келиб, жо тутуб диёр қилур...

Биравни күнглида кибру ғуур, завқу ҳузур,
Биравни күйи ғарибликда хоксор қилур.

Күнгүлки жазбаи ишқ үқига нишона әрүр,
Чу дард текса қачон бир замон қарор қилур...

Бу дайрда киши бир-бирдин айрила тушса,
Шароби васл нафас әтмайин хумор қилур.

Биравга мөхри улуси жаҳонга шатта урап,
Ғарибу ғамзадалар күнглини шикор қилур...

Биравки күнглига ишқ үтидин шарора тушар,
Жунун бошиға тушарса нечук қарор қилур.

Чунончи аҳли муҳаббат йўлуқса бир-бирига,
Ҳикояти ғаму афсонаси, барор қилур.

Чу ошно ҳамага беғараз әрүр Мужрим,
Анинг учун ҳамани холис эътибор қилур.

* * *

Гулистон ичра кирсам ҳолима сарву суман йиғлар,
Қилур булбул фифону нолалар бирла чаман йиғлар.

Эшитсалар мани бошимга түшгән мунча савдони,
Биёбонларда Мажнун, тоғ ичинде Құқан йиғлар,

Осилди ишқ түфөни билан Мансур дор узра,
Аналқақ наъра тортиб, чүбайи дору расан йиғлар.

Юрак қон бұлмағунча дидадин хуноба йүқ жори,
Биравга текмаса бир дарди бедармон қаңон йиғлар.

Менинг ишқим ҳадиси түшса гар мағфил аросиға,
Куяр парвона-ю, мотамда шамъи анжуман йиғлар.

Бу ҳасрат бирла охир даҳри фонидин гузар қылсам,
Үқуб ғамномаи ҳажримни ҳар бир марду зан
Йиғлар.

* * *

Күнглумни ҳирсу нафсу ҳаво хона қилділар.
Ақлимни олдилар, мени девона қилдилар.

Душман сұзумни айди ёмон, дұст күрди хуш,
Миннат аларға тил била афсона қилдилар.

Мардумки, күзу қошдек әди яхши ошно,
Не топтилар базмдаки, бегона қилдилар.

Ул шамъи базм партавидин жонға түшти ўт,
Гүё мени мушобиҳи парвона қилдилар.

Коғир күзи, қароқчи қоши, ўғри кифриги,
Мунча ситамни қайси мусулмона қилдилар.

Ул күй итлари сориға айладим гузар,
Шодамки, хулқу хүйи муҳиббона қилдилар.

Онларки, тұла бошлари мағзи хирад әди,
Ҳар шод, ғамни қисмати пешона қилдилар.

Сандин ҳам ўтти илгари Мужрим шумори күп,
Андін хабар етишмади оё на қилдилар.

* * *

Эшиздим ул пари ағәр бирла ошно бүлмиш,
Мени күзумға бу равшан жаҳон шоми қаро
бүлмиш.

Күзум оқу қароси дүстлар бүлмас харидорим,
Магар бозори меҳр ичра матоим кам баҳо бүлмиш.

Жаҳондин шафқат оти қатъу қуллий муртафиъ
бүлди,
Ки бу бечораға ахбоб күп номеҳрибон бүлмиш.

Хұжуми ҳасрату ғамдин силинди ҳосили жисмим,
Қамоли заъф күрким пүст бирла устихон бүлмиш.

Қарибсан ҳам күнгүлни завқи дунёдин
күттармассан,
Надер Мужрим демай халқи жаҳон ишинг хато
бүлмиш.

* * *

Гулистон интизоринг, саръ қадингни хиромон қил,
Қаро зулфингни оч, сунбул димофини паришон қил.

Чекар булбул фиғон, гул ғунча айлар пираҳан пора,
Букун мен нола айлай, сен доғи чоки гирибон қил.

Май ич, маҳбуб қуч, мутриб билан чу беғам ўлтурғил,
Оёғинг қўйма зинҳор илгидин ўлгунча даврон қил.

Қизориб чиқти гардундин қуёш меҳринг сўрғинда,
Такаллуф бартараф хуршеди рухсорингни тобон қил.

Бошиңға ҳар нечук савдо кетурса даҳр ошуби,
Ҳарос этма қўлингдин келса, айшиңгни ду чандон қил.

Сени қўндургали қилдим муҳайё жон аро жойинг,
Бузуқ кошонамизға бир кеча ўзунгни меҳмон қил.

Самандингни жиловин сақла Мужрим додхоҳингдур,
Десун арзини хоҳи дора чеку хоҳи зиндан қил.

* * *

Айтингиз оламда мандек бенавое бормикин,
Бедйлу бечора-ю ғам мубтолое бормикин.

Ҳеч биродардин манга келган әмас бүйи вафо,
Аҳли оламда манингдек пур жафое бормикин.

Меҳр излаб қаҳр күрган, шарбат излаб заҳр нүш,
Рүйи роҳат күрмаган меҳнат адое бормикин.

Бора-бора ошнолар бўлдилар бегонаваш,
Беғараз, холис кўнгулли ошное бормикин.

Обид ўз ҳолингга боқ, қилма шикоят ўзгадин,
Ким сенингдек даҳр аро нокадхудое бормикин.

НАВОИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Олами фонийда кулфатсиз маконе топмадим,
Файри андуҳу ғаму оҳу фифоне топмадим.
Бир аниси шоду ғам ширин забоне топмадим,
Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон басе қилдим фидо, ороми жоне топмадим.

Даҳр аро ёлғуз ӯзумдек хоксоре кўрмадим,
Бекасу беёру бегамхору хоре кўрмадим,
Бир ҳазони ноумиди навбаҳоре кўрмадим,
Ғам била жонимға еттим, ғамгусоре кўрмадим,
Ҳажр ила дилсұхта бўлдум дилситоне топмадим.

Ким кўрубдур мен киби расвойи даврон бағри қон,
Волау шайдо эрур ақлим ани кўрган замон.
Сарф бўлди хизматида гарчи жони нотавон,
Ишқ аро юз минг маломат ўқиға бўлдум нишон,
Бир камон обруда тузлукдин нишоне топмадим.

Оҳи дард олудим учун равнақи ишқим аён,
Субҳи иқболим эрур идбор шомиға ниҳон,
Борму йўқ гулзори олам ичра мандек боғбон,


Күнглум ичра сарв ўқдур ғунча пайкон, гул тикон,
Даҳр боги ичра мундоқ гулситоне топмадим.

Фаҳмиға лойиқ амал қилғучи олим кўрмадим,
Кўрдум, аммо табъини бир сўзда солим кўрмадим,
Эй кўнгул сендин ба жуз ранжи мулойим кўрмадим,
Хусн мулки ичра сенек шоҳи золим кўрмадим,
Ишқ кўйида ўзумдек нотавоне топмадим.

Токи ҳар девони таҳрир айлади ғам қиссасин,
Дарж қилди дафтари кўнглида боби ғуссасин,
Гарчи кўрмай қолмишам ушшоқ жисми жуссасин,
Қўп ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,
Ўз сўзумдин булъажаброқ достоне топмадим.

Обиди саргаштаи маҳжур доғи анжуман,
Бир дуогўйи ҳақири сокини байтул-ҳазан,
Етмасун афёрдин дилдор кўнглига сухан,
Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи ман,
Бир замон ишқида меҳнатдин амоне топмадим.





МУНИС ХОРАЗМИЙ (1778—1829)

И

оир ва олим Шермуҳаммад Мунис 1778 йили Үрта Осиё-нинг энг кекса шаҳарларидан бирида — Хивада туғилди. Унинг ота-боболари мироблик (сув ишларига қаровчи нозир) мансабида ишлаб келган кишилар эдилар. Мунис ёш чоғидан бошлаб яхши таҳсил қуради. Ӯз замонасининг илмлари, айниқса адабиёт ва тарихга алоҳида қизиқади; ӯзбек, форс-тожик, озарбайжон классикларининг асарларини қунт билан ўрганади ва ўзи ҳам лирик шеърлар ёза бошлайди.

Мунис Элтузар хон хизматига кириб, фармонлар ёзувчи сифатида ишлайди. Сўнг мироблик лавозимига кўчирилади. Лекин Мунис ижодини, билимини ошириш ишини бир дақиқа ҳам қўймайди, патижада замонасининг илфор кишиси бўлиб етишади.

Мунис, Элтузар хон топшириғи билан, Хоразм тарихини ёзишга киришади ва уни Мұхаммад Раҳим хон (1806—1825) ҳукмронлик қылган йилларда ҳам давом эттиради. «Фирдавсул-иқбол» номли бу асари 1812 йилгача бўлган тарихий воқеаларни ўз ичига олган. Шунингдек Мунис машҳур тарихчи Мирхонднинг «Равзатус-сафо» асарини ўзбек тилига таржима этишда ҳам зўр ғайрат кўрсатади, аммо тугата олмайди, 1829 йилда вабо касали билан вафот этади.

Яхши хаттот, музикашунос, тарихчи, истеъододли лирик шоир Мунис Хоразмий ўзбек классик адабиётининг энг гузал анъаналарининг, буюк Алишер Навоий традицияларининг давомчисидир. Унинг 1805 йилда тузилган девони адабиётимизнинг дурдонала-ридан ҳисобланади.



ФАЗАЛ

В олийи мулки тариқат гар Низомийдур манга,
Манзили маънифа Хизри роҳ Жомийдур манга.

Хотиримфа Хисравидин ҳар замон шуре етиб,
Банда давроннинг бори ширин каломидур манга.

Пир Анзорий сўзидин чошни нутқим топиб,
Сўзда ҳосил шарбати юҳъйил-изомидур манга.

Ҳофизи Шероз лутфидин тараққийлар топиб,
Жилвагаҳ аҳли тасаввуфнинг мақомидур манга.

Юзума Аттор ҳар лаҳза дүкони файз очиб,
Доим андин атр парвар жон машомидур манга.

Файзи Фирдавсий гаҳи қунглум очиб фирдавсдек,
Гоҳ Хоқоний футуҳининг паёмидур манга.

Гоҳ табъим Анварий нури била равшан бўлуб,
Гоҳ Саъдий жомининг файзи мудомидур манга.

Топибон ишқи Ироқийдин замирим нашъайи,
Ҳосил аҳли ишқнинг шўри тамомидур манга.

Нусхай таъйид Бедилдин топиб файзи сухан,
Маъни ичра номай иқбол томидур манга.

Қилса ҳосид дахли бежо сўз аро йўқтур ғамим,
Ким бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манга.

Тонг эмас Мунис агар бўлсан кироми қадрким,
Устоди зоҳиру ботин Қиромийдур манга.

* * *

Шамшод қоматингға бўлуб банда боғда,
Айлар топуқ ҳамиша туруб бир аёғда.

Кўюнгдин айру нохуни ғам йиртадур юзин,
Гулга агарчи бўлди ватан, сахни боғда.

Парвона үзни ўтга солур ихтиёрсиз,
Гўёки кўрди партави ҳуснинг чароғда.

Сен ўртада қуёш сену маҳбублар нужум,
Нур айлар иқтибос туруб сўлу соғда.

Ҳажрингда бедимоғлик этсам на айбким,
Гисуий мушкборинг иси йўқ димоғда.

Ҳар кимниким кўрармен, эрур жустужў иши,
Бу олам ичра бир киши йўқдур фароғда.

Мажнуну Қўҳкан етаолмас ғуборима,
Ҳар нечаким алар югуур дашту тоғда,

Васлинг ҳарими ичра эрур оламу валек
Бир кимса йүкки бўлмағай андин сўроғда.

Дарёйи ишқ қаъриғадур ғарқ, дур каби,
Мунисни демангизки, қолибдур қироғда.

* * *

Истадинг, эй дил, кўзин жонинг керакмасму санга?
Куфри зулфин севдинг имонинг керакмасму санга?

Дарду ғам сели била буздунт кўнгул кошонасин,
Эй малоҳат ганжи, вайронинг керакмасму санга?

Жамъ этиб ўтлуғ кўнгулларни муқайяд айладинг,
Ҳалқайи зулфи паришонинг керакмасму санга?

Тири ғамзанг муддаи кўнглиға зойиъ қилмаким,
Ул ҳадафдур, хора пайконинг керакмасму санга?

Сарсари оҳимни, эй гардун, қилурсан тунду тез,
Машъали хур shedи рахшонинг керакмасму санга?

Бизки беш кун меҳмонмиз, эй фалак қасринг аро,
Инжитурсен бизни, меҳмонинг керакмасму санга?

Эй гул, айларсан жафо хорин уруб Мунисфа жавр,
Андалиби дилкаш илҳонинг керакмасму санга?

* * *

Кулбам сари жононим келмасму экан оё,
Хажрида ёмон ҳолим билмасму экан оё?

Сүрмаққа борур ёрим ошиқлари аҳволин,
Деб ул мани ҳам ошиқ келмасму экан оё?

Хажрида қолиб йиллар олмас хабаре мандин,
Олида киши ёдим қилмасму экан оё?

Сүрғай эди ҳолимни ошиқларидин билса,
Гар билса доғи күзга илмасму экан оё?

Ханжар чекиб эл бағрин тилмакдин этар эҳсон,
Бағримни манинг ёраб тилмасму экан оё?

Баским тұладур ўшдин күзни оча олмасмен,
Бир лутф илиги они силмасму экан оё?

Гулзори висолиға Мунис ета олмас ҳеч,
Айлаб талабин елдек елмасму экан оё?

Ихтиёр этгали ағёрни ул ёр манга,
Рашкдин ҳардам үлур тоза юз озор манга.

Үзгаларга қилиб ул шұх вафолар зоҳир,
Мени күргач, қиладур зулмни изҳор манга.

Баски, бедод манга етти дамодам ондин,
Жон низор үлди, күнгүл хаста, бадан зор анга.

Гарчи ул қотил урап үзгага тифи бедод,
Лек анинг ғайратидин жон бұлур афгор манга.

Күр вафоким тутарам жонима андин миннат,
Ҳар жафоким қилур ул шұхи ситамкор манга

Кундузум кеча каби бұлса қоронғу, не ажаб,
Ки сочин очтию күргазмади рухсор манга.

Байтул-иҳзонни ёвуқдурки бошимға йиқғай,
Бүйлаким сел оқизур дидаи хунбор манга.

Хар киши ҳимматыға лойиқ әрүр матлуби,
Бұлсун, эй шайх, сенга ҳуру худо ёр манга.

Ёр күйіғаки, ағёрга бор бор анда,
Мунисо, бор дединг ул хайл аро, не бор манга.

* * *

Бу замон ичра азиз эл не ажаб хор бүлуб.
Уламою фузало бүлса сазовори алам.

Шуаро деса ҳижо йүқса хушомад доим
Рұзгорини фалокат била айлаб барҳам.

Фуқаро үткара олмай баҳузур авқотин
Қўйса ҳар сори жало марҳаласи сори қадам.

Қим мукаррамдур аларким әдилар дун ҳиммат.
Топибон жоҳилу нодон шарафи нозу ниам.

Ҳам әрур кунд табиатлар эл ичра мумтоз,
Хиссат оролиғ ила айлабон изҳори карам.

Ҳам әрур омили маҳсус авон бирла авом,
Чекиб эл моли учун зулм ила тифи ситам.

* * *

Ғамингдин эрур үтлуғ оқим расо,
Ки онинг бұлур шуғаси чархсо,

Құнгул ўтининг ўйла дуди чиқар,
Ки бўлмиш манга тийра субҳу масо.

Тирикликда худ масканимдур қопунг,
Агар ўлсам анда мазорим ясо.

Малул үлмишам, муғбача, бода тут
Ичай ҳар неча бор эсам порсо.

Агар эр эсанг құп жақонгир бўл.
Үй ичра ўтурма, нечукким нисо.

Эмас яхшилик, яхшиликка карам,
Карим эрсанг аҳсан ило ман асо.

Вафо хорхоридин ўтким, бу гул
Жақон боғида бутмамиш, Мунисо!

* * *

Истасанг сайр учун, эй дилбари зебо саҳро,
Кўнглума келки эрур турфа мусаффи саҳро.

Етти саҳроға магар файзи баҳори ҳуснунг,
Ки эрур боги эрамдек чаман оро саҳро.

Келу саҳроға хиром айла баҳор осоким,
Кўкариб сабзалар ўлсун тарабафзо саҳро.

Сайри саҳро кетурур занги кудурат дилдин,
Мундин аксар эди, маъвойи Масихо саҳро.

Ул қадар шури жунун воқиъ ўлур кўнглума ким,
Вусъати бирла булаолмас анга жо саҳро.

Гоҳ тоғ ичрау гаҳ шаҳрдадур ошубим,
Мани мажнуннинг эмас, манзили ташҳо саҳро.

Доғлиғ кўнглум ўлуб қон тўкилур кўзлардин,
Кўр не янглиғ очадур лолайи ҳумро саҳро,

Үтти Мажнун каби күп телбараган ишқ әли, лек,
Топмади мен каби бир бодия паймо саҳро.

Оҳи тоғларни йиқар, ашки иморатларни,
Ер юзин охир этар Муниси шайдо саҳро.

* * *

Ютубон бу замонда қон шуаро,
Назм этар гавҳари фифон шуаро.

Ерга хуршеддек солур даврон,
Қилсалар сайри осмон шуаро.

Дўстлар лутфидин қилур маҳжур,
Баски бор душмани замон шуаро.

Юз хушомад била гадолиғ этиб,
Топа олмас емакка нон шуаро.

Давлат асроридин эрур ғофил,
Ҳар неча эрса нуктадон шуаро.

Бўлуб ифлосдин зарурат ила,
Хиссат аҳлиға мадҳон шуаро.

Шеъри янгилиғ кезар маҳофил аро,
Қилғали дарди дил аён шуаро.

Гүиё рўзгор аносидин
Туғди кулфатда тавъамон шуаро.

Дардманду жафокаш элга қилур.
Назм ила дардини баён шуаро.

Аҳли давлатга бўлса ҳам маддоҳ,
Топмас иқболдин нишон шуаро.

Фуссадин ўлгай эрди, топмас эса,
Шеъридек ёри ҳамзабон шуаро.

Баски даврон эрур ҳунар душман.
Қўрадур фазлидин зиён шуаро.

Мизбонлиғ қилурға йўқ нимаси,
Бўлса Мунисға меҳмон шуаро.

РУБОИЙ

Шоҳо, фуқароки муниси ғамдурлар,
Бедор дилу кўзлари пурнамдурлар,
Зинҳор аларни қилмағил өзурда,
Оташдаму барҳамзани оламдурлар.

* * *

Ангаким масти жоми давлатдур,
Қон ичарда фақирлардин не хабар?
Ори уйқуға борған англамағай
Уйқусизларга ҳарне бўлса агар.

* * *

Сабот истасанг мулк бунёдиға,
Адолат била ет улус додиға,
Адолатдин ўлди эл осойиши.
Эл осойиши мулк оройиши.

* * *

Бу қишки эрур ер юзи кўзгу музидин,
Бир васфини ақл этолмас юзидин,
Иссиф кунидин шамман изҳор этсам,
Совуқроқ эрур зоҳиди нодон юзидин.

Тутма бадгү бирла суҳбатким, ёмон сүз заҳридин
Ниши занбур каби ҳар дам берур озорлар,
Ким яқинроқ борса итга ҳурмогидин инжитур,
Балки тишлаб жисмин афгор, тўнин мурдорлар.

* * *

Эмас мард — турғонни йиқса киши,
Агар келса қўлдин, йиқилғонни турғуз,
Шуруинг ўлса на ишга туз айла ниятинг аввал,
Бори амални ҳабо бил, агар туз ўлмаса ният.





ОГАҲИЙ
(1809—1874)

Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли — Огаҳий таҳаллуси остида ижод этган адолатпарвар шоир 1809 йили Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида туғилган. У ёшлиқ ҷоғида Мунис Ҳоразмийнинг тарбиясини олади, Хива мадрасаларидан бирида таҳсил кўрган йилларида форс ва араб тилларини пухта ўрганади; вабо өфати туфайли ота-онасидан, севикли устозидан («Фақирким онинг биродарзода ва дастпарвардасидурман»,— дейди Огаҳий) ажраб фақирона ҳаёт кечирса-да, кечаю кундуз мутолага берилади. Сўнгра Огаҳий Оллоқулихон (1825—1842) девон-хонасига мирза бўлиб киради ва 1828 йилда мироблик вазифасига тайинланади.

Адабий фаолиятини баёзлар тузишдан бошлаган Огаҳийнинг фикрий ва ижодий камолотига Мунис Хоразмий атрофидаги фозил ва шоир кишилар муҳити, айниқса мироблик вазифасини ўтаган кезларида серташвиш Жайҳун — Амударё кирғоқларида очяланғоч, сувга ташна дәхқон аҳли билан учрашувлар бебаҳо таъсир күрсатган.

Огаҳий Хива хонлиги воқеаларини акс эттирган «Риёзуд-давла», «Зубдатут-таворих», «Тарихи гулшани давлат», «Жомиул-воқеоти сultonий», «Шоҳиди иқбол» (тугатилмаган) асарларини ва Мунис Хоразмийнинг «Фирдавсул-иқбол» китобининг давомини ёзади. Олим ва шоир Огаҳий йигирмага яқин асарни ўзбек тилига таржима қиласди. «Гулистони Саъдий», «Баҳористони Жомий», «Ҳафт пайкари Низомий», «Ҳашт Биҳишти Хисравий» каби асарлар шулар жумласидандир.

Лекин инсоният учун Огаҳийдан қолган энг нодир мерос шоирнинг «Таъвизул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») девонидир. «...барча мусаввадалардаги ва баёзлардаги ва ўзга ерлардаги паришон бўлғон шеърлари...»дан ташкил топган бу девонда Огаҳийнинг мashaққатли ҳаёти, ҳалқчил ва адолатпарвар туйғулари, «Юз жаҳон мулкига тўймас аҳли давлат...» га нафрати ўзининг мукаммал ифодасини топган.

Фақат етти йилгина сарой хизматини ўтаган Огаҳий, 27 ёшидан то умрининг сўнгги дақиқаларига қадар Қиёт қишлоғида, отасидан қолган уйида ёлғизлик ва касаллик билан фақирона ҳаёт кечиради ва «хору беқадр» эканидан зорланиб 1874 йилда вафот этади.

Огаҳий девонининг тўртта қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган. Булардан икки нусхаси Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида, бири СССР Фанлар Академияси Шарқ қўлёзмалари секторида (Ленинград), тўртинчи нусхаси эса Ленинграддаги Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат кутубхонасида сақланмоқда.



ФАЗАЛ

Бүгүн, эй дүстлар, ҳолим хароб ўлғанға йиғларман,
Ки яъни дарду доғим беҳисоб ўлғанға йиғларман,

Бориб аҳбоб бир-бир, ман қолиб бир гүшада ялғуз,
Ишим маҳбус қушдек изтироб ўлғанға йиғларман.

Боқиб атрофга бир ҳамдам ўлғудек киши топмай,
Таҳассур ўтиға бағрим кабоб ўлғанға йиғларман.

Ётиб бир гүшада танҳо, ботиб ғам ичра сартопо
Малолат ашқидин чашмим пуроб ўлғанға йиғларман.

Күрүб ҳолим жабинида малолу кулфат осорин,
Қилиб нафрат иш элга ижтиоб ўлғанға йиғларман.

Тамуғдек тийра күлбам ичра күргач шум шаклимни
Улусға қочғали мендин шитоб ўлғанға йиғларман.

Қарилиғ зәльфию бекаслигим дарду балосидин,
Ишим чекмак кеча-кундуз азоб ўлғанға йиғларман.

Бу өводийда бўлуб дарё талаб, бир қатра сув топмай,
Насибим оқибат муҳлик сароб ўлғанға йиғларман.

Үтуб авқоти умрим фикри фосид бирла сартосар.
Ҳануз ул ишга менда иртикоб ўлғанга йиғларман.

Адо қилмай ҳузури дил била бир кун намозимни,
Сазовори уқуботу, итоб ўлғанға йиғларман.

Сўз ичра Огаҳий булбулдек айлаб хуш адолиғлар,
Маконим чуғздек доим хароб ўлғанға йиғларман.

* * *

Қил эй соқиў, карамким, қилди жисмим нотавон
Хумори жоми майдин айлади бағримни қон рўза,
рўза,

Кўзим нурин, белимнинг қувватин қўймай, олиб,
ваҳким,
Ситам тифин чекибдур эмди айлаб қасди жон рўза.

Тузубдур қасдима ранжу машаққат лашкари саф-
саф,
Мадад май хайлидин етмай манга бермас омон рўза.

Қадимким ўқ киби туз эрди чекмай бори андуҳин
Хам этти ғам юки остида андоқким камон рўза.

Мани май партавидин ёғду оламға чиқарғилким,
Хумор ичра қоронғу қилди бошимға жаҳон рўза.

Бўлуб ман телбага жоми сабуҳий ичгали монеъ,
Олибдур ақлу ҳушим қўймайн ному нишон рўза.

Табиат қунд әрур, хотир паришон, фикр ҳам вайрон,
Мани одам қаторидин чиқарди бегумон рұза.

Нече кундурки бир маҳваш майи лутфи ҳуморидин,
Кетурди бошим узра шүриши охир замон рұза.

Ҳамул ҳусн аҳли шоҳи илтифоти камлигидиндер,
Ки мундоқ Огаҳийға күп қылур жаврин аён рұза

* * *

Манга зулм айлаб ул қотил аён оҳиста-оҳиста,
Чекиб тифини айлар қасди жон оҳиста-оҳиста.

Жафоси зўридин икки кўзимдин оқти дарёлар
Ки қолғай остида онинг жаҳон оҳиста-оҳиста.

Улусга айлаган зулмин кўруб ондин ҳазар қилмай,
Келиб чекдим жафосин ман ёмон оҳиста-оҳиста.

Бўлур ҳажрида зиндан гар манинг манзилгаҳим
бўлса,
Гулистон балки гулзори жинон оҳиста-оҳиста.

Тўла бир жом тут лутф айлаб, эй соқийки, бу
ғамдин
Қутулғойман ичиб ман нотавон оҳиста-оҳиста.

Вафо йўқ даҳр боғининг гулида, берма кўнглунгни,
Бугун тонгла жетар, эй боғбон, оҳиста-оҳиста.

Эмас гардунда раъд овозики, ҳижрон туни ичра,
Эрур ул Оғаҳий чеккан фифон оҳиста-оҳиста.

Ул юзи гул нигорнинг меҳри жамолини кўринг,
Меҳри жамоли устида икки ҳилолини кўринг.

Икки ҳилолини кўруб қонмаса меҳрингиз агар,
Сафҳаи орази уза нуқтаи холини кўринг.

Нуқтаи холини кўруб сабр эта олмас эрсангиз,
Хусну жамоли боғида қадди ниҳолини кўринг.

Қадди ниҳолини куруб кўнглунгиз этмаса қарор,
Жон кўзи бирла боқибон лаъли зулолини кўринг.

Лаъли зулолини кўруб жонингиз этса изтироб,
Чораи ҳолингиз учун шаҳди мақолини кўринг.

Шаҳди мақолини кўруб топмаса чора ҳолингиз,
Нуктага лаб очар чоғи ғанжу далолини кўринг.

Ғанжу далолини кўруб истасангиз муроди дил,
Огаҳийдек қучуб белин айши камолини кўринг.

* * *

Навбаҳор айёми ҳар ким бўлса айши боғсиз,
Лоладек бир лаҳза ғамдин кўнгли эрмас доғсиз.

Кимса бўлса боғу бўстонсиз агар фасли баҳор,
Ўйла нахлидурки бўлғай шоҳау яфроғсиз.

Ҳар кўнгулким боғ аро ишрат майдин шод эмас,
Машъалидурки ёруғлуқ йўқтур анда ёғсиз.

Ҳар киши кошонасиким бўлмаса боғи онинг,
Ез айёмида бир дўзах дурур учмоғсиз.

Бордуур қишин ин совуқроқ суҳбатин гарм
айламак,
Ез фасли ёр бирла уйда боғу роғсиз.

Ўйла сел оқизди кўздин боғ айши ҳасрати,
Ким топилмас рубъи маскун ичра ер бўтробоғсиз.

Гарчи ёрмоқсиз киши эрмас кишилик сонида,
Боғсиз бўлғондин аммо яхшидур ёрмоғсиз.

Бұлса хористон нетонг бечора булбулға ватан,
Ким жаҳон боғида ер йүқтүр ҳужуми зоғсиз.

Кулбай вайронда тонг йўқ Огаҳий бұлса малул,
Ким эмастур доғсиз кўнгли замони боғсиз.

* * *

Эй күнгүл, одам хаёл айлаб дема нодонға сүз,
Чунки ул инсон әмас, топсанг дегил инсонға сүз,

Сузdur инсон күнглида бир гавҳари қиймат баҳо,
Они хор этма, дебон ҳар ҳуши йўқ ҳайвонға сүз.

Ваҳ на янглиф билгуси ҳайвон гуҳарнинг қадрини,
Ким топор ҳаз этса ул кунжорау сомонға сўз.

Сузни мафҳум айламак нофаҳмға мушкулдуур,
Ким бўлуб сўз аҳли бағри қону, ботғай қонға сўз.

Сангдил жоҳилға тонг йўқ сўз агар қилмас асар,
Чунки таъсир айламак мумкин әмас сандонға сўз.

Ҳар хасосат шеваға сўзингни зойиъ қилмоғил,
Сўз демак гар истасанг дей соҳиби эҳсонға сўз.

Билмаган ўз қадрини, не билгуси сўз қадрини,
Ҳайфдур доно демак нодони беирфонға сўз.

Аҳмак аҳли билмагай сүз ичра ўз беҳбудини,
Ўзига қилғай заарар, охир чекиб ҳар ёнға сүз,

Сүз қабул уммиди бирла демагил ҳосидғаким,
Одами маъқул эта олғай қачон шайтонға сүз.

Раҳм этиб сүз ҳолига жоҳилға они демагил,
Ким бўлуб безор ондин келгуси афғонға сүз,

Оlam ичра барча ишдин қаттиғу душвордур,
Оғаҳий маъқул қилмоқ беҳаё нодонға сүз.

Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай
Оҳима ҳеч шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ҳардам улусға лутф ила боқфуси қаҳр ила, вале,
Ман сори бир назора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ишқ эли кўнгли дардиға чора қилур, вале манинг
Дарди дилимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ҳажрида заъфим ўйлаким, оҳи ҳазиним ўтиға,
Шўъла била шарора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Жон лабидин чу бермади жисмима, ваҳки қошидин
Қатлима ҳам ишора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай,

Кўйига борсам этгуси васлиға ваъда, ул доғи,
Бўлғуси бора-бора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Толеи равшан ўзганинг лутфи қуёши нуридин,
Ман киби баҳти қора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Бүлди ситораси исиф халқға мәхри ёр гарм,
Манда исиф ситора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Дедим ўлубдур Огаҳий ашки канорасиз, деди,
Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

* * *

Неча умрлар қилдинг аҳли жоҳфа хизмат,
Тарк этиб они эмди, фақр элиға хизмат қил.

Айламак тамаъ элдин хорлиқға мужибдур,
Айлағунча хор ўзни заҳр ичарга журъат қил.

Қарилиғ босиб келса касбдин сани ожиз,
Ташлабон тааллуқни тарки ранжу меҳнат қил,

* * *

Қелди совуқ шиддатидин ўйла қаттиғ ушбу қиши,
Ким оғиз очғоч, тұнгуб тил бұлғуси андоқки тиши,

Гарчи ер жисми уза қор қоқимин ёпди, vale,
Панжай сарсарға бұлди күксини чок этмак иш.

Хам бұлуб әл қадди совуқ шиддатидин ё киби,
Ашки мадди тұнглабон тоқти анга сиймин кириш,

Муз киби қилмиш бурудат олиб үт таъсирини,
Танда тадбир айлабон жон асрамоқ мушкил эмиш.

Бош чиқормай кулбасидин түнглаб ұлмоқ
ваҳмидин,
Мунқатеъ билқул бұлубдур әл аро бориш-келиш.

Сарв қоматлар кийиб, әгнига хафтон түбату,
Тузмай онинг бирла ҳам титрарлар андоқким
қамиш.

Ақлу ҳушим қочти совуқ шиддатидин нечаким,
Тан уйида жон лиҳофи ичра қилдим парвариш.

Ул киши билмас бу совуқ шиддатинким, базм аро
Оташин май ичса, әгнига кийиб синжоб киши.

* * *

Боғу баҳор аро нетонг бўлмаса гар қароримиз,
Ким сари кўйингиз эрур боғимизу баҳоримиз.

Сарв ила лолаға назар айламасак ажаб эмас,
Ким юзу қаддингиз дуур сарв ила лолазоримиз.

Орази олингиз уза зулфи сиёҳингиз эрур,
Боғи муродимиз аро сунбули мушкборимиз.

Нетти ёрутсангиз dame субҳи висолингиз била,
Қилди қаро фироқингиз жечаси рўзгоримиз...

Софари базми васлингиз нашъасининг хуморида
Ерга йиқилди ўйлаким хоки тани назоримиз.

Тортамиз интизорингиз шому сабоҳ негаким,
Даҳр аро сиздин ўзга йўқ ёrimизу нигоримиз.

Ҳарна жафоки қилсангиз тортамиз Огаҳий каби,
Ким анга мониъ ўлғудек йўқтурур иқтидоримиз.

НАВОИИГА МУХАММАС

Очиб майдин юзинг гул-гул чиқиб майхонадин
хандон,

Паридек жилва бирла токи бўлдинг озими майдон,
Ишим дашти жунун ичра югурмак ҳар тараф нолон,
Эрур саргашта хоки тан аро мажнун кўнгул ҳар ён,
Тўн этгондек қуюндин жисмиға мажнуни саргардон,

Чиқиб майдон аро то гўю-чавгон ўюнин қурдинг,
Қадам алтоф ила ишқ аҳлиниң бошиға еткурдинг,
Вале ҳар гаҳки бу девона сори маркабинг сурдинг,
Ёлонг жисмим кўруб онча бало тошини ёғдурдинг,
Ки захмим боғлағондин эмди эрмастур таним урён.

Бўлуб ҳолимға нозир ҳалқ давримда қуарар ҳалқа,
Қаён юз урсам атрофимдин айрилмай юрар ҳалқа,
На одамдин улус танҳо жаворимда кўрар ҳалқа,
Жунуним ҳайратиға ваҳш давримда урар ҳалқа,
Мушаъбид лаъбиға ҳангома ҳалқидек бўлуб ҳайрон.

Оқиб ер юзида ҳар сори юз минг наҳр ашкимдин,
Хароб ўлмай не саҳро қолди, не бир шаҳр
ашкимдин,

Нечук айларсиз, эй аҳбоб, уммид баҳр ашкимдин,
Тузалди Нұхнинг түғонидин сұңг даҳр ашкимдин,
Қиёмат ошкоро бұлди ул түғону бу түғон.

Бу гулшан ичра ҳар дам боши узра ёғибон жола,
Қилибдур пайқарини ҳар тараф паргола-паргола,
Бу янглиғ ҳол ила изҳор құлмай **оҳ** ила нола,
Манингдек тоза доғи захмидин қон ғарқидур лола,
Магарким доғини күнглиға қўймиш шуълаи ҳижрон.

Инонғил, эй күнгүл, меҳнат сародур ушбу оламким,
Суруду нағмаси навҳа, сурури сури мотамким,
Киши гар ондадур ҳушёр әмас бир лаҳза беғамким,
Ичиб гардунча соғар кош андоқ бехуд үлсамким,
Икинчи сурдин ҳам бўлмағой уйғонмақим имкон.

Қилиб журъат аёқингдин тааллуқ бандини синдер,
Тутуб озодалиғ расмин қадам майхона сори ур,
Унут дунё ғамин аҳбоб бирла айш базмин сур,
Жаҳон осойишин олингда мушкил құлмаким бордур,
Агар мушкил десанг мушкил, вагар осон десанг осон,

Эшитгил гаҳ-гаҳи ушшоқи бедил оҳу зоринким,
Фурур этма кўруб ҳуснинг бақойи бемадоринким,
Вафосиз англа ушбу даҳр бөғининг баҳоринким,
Қўп, эй гул, урма булбул жонига бедод хоринким,
Сану мандек гулу булбулни кўп ўткарди бу бўстон.

Чекиб даврон жафосини фузун аъдоду имкондин,
Тўярман Огаҳийдек ҳар нафас юз минг карат
жондин,
Ўтар мундин туну кун оҳу нолам чархи гардондин,
Нағоий, құлма айб ағфону фарёдимки, даврондин,
На бир фарёду ўн ағфонки юз фарёду минг ағфон.

РУБОИИ

* * *

Ҳалқа қурубон қилма алоло, эй шайх,
Оламға ўзинг айлама расво, эй шайх,
Қим барча риёву ҳийлау макрингни
Фош этма улус аро саропо, эй, шайх.

* *

Масжидда намоз ўқуб мудом, эй зоҳид,
Гар топмас эсанг муроду ком, эй зоҳид,
Ихлос била кириб харобот ичра,
Соқий қўлидин ич тўла жом, эй зоҳид.

* * *

То кажлик ила кирди фалак давронға,
Доно ҳама нон гадосидур нодонға,
Тузлук била айланса эди гар гардун,
Нодон юзи тушмагай эди бир нонға.

* * *

Эй кўнгул, кимсаким сени севмас,
Қоч, онинг теграсиға айланма,
Ки насиҳат қилурда ўтганилар,
Дедилар: «севмаганга сўйканма».

* * *

Қилмоқ била парвариш тикан гул бўлмас,
Ҳам тарбият ила зоғ булбул бўлмас,
Гар асли ёмонға яхшилиқ минг қиласанг,
Яхшилик онинг нияти билкул бўлмас.



КОМИЛ ХОРАЗМИЙ (1825—1899)

0 лимлар ва шоирлар диёри Хоразм XIX асрнинг иккинчи ярмида башариятга яна бир порлоқ истеъдодни — Ниёзмуҳаммад Абдулла ўғли Комил Хоразмийни тақдим этади. Комил эски мактабда бошланғич таълим олгач, Хива мадрасаларидан бирида ўқииди ва араб, форс тилларини мукаммал ўрганади. Мадрасани хатм қилгандан кейин, у савдо-сотиқ билан шуғулланади, тез вақт ичидаги қалами ўтқир шоир, талантли бастакор, нозик хаттот ва чевар наққош сифатида халқ ўртасида шуҳрат қозонади.

Муҳаммад Раҳимхон II бу каби кишиларнинг ўзига яқин туришини маъқул кўриб, Комил Хоразмийни саройга тортади: аввал хоннинг мирзаси, кейин девонбеги вазифасини ўтайди.

Комил Хоразмий Мұҳаммад Раҳимхен II ҳукмронлик қилған йиллардаги шоирларнинг энг кучлиси ҳисобланарди. У Хоразм нотаси деб аталған музика аломатларини ихтиро қилған, адабий таржима билан ҳам шуғулланған.

Комил Хоразмийнинг шеърлари девон ҳолида түпланиб, тош босмада босилған. Унинг құләзма девони Узбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослық институтида сақланади.

Комил Хоразмий умрининг охирида зўр фалокатга учраб, икки кўзи кўр бўлиб қолади. Бироқ шоир ўз ижодий фаолиятини сира тұхтатмайды, халқ манфаати йўлида тинмай ажойиб асарлар яратади. У 1899 йилнинг охирида вафот этган.



ФАЗАЛ

* * *

Э

й күнгүл, зинҳор қилма аҳли даврондин тамаъ
Бор эса бу хаста жисмингға агар жондин тамаъ.

Чунки йўқ эрмиш жаҳон аҳлида холис дўстлиғ,
Кимки ондин яхшироқ йўқ айлама ондин тамаъ.

Даҳри дундин кўрмагунг жуз ҳасрати нокомлиғ,
Гавҳари мақсудни қилма бу уммондин тамаъ.

Солим ўлмоқнинг сипеҳр осибидин имкони йўқ,
Қилма ҳаргиз оғият кунжин бу вайрондан тамаъ.

Күзлари жаллодидин қилмоқ муруват орзу.
Аҳли иймон айлагандек кофиристондин тамаъ.

Истайин не навъ жоним роҳатин мужгонидин,
Қилғому мажруҳ марҳам тифи урёндин тамаъ.

Шарбати лаъли хавосин истамаклик бодадин,
Айламак жонбахшлиғ жуз обиҳайвондин тамаъ.

Хони ғаслиға рақибидин ионат истамак,
Айлаган янглиғ гадо илкидағи нондин тамаъ.

Оlam ичра гар булай десанг азизу аржуманд,
Айлама Комил киби жуз зилли субҳондин тамаъ.

* * *

Ютубон бу замонда қон фузало,
Кулфат ўқиғадур нишон фузало.

Қалам ила китобдин ўзга
Топмағай ёри ҳамзабон фузало.

Қатнабон сифлалар эшигига,
Топмас ұлтурғали макон фузало.

Жұхало зумраси келиб ғолиб,
Бұлды мағлубу нотавон фузало.

Сұзни фаҳм этгали киши топмай,
Не осиғ бұлса нұктадон фузало.

Кимга күрсатса биргина беҳбуд,
Топар үтруда минг зиён фузало.

Жұхалоға қилиб мулозимлик,
Топмадилар емакка нон фузало.

Майи гулранг ўрниға тайёр,
Күзлари соғрида қон фузало.

* * *

Не суд очилса гул, үлса баҳор ғурбат аро.
Менгаки бўлмаса ёру диёр ғурбат аро.

Очилмади чаманистон ҳавосидин кўнглум,
Кўзумга гул эрур андоқки, хор ғурбат аро,

Фироқ даштида бир мушкбуғизол истаб,
Кўзимни қилди чу дом интизор ғурбат аро,

Йироқ тушкали аҳбоб сухбати майдин,
Нишот жомиға бўлдим хумор ғурбат аро.

Чаманда гулдек аҳиббо ватан аро хандон.
Чу лола бағрим эрур доғдор ғурбат аро.

Ватанда кўзима чангалисонча йўқ Маҳмуд,
Аёз боғида тутдим қарор ғурбат аро.

Чиқай ватан садафидин дема гуҳар янглиғ,
Агарчи бўлса сенга эътибор ғурбат аро.

Ниҳон эт ўзни ватан қофи ичра анқодек,
Сенга йўқ ўлса мурод иштиҳор ғурбат аро.

Ватанда сокин ўлуб сайр эт олами боло,
Сафарни айламагил ихтиёр, ғурбат аро.

Топ эмди Хевақ ила Паҳлавони Қомил эсанг,
Дема Бухори шариfy Мазор ғурбат аро.

* * *

Жон бахш лаълинг устида ул хол ҳиндулармудур,
Ё чашмаи ҳайвон уза зоғи сияҳ мӯлармудур?

Боғи жамолинг саҳнида ўйнар кўзинг мардумлари,
Ёхуд Хўтан гулзорида сайдир эткан оҳулармудур?

Сунбул эрурму сарвға чирмошиб ўскан боғ аро,
Ёхуд чўлашған қаддинга шабранг гисулармудур.

Хатти муанбарму эрур ҷоҳи занахдон даврида,
Ё салсабил атрофида райҳони хушбўлармудур?

Шаҳло кўзинг атрофида кирпикларингму, йўқ эса,
Қурғон кийиклар сайдига сайёд мўндулармудур?

Ғамзанг мижанг новакларин отмоққадур икки камон,
Ё кўзларингнинг устида пайваста абрўлармудур?

Зоҳир арақларму эрур, гулбарги хандонинг уза,
Ё лаъл хотам даврида сероб луълармудур?

Ғамзанғ ҳаданғин ҳар тараф отсанғ тегар ман зоринга,
Жону күнглум ёхудки ул ўқларга қопуллармудур,

Ҳайрони дидоринг бұлуб турмуш қошингда хұблар,
Йүқ әрса қүйғон үтруда машшота күзгулармудур?

Тортор риёйи шайхлар масжидда жаҳр айлаб фифон,
Е күкка боқиб күчада ҳар кеча ит увлармудур?

Комил қошиға келдиму барча рақиби ҳиласоз,
Е шери ғуррон оллида бир неча тулкулармудур?

* * *

Эй дурри ноби ишқингга жонлар хазиналар,
Мижгони новак афканинг омочи синалар,

Етмас кўнгул фифони муалло жанобинга
Ҳар неча оҳидин ясаса анга зиналар.

Ишқ аҳли бўлса гар менга тобиъ ажаб эмас,
Ҳусн аҳли келди сенга ғуломи каминалар.

Мингдин бириси мумкин эмас сабт бўлмоқи.
Ҳуснунг баёнида неча ёздим сафиналар.

Ушшоқ бахтини қора ёзғандა килки сунъ,
Холу хат ила қошу кўзунгдур қариналар.

Кўнглум муҳаббатингни ажаб қилса хоксор,
Ободлик ҳаробаға бермас дафиналар.

Боқ сўзга, боқма қойили яхши, ёмониға,
Май зарфи гоҳ кўза гаҳе обгиналар...

Құюнг гадоси хирқайи пашминаси уза,
Товус парлариға қилур ноз биналар,

Ул ким замири покдур ойинадек мудом,
Етмас анга кудурати арбоби киналар.

Нетсун бу баҳру кон дуру лаълини Комилинг,
Эй дурри ноби ишқинга жонлар хазиналар.

* * *

Кулмадинг бир то мени юз қатла гирён қилмадинг,
Тутмадинг бир жом то күнглум тұла қон қилмадинг,

Хотирии даврон ғамидин қилмадинг бир лаҳза жамъ.
То мени бир йилғача зору паришон қилмадинг.

Хаста қунглум таҳ-батақ қон қилмағунча ғунчадек,
Очилии мажлисда рухсоринг гулафшон қилмадинг.

Мен тарағға қилмадинг ҳарғыз хатодин бир нигоҳ,
То рақибимға боқиб юз лутфу әхсон қилмадинг.

Айладинг қаҳру вафо бобида қайси әвъдалар,
Ким яна ул аҳду паймандин пушаймон қилмадинг.

Отмадинг қаҳру итобинг новакин ағерға,
То маломат ўқига күксимни қалқон қилмадинг.

Қилмағунча хони васлингдин бу зоринг бенасиб,
Үзгани бу хони иҳсон узра мәҳмон қилмадинг.

Эгнима кийдурмадинг лутфу иноят хилъатин,
То либоси оғиятдин жисмим уръён қилмадинг.

Қайси бир уммиdkim, лутфингдин этдим оқибат,
Ул умидим ҳосилини яъсу ҳирмон қилмадинг.

Эй ситамгар, қайси бедилға бериб васлингда жой,
Сўнгра они мубталойи доғи ҳижрон қилмадинг.

Қилмағунча хонумонимни қаро ҳижрон аро,
Кулбам ичра оразинг шамъи шабистон қилмадинг.

Дониш аҳлиға қаю қилмишларинг дей, эй фалак,
Қай бирин ул зумранинг мағлуби нодон қилмадинг.

Сирри ишқинг неча пинҳон тутди элдин, эй пари,
Қўймадинг Комилни то расвойи даврон қилмадинг.

МУНИСГА МУХАММАС

Дардоки, йўқ жаҳон элида шармсорлиғ,
Курганлар иззатимни манга берди хорлиғ,
Эркан абас замон элидин дўстдорлиғ,
Яхши кунумда ҳар кишиким қилди ёрлиғ,
Дўнгач замона айлади душман шиорлиғ.

Улким эди вужуди вафо маъданни букун,
Душманға лутф, зулм мангадур фани букун,
Дерким рақиб сонида кўрман сени букун,
Атфол этакка тош йиғингизким мани букун,
Девоналиқға еткурадур бекарорлиғ.

Ҳар кимса ўз нигори висоли замонида,
Иzzат майини нўш этар ишрат маконида,
Фарёдким булолмадим ағёр сонида,
Итлар азизроқ курунур халқ ёнида,
Мендинки кўйинг ичра чекарман бу хорлиғ.

Борсен агарчи давр элиға фойиқ, этма рад,
Ушшоқ аро билиб мени ҳам содиқ, этма рад,

Күргач юзунгни бўлдум агар ошиқ, этма рад,
Мен гарчи сухбатингға эмон лойиқ, этма рад,
Бу гулшан ичра гул ул эрур бўлса хорлиғ.

Ушшоқни қилурға чу қилдинг фифону асир,
Нағманғға бўлди борча эшитмак ҳамон асир,
Не навъ бўлмайин мени бехонумон асир,
Эй мутриб, ўлди ҳалқаи нағманғға жон асир,
Созингға ёр зулфидин олдингму торлиғ.

Сен сен сарири ҳусн уза шаҳаншаҳ, эй масиҳ,
Гар хўблар кавокиб эса, сен маҳ, эй масиҳ,
Комилға кўйинг ўлғали манзилгаҳ, эй масиҳ,
Мунисни ғам етурди ҳалокатға, эй масиҳ,
Мактулинга даме қилакўр ғамгусорлиғ.

ҚИТЪА

Ҳар неча бало етса чекиб бош букма,
Таъжил яқосиға бошингни суқма.


Амроз, алам шиддатидин ҳовлукма,
Топғунг яна, Комило, шифо ошуқма.

Ҳар кимсаки, айласа ошуқмасни хаёл,
Яфроғни йифак қилур, чечак баргини бол.





МУҲАММАД АМИНХЎЖА МУҚИМИЙ



МУҚИМИИ **(1850—1903)**

Буюк дарнат шоир Муқимийнинг ижодий фаолияти халқимиз тарихининг бурилиш нуқасини ташкил этган йилларда, алабиёт тарихимизнинг порлоқ даврларидан бирида — XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида кечди. ~~Р~~ деб ёзган эди Ф. ~~Р~~ Урга Осиё халқларининг бу сиёсий ва маданий уйғониш даври ҳақида,— Шарққа нисбатан ҳақиқатан прогрессив роль уйнайди...»

Мұхаммад Аминхұжа Муқимий 1850 йили Құқонда ҳунарманад оиласыда туғилді. Уннинг отаси Мирзахұжа асли тошкентлик бўлиб, 1835—36 йилларда ўз отаси Мирфозил билан биргаликда Қўқонга кўчиб боради ва шу ерда нонвойлик қилиб,

турғун бўлиб қолади. Муҳаммад Аминхўжанинг онаси Бибиойша эса, асли хўжандлик бўлиб, Сайдолим Нодиршайх қизидир. Сайдолим Нодиршайх ҳам тириклик орқасида Қўқонга келиб, шу ерда муқим бўлиб қолганлардан эди.

Мирзахўжа билан Бибиойша ўз турмушларида бешта фарзанд кўрганлар. Уларнинг учинчиси Муҳаммад Аминхўжа эди. Муқимий бошланғич маълумотни Қўқон мактабларидан бирида олади, лекин бўлажак шоирда бадиий завқни тарбиялаган оила, Қўқон аёллари ўртасида «Хуморбиби» деб ном чиқарган онаси бўлди. Муқимий Қўқондаги машҳур «Ҳоким ойим» мадрасасида, сўнгра Бухоро мадрасасида ўқиёди. У таҳминан 1876 йилларда Қўқонга қайтиб келади ва тириклик ишларига киришади: Қўқондаги ер қурилиши маҳкамасида мирзалик қиласи, 1877 йилларда Қўқоннинг гарби-шимолида, Сирдарё ёқасидаги Оқжар паромида паттачи бўлиб ишлайди. 1885—86 йилларда отаси Мирзахўжанинг вафотидан сўнг, Муқимиининг моддий аҳволи янада оғирлашади ва, ниҳоят, шоир Қўқондаги «Ҳазрат» мадрасасининг кичик бир ҳужрасида умр кечиришга мажбур бўлади.

Муқимий ўз ижодий фаолиятини бошлаган даврда, яъни XIX асрнинг 50—60-йилларида Қўқон хони Умархон (1810—1822) бошлаб берган сарой реакцион адабиёти упинг меросхўларидан Муҳаммад Алихон (1822—1842), Шералихон (1842—1845) ва, ниҳоят, Қўқон таҳтининг энг сўнгги ҳукмрони Худоёрхон даврида ҳам бутун кучини сақлаган ҳолда давом этди. Ўзбек классик адабиёти халқил анъаналарининг, Алишер Навоий, Махмур, Гулханий, Турдий каби инсонпарвар шоир ва мутафаккирларнинг меросхўри сифатида адабиёт майдонига чиҳқан, меҳнат аҳли ҳаётининг барча фожиаларини ўз бошидан кечирган Муқимий демократик адабий оқимнинг бошида турди. Шоирнинг лирик шеърлари ва, айниқса, ҳажвиёт (сатира ва юмор) жанрида битилган асарлари бутун бир ҳазина, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида кечирилган халқ

ҳаётининг айни ифодасидир. Шунингдек Муқимийнинг оташин нағасида, унинг атоқли замондошлари Фурқат ва Завқийнинг ижодига хос, ҳалқининг қувончли келажагига комил ишонч шабадаси әсади. «Келур охир сени ҳам йўқлагудек бир замон яхши», деб каромат қилган эди изчил демократ шоир Муқимий.

Муҳаммад Аминхўжа Муқимий — ўзбек ҳалқи зако ва даҳосининг мард куйчиси — 1903 йил 25 майда Қўқон шаҳрида вафот этган.



ФАЗАЛ

А қлу ҳуш учди бошимдин, эй пари, девонаман,
Бир иложи қил, эл ичра бүлмайин афсона ман.

Дарду сүзу ашку охимни қиёс эт шамъдин
Шомдин то субҳидам хажрингда ўртаб ёнаман.

Үл замониким, йироқ васлингдин ўлдим, то бу дам
Ҳар кеча ёдингда минг йўл уйқудин уйғонаман.

Лаҳзаи заҳри ғаминг ютмаққа тоқат қолмади,
Нўш этиб васлинг майдин ҳам қачон бир қонаман.

Хома мужгон, күз қаросидин ёзиб рози дилим,
Арзаи қылдим эшит, маъюсу муштоқонам.

Оҳким сенсиз қарору сабру оромим кетиб,
Бир илон чаққан кишидек ҳар тараф тұлғонаман.

Навбати жомим тұла құйғил карамдин, соқиё,
Ҳар қадамда то қилай іоз лағзиши мастонаман.

Мулки Ҳиндү Марвдин келсам топардим эътибор,
Шул әрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман.

* * *

Навбаҳор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Суҳбат айлайлик келинглар, жўралар, ўртоғлар.

Хуш бу маҳфилда тириклик улфату аҳбоб ила,
Ўйнашиб, гоҳи табиятни қиласайлик чоғлар.

Рух очиб кўздин ниҳон бўлса паридек, найлайин,
Айрилиб ҳушу ақлдин телба бўлмай соғлар.

Ҳайфким аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан,
Олдилар ҳар ерда булбул ошёнин зоғлар.

Марҳам истаб кимсадин, захми изҳор айласанг,
Чораи қилмоқдин ўзга, устиға тирноғлар.

Тобакай мундоғ маломат кунжига доим Муқийм,
Бу замон кўз тутгин эмди санга бўлсун тоғлар.

* * *

Зулм ила қаҳру ғазаб изҳор қилмоқ шунчалар,
Ошиқи бечорага озор қилмоқ шунчалар.

Гул дебон севган кишининг кўкрагига ниш уруб,
Хастаю маъюс этиб, афгор қилмоқ шунчалар.

Тўтийи ширин сухан ағёрларнинг базмида,
Бизга келганда гапирмай зор қилмоқ шунчалар.

Сизга ким айди: мұхаббат аҳлини қил эҳтисоб,
Қўрқутиб ўз айбига иқрор қилмоқ шунчалар.

Келса олдингизга бой сурат, ёқоси тугмалик,
Иzzат ила шоду миннатдор қилмоқ шунчалар.

Гарчи келса эски тўн, биздек дуогўйи фақир,
Камбағалнинг хирқасидин оп қилмоқ шунчалар.

Ҳар балою жабр келса ёнмагай ҳаргиз Муқийм,
Ошиқ аҳлини урубон, хор қилмоқ шунчалар.

МУРАББАЬ

Дилда васлинг эрди умри таманно,
Хаёлингни қилур вақти тамошо,
Ногаҳ ойинага боқиб, нигоро,
Маҳву ҳайронларинг ёдимга тушти.

Фасли баҳор ўлуб, гуллар очилиб,
Ерга сабза бахмал каби ёпилиб,
Машомимга сунбул бўйи хуш келиб,
Зулфи райҳонларинг ёдимга тушти.

Қўлларингдин то нўш эттим паймона,
Гоҳи худ мен, гоҳи бехуд девона,
Ҳар қачонким кўксим қилдим нишона,
Тийри мужгонларинг ёдимга тушти.

Сайр айладим чиқиб дашту саҳролар,
Бошларимга ортиб шури савдолар,
Бисмил учраб кўзга лола, раънолар,
Тифи бурронларинг ёдимга тушти.

Эй яхшилар хайлин нозик миёни,
Гарчанд эрдим ёмонларнинг ёмони,

Базмларда қилган әлдин ниҳони,
Лутфу әҳсонларинг ёдимга тушти.

Не хуш айём экан үшал замонлар,
Бўлур эрдим ҳар дам, жоно, қурбонлар,
Охир мундоғ бўлиб зору сарсонлар,
Ҳар сў жавлонларинг ёдимга тушти.

Эй истиғно фирдавсининг насими,
Ёд этмадинг қадрдан деб қадимиј,
Умид этдим ҳар ердаким, Муқимиј,
Аҳду паймонларинг ёдимга тушти.

* * *

Эмди сандек жоно, жонон қайдадур,
Күриб гул юзингни боғда бандадур,
Сақлай ишқинг токим, жоним тандадур.
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Меҳринг ўти ногаҳ тушди жонларга,
Парвойим йўқ зарра хону монларга,
Лола янглиғ тўлиб бағрим қонларга,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Эртаю кеч фикру зикрим хаёлинг,
Бир сўрмадинг: налар кечти аҳволинг?
Эсларимга тушуб ширин мақолинг,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Воқиф эрмас киши сенинг аслингдин,
Токим десам пари сенинг наслингдин,
Водариғо, жудо бўлдим васлингдин,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Йўқ сан каби малоҳатлик ягона,
Кўрганмукан мисолингни замона,

Бўлиб халқ ичида мундоғ афсона,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Юзларингдин хижил моҳи тобонлар.
Рафторингга шайдо жумла ёронлар,
Қолиб ҳардам ўз ишимга ҳайронлар
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур.

Султонисан, барча хўблар надиминг,
Доим эрдим дуогўйи қадиминг,
Бовужуди сўрмай ўттинг Муқиминг,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

МУХАММАС

Бу чаманда, ғунчай афгоридин айрилмасун,
Сози ҳар маҳфил, дуо қил, торидин айрилмасун,
Бұлса тарсо ҳамки ул, зүнноридин айрилмасун,
Ҳеч ким мендек, илоҳи, ёридин айрилмасун,
Мәхрибон, мунис үшал дилдоридин айрилмасун.

Комжұ ноаҳллар аҳлиға етмай биргина,
Турфа ҳайронликда мен аслиға етмай биргина,
Одами ёким пари наслиға етмай биргина,
Хонумон барбод уруб васлиға етмай биргина,
Маҳруму, маъюсу, йўқу, боридин айрилмасун.

Чарх остида букулди, бұлди қаддим чун ҳилол.
Заъфдин халқе қилурлар соя янглиғ поймол,
Ҳасраты шамъи жамоли қилди фонуси хаёл,
Ҳажр осиби хазонида үтуб шўрида ҳол,
Андалиби мен каби гулзоридин айрилмасун.

Истагони борҳо пайд эрди, айғил зинҳор,
Ютса заҳри мордин қанд эрди, айғил зинҳор.

Жонларим бир умр пайванд эрди, айғил зинҳор,
Қосидо, күнглум қуши банд эрди, айғил зинҳор,
Иш қилиб ким зулфи анбар боридин айрилмасун,

Кимга айтиб, кимга йиғлай мубталолиқ дардини,
Олами қаҳҳатчиликда бенаволиқ дардини.
Оҳ, саргардон кезиб, бераҳнамолиқ дардини,
Дўстлар, курсатмасун ҳаргиз жудолиғ дардини,
Душманинг ҳам булса, ўз ғамхоридин айрилмасун,

Етмади додим, фалакнинг дастидин фарёду дод!
Рўзгорим шоми равшан қилмади субҳи мурод,
Ошно, ёру буродарларда йўқ меҳру вадод,
Бандаи, ёраб, Муқимийдек бўлуб хору касод—
Суду савдодин қолиб, бозоридин айрилмасун.

(ФУРҚАТ ФАЗАЛИГА МУХАММАС)

Гар эмас, эй нозпарвар, кофиристон кўзларинг,
Нега икки мардуминг бадмасту мастанов кўзларинг?
Айлагай хунрезлиқга ҳар сў жавлон кўзларинг,
Тўккали жаллод эрур ишқ аҳлидин қон кўзларинг.
Лабларинг жонбахшу аммо оғатижон кўзларинг.

Кишвари ҳусни малоҳат тахтида, эй подшоҳ,
Сарв қадлар ичра ўтмас сен каби мавзун паноҳ,
Найлайн ошуфталиғдин чекмайин ҳар лаҳза оҳ,
Саҳл агар бўлса паришон дилларим қилсанг нигоҳ,
Қилди оҳуни Хутан даштида сарсон кўзларинг.

Бир назар уммидида йўлингда рўзу шаб ётиб,
Хорлиқлар хори ҳар узвимға хородек ботиб,
Озими迪 ўлғонлиғим заҳри ғами ҳижрон тотиб?
Ногаҳон ошиқларингға тийри мужгонлар отиб,
Рахна дил мулкиға солди номусулмон кўзларинг.

Мақсадингни ғунчасидин дер эдингким, гул қилай,
Софари айшинг майи васлим билан пурмул қилай,

Тобакай мундоғ тағофул айлай, әмди құл қилай,
Бир ишорат бирла дер әрдинг боқиб бисмил қилай,
Бұлмасин ул аҳдидин, ёраб, пушаймон күзларинг.

Қелганингда, дилбаро, ногоҳ оқшом кетмағил,
Күйдуруб күйган юрак-бағримни бирён этмағил,
Сұрмасанг арзимни, додига рақиб ҳам етмағил,
Эй нигоро, сурмани құй, құйма, құйсанг чиқмағил.
Қилмағай ошуби даҳр устига түфөн күзларинг.

Неча муддат, кеча-кундуз күрганинг ағёр әди,
Бу сабабдин қар тукум жисмимда гүё мор әди,
Шом вақтидек Мұқимий рұзгорим тор әди,
Шукр Фурқат, фурқатингда хастау бемор әди,
Бир боқишда айлади дардиға дармон күзларинг.

ХАЖВИЙ АСАРЛАР

[ТАНОБЧИЛАР]

Бүлди таажжуб қизиқ ҳангомалар,
Арз этайин эмди ёзиб номалар.

Адл қулоғила эшит ҳолими,
Зулм қылур, баски, менга золими.

Үн ики ойда келадур бир таноб,
Үзгалара роҳату менга азоб,

Султон Али Хўжа Ҳакимжон икав,
Бири хотун, бириси бўлди куяв,

Иккаласи бўлди чунон иттифоқ,
Гуё хаёл айлаки, (қилмай нифоқ).

Ош есалар ўртада сарсон илик,
Хўжа — чироғ ёғи, Ҳакимжон — пилик.

Бир-бирисиға солишурлар ўрун,
Эртаю кеч ўпишиб оғиз-буурун.

Саллалари бошларида оқ сават,
Күрпача тагда ҳама вақт уч қават,

Бирлари мұлтонинамо, ҳийлагар,
Бирларидур кунда пиху гавда хар.

Оғизлари мақтаниб үн беш қариш,
Майда сухан, әзма (чурук), занчалиш.

Қайсики қишлоққа тушар отидин,
Элни йиғиб, воқиға этар зотидин.

Дерки: «Күзингга ҳали кал жұжаман,
Махдуми аъзамлик ўзим хұжаман.

Бизга бобо ҳазрати Шохлик мазор,
Мұхлисимиз мардуми ушбу диёр.

Ҳам яна Эрқубби бұладур тағо,
Аммамизнинг әрларидур Нурато.

Биби Убайдың бұладур холамиз,
Гоҳ келур әрди кичик боламиз.

Хизр отамларга буродар эрур,
Чимлиғ азизлар манга додар эрур.

Гарчики мен олиму шайхи замон,
Қирқингиза әмди берай бир қозон.

Манки танобингға чиқибман келиб,
Хизматими яхши қилинглар билиб.

Үт қўюбон куйдурадурғон ўзим,
Ҳокимингу ўлдурадурғон ўзим.

Хоҳ танобингни дучандон қилай,
Хоҳ карам бирла бошингни силай»»

Хўжа сўзини мунга бермай қарор,
Мардуми саҳройи бўлур беқарор.

Дерки Ҳакимжони:— «Аё оқсоқол,
Бизни топибсен магарамким ўсол».

«Ҳозир этинг тўрт нафар мардикор,
Тўғри қил, олдимға қилибон қатор.

Арқоними еринга судраб чиқай,
Баччаталоқ қишлоқиларни (урай).

Бир бурайин мўйлабимни чиқиб,
Торт танобини, жазоси, сиқиб!

Яхшилиғингни фуқаро билмагай,
Ҳоли булар кўзга бизи илмагай.

Икки танобини қилай ўн таноб,
Юртингизи куйдурууб айлай хароб.

Хоҳ ўлинг, хоҳ қолинг баччағар».
Дебки, узангуга оёгин тирав.

Бир-бирига қишлоқ эли боқишиб,
Гоҳ ўён, гоҳ буён чопишиб,

Жамъ бўлуб айлаюбон маслаҳат:
— «Дўғмаға, дер, бир нима бериб жўнат».

Ақча қўлида икки-уч мўйсафид
Дерки:— «Бу назрингизу, бизлар мурид».

Зулм билан эллику юзни олур,
Боз танобини дучандон солур.

Тоғи булар яхшию, бизлар ёмон,
Эл тамизидин ҳазар эт, алъамон.

* * *

Ўзга яна гусса будурким дейин,
Шунчаки бир қисса булардин кейин:

Қўшти Жалолхон деган ўғлин манга,
Деди:— «Руқум ўргатасиз, сиз анга».

Юклади ўғлини манга, муҳтасар,
Бу дағи ортиқча [менга дардисар]...

Сўзни Муқимий керак этмак тамом,
Маззаси қолмас узун ўлса калом.

МАСКОВЧИ БОЙ ТАЪРИФИДА

Ҳикоят қиласай, турфа даврон экан.
Ҳалойиқ ҳама маҳву ҳайрон экан.

Чиқиб янги масковчидин бойлар.
Синар ўтмайин баъзиси ойлар.

Хусусанки эшони Ҳоди хўжам,
Йўқ оғзида қарзини ваҳмида нам.

Керак берса Масковга бир лак, қани,
Битиб ваъдаи пул [ўзи мұлтани].

Дер эрмишки, ўрусқа нисфин берай,
Келар йилга ярмига муҳлат сўрай.

Қачон бўлмаган гап қабул айласин,
Муқаррап дегайким, печат байласин.

Мунинг устига қарзидур Андижон,
Қим, ўз халқидин — барчадин бу ёмон.

Бу ҳам қирқ минг сүм әмиш, деди қарз,
Үтуб ваъдаси берсалар вақти фарз.

Нетармиз, дебон қистамас эл пулин,
— Берурман,— деса,— сүмiga ўн тийин.

Чунончи хужам, Пошшо хўжани
Чу Масков юборган билан, мол қани?

Фабрикантлар ваъдага молини
Беришмай, деди йифлаб аҳволини.

Бориб мол учун, мол ололмай келиш,
Ёмон, аҳли тужжорга мушкил иш.

Олиб сулсини ақчасин хўжайин,
Бериб мол конторга қилди тайин.

Олай деса, конторда йўқ бир фақир,
Деса: олмайин, ул заколат куйир.

Бу савдо билан бошида кечқурун,
Борур кўхи орқасидин, ё бурун.

Қочиб кетди маччойилар аксари,
Бориб, шулки юртига таъкидлари:

— «Саройики ў бошадаш зинҳор,
Дар онжо марав, мемурӣ, эй табор»¹.

¹ «Зинҳор у бўлган саройига бора кўрма, ўласан эй қариндош»

Сарой эгаси камбағал Бобожон,
Құрар тожике йүқ, бұлур тоза қон.

Очилгач келиб әртаси ҳужраси,
Қилур жангу жанжал ҳар әртаси:

— «Кұтартмакка юк деб, малай сақласам,
Ұзига дегай, ишлатурлар акам».

Үрсуга ижора қүйіб зовутин,
Борур әди ишлик булиб, чиқди кун.

Чиқиб қочди бир-бир ҳама мардикор,
Күпес қолди бу сирга ҳайрону зор.

Топиб мардикорини —«Сейчас юринг,
Пажолиста,— дер әрди,— әмди туринг».

Деди:— «ҳар куни берсанг үн сүм ҳам,
Борилмайди, қүй зовутингни, хұжам».

Дубора яна борди бир ишга шул,
Сүкиб —«нет,— деди,— келма дуррак, пошёл»!

Хұқанд ичра әсизгина ҳавлилар,
Қелиб икки минг ақчага сотдилар.

Олур әрди уч-түрт мингга, қаранг,
Нетар, булса қарзига үлгунча танг?

Үзи оқшом ҳовлисида ҳар кими,
Құрар келди эшон, қочар одами.

Агар борсалар қайси ҳаммомга
Чиқар ходимийлар қочиб томга.

Сабаб сұрди ҳаммомчи қочқонидин,
Дедиларки:—«Биз кечтүк әхсонидин...»

Беріб арза маъмурға:—«Эй ҳокимим,
— Деди,— бор түққиз юз олтмиш сүмим».

Олиб буйруқ отига Хайруллахон,
Шариатга қамту үтурған замон,

Келиб қолди үзига ногаҳ қасам,
Сариҳ бўлди ёғонлиги муттаҳам.

Қизини олиб гўркави шўрлик.
Турушлик тушиб, бўлмади жўрлик...

Деди оҳ уриб:—«Бўлса эр ҳоли бу»,
Фигонидин эл ичра тушди фулу.

— «Дарифоки, баҳтим қаро бўлмаса,
Санга тушмас эрдим худо урмаса».

Чиқиб иchlарида ниҳон қотишиб,
Базўр қўйди ҳамсоялар босишиб.

Вале растанда савлатин кўрсангиз,
Ким, арзийди шайхи замон билсангиз.

От устида мардум қилурлар гумон,
Мударислари «Бег»ни, деб Тош эшон.

Амома бошида, сафид жомалар,
Хаёл айлагайсизки алломалар.

Қилиб мухтасар, сұзни қилдим тамом,
Малол овар ўлғай чұзулған калом.

[ТҮЙ]

Эшитинг бир ҳикоя Иқондин,
Түй ночор қилди ёлғондин.

Хұжайин берди Тошканндин тил:
«Түй қилар бұлсанг қўй үзингга кафил.

Үғлингизни,— дедики,— қилманг түй,
Балки от тезагини қилманг бўй.

Не керак сизга тўй қилмоқлик,
Керилиб обрўй қилмоқлик.

Гар десангиз мени қозон қурманг,

· · · · ·

Ман ризомас кишига нон берсанг,
Ё товуқ сақласангу дон берсанг.

Туйнугингдин агарда чиқса тутун,
Мунда бер дастмояларни бутун.

Бұлса уммидингиз агар биздин,
Манфаат күрмасин биров сиздин.»

Ушбу мазмунда қоқди сим хұжайин,
Шод бұлуб әр, хотин деди: «Үлайин!»

Соф ният сувики лойланса,
Не ажаб хайр әшиги бойланса.

Кичигу катта, хұрд ила реза
Қилдилар бир-бирға истеза.

Үй ичи — үрнига үюн-кулгу,
Юлушиб юз, йифи-сифи, қайфу.

Ташқарыда қимирлаган әркак
Бир-бировига аччиғу жиртак.

Түйга үз тухмидин хотун демади,
Аччиғидин отаси ош емади.

Түй-тамошо азога айланди,
Бил-ахир турди, күйди ёнди.

Қүй олиб сүйди арриғ уч сүмга,
Үрди гүшт ила ёғини хумга.

Уч кишини маҳалладин оқшом
Чарлади, келди олдириб илдом.

Отларини дейин, десанг — ким-ким?
Сартарош, Күр ҳожи, Сайид Қосим.

Үртага қўйди калласин чиқариб,
«Қўргузинг маслаҳат»— деди, қизариб.

Бираав ундоғ деди, бираав мундоғ.
Элда айтур чунончи ким тўмтоғ.

Машварат айлашиб ҳоришидилар,
Неча ерга ўчоқ қозишидилар.

Оқибат маслаҳат бу ерга қарор
Топтиким, чиқдилар секин бозор.

Қаллага еткудек биринж ила ёғ,
Келдилар олишиб учида оёғ.

Ис чиқормасдин ошни дамладилар,
Анга лойик тўқузни ғамладилар.

Ўчоқ устида гар йўталса бираав,
Ер эди елкасига катта кўсав.

Бири қаттиқ чиқарса овозин,
Билмасун қўшни, деб, тутуб оғзин.

Қўшнилар ҳам солурлар эрди қулоқ,
Асарин топмас эрди дегу табоқ,

Дейдиган одамин тутуб номин,
Деди: есин келиб ошу ионин.

Етти одамни ўз маҳалласидин,
Қорни тўқ, янги тўн, басалласидин.

Деди шовқунламай имо уйидин,
Мундин, ундин, юқоридин, қыйидин.

Кирдилар түйга қўл ювуб, дегани:
— «Хайра мақдам»— деб, ўтқизиб ҳамани.

«Тўй муборак» дейишти пешу пас,
Деди — «Мундоғ деманг, бу тўй эрмас!

Яхшилар — қилди тўй — деманг зинҳор,
Хўб бўлмас эшитса хешу табор.

Билсалар бойлар — аҳли расталарим,
Ичларида қийин кейин юрарим.

Нима кўп менда — ёру ошно кўп,
Бой кўп, шайху хожа, мулло кўп.

Етса ногаҳ қулоқларига бу гап,
Обрўйим кетиб қолур-да тугаб.

Мен бир одамнинг одамию малай».
Занчалиш, эзма ҳам чўзилди талай.

Тўйга кирган ўшал беш-үн одам,
Деди:— «Хўб гап замонада шул ҳам».

Солди алқисса эски дастурхон,
Қўйди сойил каби неча хил нон.

Бириси юмшоғу бири қотган,
Бири иссиқ, бири моғор отган,

Енг учида қўюлди тўққуз нон,
Кулчалар тошки, синдирур дандон,

Сузди ош бир ликавда уч кишидин,
Кетти ошни кўруб, ҳама ҳушидин.

Ош мисоли табақда кўз ёши,
Курмаги кўп гуринчидин тоши.

Бир оғиз эмди олдилар янги,
Чиқди лаппак табақ ўза чанги.

Фотиҳа жаҳл ила ўқушди туруб,
Келдилар тўйдин уйга, оч кекуруб.

— «Икки юз сўм бўлурми, деб, ширавор?»
Бўлғани шул тўйининг охири кор.

Борҳо айтур эрди тўйларда,
Ёру дустига кучакўйларда:

— «Қирқ чорак гурунч олай дейман,
Яна тўйимга етмагай дейман.

Хотирим жамъ тўғрисидин унум,
Қамлигим бир сўқум билан ўтунум,

Бошласам тўй агар қозонни қуруб,
Ўтказинг ўзингиз бошида туруб».

Йуқ бириси-да бу деганларидин,
Гўққузу ошларин еганларидин,

Кучакарваз тўй куни занжир,
Тўқти мискин, гадо йўлиға қир,

«Хатми қуръон» қўюлди тўйининг оти,
Бўлса шундоғ бўлурмиди ўёти?!

Урди чўт сарфига тўй ўтганда,
Тузгача жамъи ўттуз уч танга.

Ушбу сўзлар Муқим, эмас ёлғон,
Қўну-қўшниси шоҳиду бурҳон.

Мухтасар бўлди топти сўз анжом,
Аддуо, вассалому нома тамом.

[А В Л И ё]

Бошларида шапка гоҳи, гоҳ дастор авлиё,
Құлларида субҳаю бўйнида зуннор авлиё,

«Тавба» денг охир замона чиқса бу янглиғ чибок,
Ҳар [хотинға] ошиқу ҳар [қизға] хуштор авлиё.

Шул эрур кашфу каромотики бўйлаб субҳу шом,
Чиқса ҳар ердин бир ис ҳозир хабардор авлиё.

Доимо бепарда сўз халқ ичра айтур беибо,
Бўлмағай деб қўрқаман ногоҳ сангсор авлиё.

Тоза илгини ювиб, сайдур ҳалол англаб гумон,
Учраса ҳар ердаким макруҳу мурдор авлиё.

Гар муқаллид бўлса пўстун бирла тоқат қилмасанг,
Муз қизиқлиқлар ёғар тақлидидин қор авлиё.

[Гавдасидин] йўқ бўлак оғирлиғи дунёда ҳеч,
Охират сори сафар қилса сабукбор авлиё.

Филҳақиқат бўлма ғафлатдин бадандиша,
Муқийм,
Баски шуҳрат топти расвониқда бисёр авлиё.

[Б А Ч Ч А Г А Р]

Махзани холи даҳан, тил мор гүё баччағар,
Заҳри қотил сұхбати, монанди дунё баччағар.

Дангаса, номардлик майдонида сарпо улуғ,
Муттаҳамлик дафтариң бошида туғро баччағар,

Ис чиқорғон ерда ҳозир мисли шайтон, ҳамтабақ,
Қанча сұксандың, шунча шилқим, турфа суллоҳ
баччағар.

Ботини чүян қозон, қайнар ицида реву ранг,
Зоҳири бир сұғи сурат, құлда ассо баччағар.

Етқузуб тилсанг бандың қорнидин чиқмас алиф,
Саллани күрган киши дер:—«Катта мулло
баччағар».

Ҳалқада мундин бұлак болонишин йўқ охири,
Қилмағай деб құрқаман ҳазратга даъво баччағар.

Нече муддат йўқ эди, ул қайданам ҳозир бұлиб,
Ош аруса ҳангираб, күп қилди ғавғо баччағар

Шунча қўйнинг пўрдағу пўсдунбасин ўғирлади,
Тозалаб Мингтепасига қилди савғо баччағар.

Сурмалар тортиб қачон кўрсанг кўзига, доимо
Ўзга бергай, қулида ойина, оро баччағар.

Бир пучак пул хайр ногоҳ бир гадо қилса тамаъ
Истаган янглиғ вужудин анқо баччағар.

Меравад ҳаржо шикамро маҳз пуркардан, дигар —
Нест парвойи ғами имрӯзу фардо баччағар¹.

Кир ювуб мағзобасини кўпугин олур йигиб,
Рўзада қўйфай отин қандин нишолло баччағар.

Илгари филжумла номусу ҳаёси бор эди,
Қайси кун ҳаждинки келди, бўлди расво баччағар.

Борса ҳар ерда уруб, беҳуда ёлғон — лофу қоф
Дерки:—«Султон берди менга етти тилло»,
баччағар.

Билмам одам шаклида юрган «умми сибён» мукин,
Отини тутсанг агар, ҳар ерда пайдо баччағар.

Гар асо тутса қўлиға, сиз ани айб айламанг,
Воқианким, кўзи очиқ, ботин аъмо баччағар.

¹ «Ҳар бир ерга у фақт қорнини тўйдириш учун боради, унинг бундан бошқа на буқун ва на эрта тўғрисида парвойи йўқ».

Қилмас эрдим ҳажв, ночор айладимким, ўқушиб,
Аҳли донишга бўлур деб дафъи савдо, баччағар.

Ҳеч кимни баччағар деб бўлмагай, то бул тирик,
Мундин ўзга баччағар йўқ, ўзи танҳо баччағар.

Эй Муқимий, сендин озори бирорга етмасин
Душманинг ҳам бўлса ҳаргиз дема асло баччағар.

[В Е К С И Л]

Мастур қолмағайким: сұзнинг йұғони чиқди,
Олтариқлари ҳам вексилни кони чиқди.
Заводни битказалмай эшонни жони чиқди.
Афсус, эй халойиқ, ишлар ёмони чиқди,
Охир замона маълум бўлди, нишони чиқди.

Ҳар ишки халқимизга ҳокимлар этса фармон,
Қилмай иложи йүқтур душвору хоҳи осон,
Нуқра-кумушларидин бойлар хижил, пушаймон,
Юз дод қилмасунму бечораи мусулмон,
Ҳар тангада миридин яққол зиёни чиқди.

Банд ўлди—олди-сотди, фуқароларингни бил, деб,
Пуллар жаримасини қылсанг әкан, баҳил, деб,
Бозору бай очолмай қишлоғу шаҳр сил, деб,
Арз этдилар халойиқ ҳокимга: ҳукм қил деб,
Қирқ кунда уч миридин буйруқ дегони чиқди.

¹ Бу мухаммасни Муқимий Завқий билан бирликда ёзган.

Диққат ҳама сотолмай, ё бир нима олурға,
Қассоб етди үзни гүшт үрнига тилурға,
Солган қулоқларини эл гап недур билурға,
Бозор аҳли ҳайрон савдо-сотиқ қилурға,
Сүйи самога йиғлаб косиб фифони чиқди.

Халқики камбағаллар гүёки ғалтак үлди,
Үлганин устига ҳам бир неча калтак үлди,
Бу воқиа, Муқимий ҳар ерда дастак үлди,
Пул — дабба, нарх — қиймат устига пустак үлди,
Пүстак [белига] боғлаб Завқий баёни чиқди.

[ХАПАЛАК ҚИШЛОГИ ТҮӨРИСИДА]

(Махмур ғазалига мухаммас)

Күрди сандек шаҳи одилни на инсу на малак,
Арранинг зулмидин эмин ҳама боғу чакалак,
Янги ой кўзига хасмингни отурға камалак,
Эй жаҳондори зафар кавкабай даври фалак,
Эшитинг қиссаи қишлоғи хароби Ҳапалак.

Гаждуму афъио бий, ўтласа чаррандалари,
Бир гала мўру малаҳ, бўрию даррандалари,
Улдуур чақса мабодо кана, газандалари,
Турфа қишлоқ, жин урган ани паррандалари,
Товуғи — игначию, ўрдагу ғози — капалак.

Чуғзи вайрона тешик, уйлари суроҳи камар,
Фижи-биж тулкию кирпитикону эчкиэмар,
Ўтга қўшнига чиқиб, бир кечаси йўлда тунар,
Тепага чиқса киши, ундаю мунда кўринар:
Бир ката, икки ката, уч олачуқ, тўрт каталак.

Чопишур янтоғ ўтун марду зан иссиқда куюб,
Ер зорора нонини, топса отин қанд қўюб,

Жази йўқ шўрва каду ейдуган ошида суюб,
Ажириқ илдизини майдада келиларда тууб,
Қайнатиб кунда ичар, отини дерлар сумалак.

Отлари лоғару, қоқиу харобиу хариш,
Раҳм қилмай минадур икки қадам жавр миниш,
Очилур оғзи десангизда вузу фул қилиш,
Чўл, йўқ қатраи сув, катта-кичик ёзу қиш
Қўлини қумга ювиб, (ортига) сурттар гувалак.

Кўрпача тагда қомиш, бошларида болиш увот,
Нару мода аралаш, билмас алар айбу ўёт,
Соқову гунг сўфи, йўқтур имомида савод,
Масжиди ертула, бир эски қоронғу зулумот,
Кўр қилур кўзга уруб кирса киши кўршапалак.

Кўчти халқи ёпиниб кўхна, увода тўнини,
Чархдин ўткаришиб оҳу фифону унини,
Солмасун душмана ҳам бошиға келган кунини,
Кечча ногаҳ эшитиб шуҳрати тилло пулинни,
Ҳапалак қўрқишидин учти мисоли капалак.

Бўлса ул хисрави жам жоҳ карамдин не ажаб.
Фуқаро ҳолидин огоҳ, карамдин не ажаб,
Ҳам Муқимин сўраса, гоҳ карамдин не ажаб,
Кечса Махмурин учун шоҳ карамдин не ажаб,
Ҳапалак юртиға тушган пул агарчи лак-лак.

[САЙЛОВ]

Қачонким бұлди ҳоким амри бирлан ибтидо сайлов,
Амалдор аҳли бошиға бұлуб келди бало сайлов.

Тераклар баргидек титраб жамии қози, мингбоши,
Дегайларким: юзини тескари қил, эй худо, сайлов.

Сочиб қарзу қавола, пул күтариб истаюб мансаб,
Бұлолмай күп кишини синдируб, қилди гадо сайлов.

Агар минг хатми қуръон этсалар қўйлар сўйиб арзир,
Ўлумдин қолди қолганлар, бұлуб эрди вабо сайлов.

Олурға пора әлликбошилар мингбоши, қозидин,
Ижобат бұлди, бұлди айлар эрдилар дуо сайлов.

Талоши жоҳ айлаб, от чопиб, олмай дами ором,
Мусулмонларни рангин айлади чун каҳрабо сайлов.

Муқимий оғриди бошлар халойиқ гуфту гўйидин,
Шаҳар тинчиб қолурди, бұлса-чи әмди адо сайлов.

[АХТАРИНГ]

Подшоҳ йўқлатсалар ногаҳ, гадо деб ахтаринг,
Тутмангиз номимни, бир баҳти қаро, деб ахтаринг.

Қимса билмайдур мани, ному наасаб қилсан баён,
Лола янглиғ доғи ғамга мубтало, деб ахтаринг.

Лайли топғил, десалар, Мажнуни саргардонини,
Кўзларининг ёшидур ранги хино, деб ахтаринг.

Истаган чоғда топай деб, бўлса кўнгулда хаёл,
Қоматидур бори меҳнатдин дуто, деб ахтаринг.

Ҳажр водисида кезгай доимоким хублар,
Ҳокипойидур кўзиға тўтиё, деб ахтаринг.

Бир шакарлаб, зулмпарвар ҳасратидин, дўстлар,
Умрлар умри ҷароғи беziё, деб ахтаринг.

Даҳр зулмидин сиришки тинмай оқиб айланур,
Чарх жавридин бошида осиё, деб ахтаринг.

Толии шум, вожгун баҳту ғизоси дарду ғам,
Нотавон мўри заифи бенаво деб ахтаринг.

Ёр васлига етолмай қолмиш улкунким Муқим,
Ушбу боисдин ўлумига ризо, деб ахтаринг.

[А С Р О Р Қ У Л]

Садқаи одам кету юз ҳайфсан, Асрорқул,
Заҳр ичган, кийганинг бұлсун кафан, Асрорқул.

Қайдаким борсанг чекиб әлдин уқубатлар мудом,
Бүйнинга ҳар ерда солсуналар расан, Асрорқул.

Зоҳири сўғинамо, оқ тўн билан дасторлар,
Ботини лекии қаро деги чўян, Асрорқул.

Тўй-зиёфатларда умрида тамоқ еб тўймаган,
Хазм этолмай эртаси урган ҳасан, Асрорқул.

Янгиқўрғон борса Махдумхон бўлиб қўшхонаси,
Демаган ой-ой туриб ҳам, кетаман, Асрорқул.

Ҳайф Махдумхонки бўлмиш улфати охир чоғи,
Бўйла бадбў, баднамо, сассиқ сухан, Асрорқул.

Чарх игирсанг уйда лозим кучани қилмай ҳавас,
Суратинг ҳам чун лачаксиз бева зан, Асрорқул.

Манқаси оққан палид, ифлоским макруҳ табъ,
Ош еса беш панжа доим дар даҳан, Асрорқул.

Бор экан деб келмасун, одам, гадо деб бир умр,
Устидин дарвозасини қулфлаган, Асрорқул.

Саллаи ҳиротию, уст-бошлари навъи силиқ,
Юзни совунлаб ўзини сирлаган, Асрорқул.

Панд берур санга — Муқимий — ушбу сўз, ҳажв
айласам,
Бош олиб кетсанг керак бу шаҳрдан, Асрорқул.

САЕХАТНОМА

[Құқондан Шоқимардонга]

Фарәдким, гардуни дун,
Айлар юрак бағримни хун,
Күрдики бир аҳли фунун,
Чарх анга кажрафтор экан.

Қолмай шаҳарда тоқатим,
Қишлоқ чиқардим одатим,
Хоҳи яев, бұлсун отим,
Гаҳ сайр ҳам даркор экан.

«Үлтарма»га қилдим юруш,
Йұлдош әди бир читфуруш,
Етдим жадаллаб вақти туш,
Бирдам қизиқ бозор экан.

Бир маърака күрдим бутун,
Жамъи ёпинган бошга тұн,
Боқсамки, беш юзча хотун,
Воиз сүзин тинглор экан.

Мингбошилик кимнинг иши,
Десам, деди бедениши,

Бир «Құштегирмонлик» киши,
Хұжа Исо бадкор экан.

Мағур, хасису бешу кам,
Хар гапда юз ичгай қасам,
Такжой олур моховданам,
Хожи үзи мурдор экан.

«Дұрманча»га кетдим үтуб,
Еқамни қар соат тутуб,
Етдим ул оқшом ғам ютуб,
Дашти қароқчизор экан.

Унда бұлус Фози деди,
Хам муфти, ҳам қози деди,
Юрт — барча норози деди,
Қылғон иши озор экан.

Боз издиҳоми воизи,
Бадкайф очилмас күзи,
Юқори бошиндин тизи,
Эрмаклари күкнор экан.

Сұрсаң дедилар «Бұрбалиқ»,
Бирмунча әчкілар ариқ,
Келса киши еяр тариқ,
Шому саңар тайёр экан.

«Оқ ер»дан үтдим, бойлари —
Олий иморат жойлари,
Меҳмонсиз үткай ойлари,
Келса бирор ночор экан.

Аммо назарда «Рошидон»
Фирдавс боғидин нишон,

Үйнаб оқар оби равон,
Саҳни гулу гулзор экан.

Маъюс бордим «Зоҳидон»,
Бир кӯча кетгунча дўкон,
Шўх одами, ичмай пиён,
Маст, отаси безор экан.

Сувлар сепилган сўрилар,
Бўрланган ўчоқ-мўрилар,
Табъинг мабодо чой тилар,
Дамлашлари ишқор экан.

«Олтиариқ» қурсин ўшал,
Селларда қолдим бир маҳал,
Бўлдим ивиб ёмғурда шал,
Тўн шилта, ҳўл эзор экан.

Мингбошиси сўфинамо,
Тасбиҳу бўйнида ридо,
Чўқуб қочар зоғи ало,
Бир доғули айёр экан.

Хайру сахо важҳига кар,
Бир пулни юз ердин тугар,
Келса гадой ногаҳ агар,
Бир нон чиқиш душвор экан.

Қўрдим чуқур «Чимён» эрур,
Ер остида зиндан эрур,
Душманлари меҳмон эрур,
Боғи унинг тутзор экан.

«Водил» мақоми дилфизо,
Кўчаларидур дилкушо,

Анҳорида оби сафо,
Себарга, обишор экан.

[Құқондан Фарғонага]

Чун шаҳрдин чиқдим «Қудаш»,
Қўнгул бўлуб маҳзуну ғаш,
Мажнун сифат, девонаваш,
Серчашмаю кам чанг экан.

«Яйған» агарчи хушҳаво,
Одамлари енгилнамо,
Бир-бирларила доимо,
Бўлар-бўмасга жанг экан.

«Нурсух» каби бир жой кам,
Түшмай ўтуб қилди алам,
Олма, анор ўрнига ҳам
Боғида току занг экан.

Қўп одамидин «Бешариқ»,
Боғларда экмишлар тариқ.
Етим ҳақи — тўшти балиқ,
Қилмишлари найранг экан.

Чарчашини билмас юрсалар,
Пурзўр кетмон урсалар,
Вақти намозга келсалар,
Масжид сорига ланг экан.

«Рафқон» ажойиб жой экан,
Бир кўча кетган сой экан.

Салқин суфа ҳой-ҳой экан;
Ким күрса ҳангу манг экан.


Озодадин тұпори күп,
Дукчысидин аттори күп,
Чойхұридин құкнори күп,
Бир раста носу банг экан.

Айвончалар мисли катак,
Бир йұлки, одам сиққудак,
Чит бирла бир ерда алак,
Бозори тору танг экан.

Хуфтонда кирдим бир дүкон,
Қилди ашула бир жувон,
Әшак деманг, ундин ёмон,
Хангарда яхши ҳант экан.

Қийғир күттарған уч йигит,
Ухлатмадилар бир минит,
Ҳам бошда тонг откунча ит,
Фингшиб чиқиб, ванг-ванг экан.

Айлай саёчат энди бас,
«Конибодом» қилмай ҳавас,
Ҳар ерда ётган хору хас,
Құзга тикан якранг экан.





ФУРҚАТ (1858—1909)

Ў

збек классик адабиёти тарихида янги саҳифа очиш бахтига
эришган истеъдодлардан бири машҳур маърифатпарвар-~~и~~ шоир Фурқатdir.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат 1858 йилда Қўқон
шаҳрида майда савдогар оиласида дунёга келади. Бошлангич
маълумотни замонасиning мактабларида олади, сўнгра мадрасада
ўқийди. Зокиржон ёш чоғлариданоқ улуғ Алишер Навоий асарла-
рини мароқ билан мутолаа қиласди. Шарқ адабиётининг порлоқ
сиймоларидан Ҳофиз Шерозий, Фаридиддин Аттор, Абдураҳмон
Жомий, Фузулий асарларини ўқиб тарбияланади. Турмуш қийин-
чиликлари 17 ёшли Зокиржонни мадрасадаги ўқиши ҳам, узлук-
сиз ижодий ишни ҳам тұхтатишга мажбур этади, у аввал отасининг

савдо ишларига кўмаклашади, сўнгра Янги Марғилонга бориб, тоғасининг дўконида хизмат қиласди.

Зокиржон Фурқат 1882 йилда Қўқонга қайтиб келади ва Мұқимий, Завқий каби шоирлар билан яқиндан танишади, Шу кездан бошлаб, лирик шоир Фурқат ижодида, унинг фикр ва түйғуларида меҳнаткаш халқнинг кечмиш-кечирмишлари асосий ўринни эгаллай бошлади.

1889 йилнинг май ойида Зокиржон Фурқат Тошкентга келиб, Кўкаaldoш мадрасасининг ҳужрасида икки йил яшайди. Тошкентда Фурқатнинг ижодий фаолиятидаги энг ёрқин, энг маҳсулдор давр бошланади. Тошкентда шоир ҳаёти билан яқиндан танишуви натижасида, ўзбек халқининг сиёсий ва маданий жиҳатдан орқада қолганлигини, илфор маданияти ва адабиётининг буюк маърифатпарвар моҳиятини, жамият тараққиёти қонунларини чуқурроқ тушунади. Уз халқини илм ва маърифатга ундовчи, рус халқи билан дўстликка чақирувчи шоирнинг мардона овози баланд янграйди. Табиий, Фурқатнинг бу каби ғояларни ташувчи ҳар байти озодлик ва тараққёт душманларига — мамлакатдаги реакцион кучларга қарши отилган ўқ эди. Шунга кўра Зокиржон Фурқатга Тошкентда ҳам тинчлик бермайдилар. У 1891 йилнинг баҳорида Самарқандга бориб, сўнгра севикили ватанидан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Фурқат 1892—1894 йиллар мобайнинда Туркия, Арабистон, Ҳиндистон мамлакатларини кезиб, кейин Қашқарга ўтади ва Ёркентда турғун булиб яшайди.

Зокиржон Фурқат ўз ватанида шодлик кўрмаганидай, чет әлларда ҳам тинчлик, хурсандлик топмади. У ватан муҳаббатини ва халқ қудратини тараннум этувчи, дўстлик, гуманизм ва озодликни севиши ғояларини ташувчи гузал асарлар яратди.

Буюк маърифатпарвар-шоир Зокиржон Фурқат 1909 йилда, ватанидан узоқда, Ёркент шаҳрида вафот этган.



ЗОКИРЖОН ХОЛМУҲАММАД ӮГЛИ ФУРКАТ



ФАЗАЛ

* * *

Баҳор айёмида гул гашт этарга бир чаман бўлса,
Қилурға шарҳи ҳол аҳли муҳаббат икки тан бўлса,

Хазон айёмида ул тавба қилғон бўлса ҳам майдин,
Етиб майхораликнинг мавсуми, паймоншикан
бўлса.

Булат қатра фишону руҳафзо сабзалар хандон,
Ариғларнинг лабида сабзакори бир чаман бўлса.

Хаво ҳам мұтадил, ҳавзи мусаффо, суфған
дилкаш.
Оқар сув ғалт уруб, себарга узра мавждан бұлса.

Сабайи лаъл бирлан шишаи байзоу олтун жом,
Үшал мажлисда соқий бир нигори сиймтан бұлса.

Гул узра андалибу сарвнинг бошида қумрилар
Юзу қад ҳасратидин оху фарёд айлаган бұлса...

Киши тубию кавсар, жаннату рузронни не қылсун,
Жаҳон айвонида ҳосил бу янглиғ анжуман бұлса.

Суруру шодликни даҳр боғида нечук күргай,
Қамина Фурқатийнинг маскани байтул-ҳазан бұлса.

* * *

Мунча золим бўлмиш ул хунрез тарсо кўзларинг,
Ким солур ислом элиға онча яғмо кўзларинг.

Ҳалқаи зулфинг кўнгулларни саросар банд этиб,
Қатлима тортар қошингдин тифи бурро кўзларинг.

Кеткил улён деб ишорат қилса ҳар гаҳ қошлиниг.
Кел бери деб айлашур оҳиста иймо кўзларинг.

Майдин эрмас ул киши, жоно, сияҳ маст ўлмоғи,
Қўрди бир ғамза ҳариғи нашъя паймо кўзларинг.

Хирқаи зуҳдумни ҳуснинг панжасидин чок этиб,
Офият аҳли қошида қилди расво кўзларинг.

Айлаганда настаран кўзгусини ҳайрон юзинг,
Интизор этмас нечук нарғисни шаҳло кўзларинг?

Не учун дашту биёбонларни тинмасдин кезар,
Қилмағон бұлса агар оқуни шайдо күзларинг.

Қилди Фурқатни харобу хастау зору забун,
Холу хаттинг, қадду рухсоринг, на танҳо күзларинг.

* * *

Одам эрмас ҳар киши гар айламас ёд Андижон,
Чўх мусофири хотирин айлаб тураг шод Андижон.

Ақл чашми бирла боқсун зи-басорат ўлса ким,
Балдаи маҳруси Хўқанд ичра обод Андижон.

Шомдин то Рум ўз маҳруйин айлаб жилвагар,
Мисрға еткурди бу маънида ирод Андижон.

Оташин кишили мулки Русия сайд айлагач,
Оҳи дард олуд ила дер эрди шаҳзод Андижон.

Дўна-дўна ҳамраҳина дер бу ишда ҳақ тонуқ,
Этти ҳасратга бани албатта мұттод Андижон.

Тарк ўлмаз соқийи гулчеҳра бирла бодаси,
Отқуча то субҳи маҳшар базм ижод Андижон.

Умри кечсун дашт аро Мажнун каби ҳар кимсай
Қадриға етмай эдар ўлса ёмон од Андижон.

Ўзга мулк одамлари, харгиз таарруз этмангиз,
Банда имдодидин эрмас, ул худодод Андижон.

Баски бир Юсуф каби ширин адони ишқида
Гўстарур Фурқат сенингдек неча Фарҳод
Андижон.

* * *

Тушуб бошимға кулфат лаҳза-лаҳза,
Чекармен ранжу ҳасрат лаҳза-лаҳза.

Нетай, бермас амон даврон жафоси,
Магар ғам бўлди қисмат лаҳза-лаҳза.

Бало дайрида ҳижрон соқисидин,
Ичармен жоми ҳасрат лаҳза-лаҳза.

Нетай, жавридин ўлса рўзи равшан,
Қўзумга бўйла зулмат лаҳза-лаҳза.

Сиришким ўрнидин эзган жигарлар,
Оқар соат басоат лаҳза-лаҳза.

Фами ҳижрон ҳужум айлаб дамодам,
Чекар тифи балият лаҳза-лаҳза.

Мақомим бўлди саҳро лола янглиғ,
Юракда доғи Фурқат лаҳза-лаҳза.

* * *

Билмадинг аҳволим ишқим ошкор ўлган кеча,
Ҳар замон ўздин кетиб беихтиёр ўлган кеча.

Ҳоли зоримни кўруб сўрганда ҳам аҳбоблар,
Демадингму: мен учун кўп интизор ўлган кеча.

Қўкка оҳим еткуруб тонг откуча мен йиғладим,
Ул рақиби русияҳ сен бирла ёр ўлган кеча.

Сўзи ҳажринг бу эрур, лекин буқун андин батар,
Нечаким жисмим куюб андоқ шарор ўлган кеча.

Масти бехуд бўлдум, эй аҳбоблар, май базмида,
Мисли соғарким насибим лаъли ёр ўлган кеча.

Шамъ янглиғ ўртаниб ёнди жамолинг шавқида,
Мисли парвона сени ҳуснунгға зор ўлган кеча.

Кунжи лаб бирла табассум айладинг бир йўл боқиб,
Мастлиқдин Фурқатийга шармсор ўлган кеча.

Кошки бир ерда бўлсак эрди жонон иккимиз,
Кўзи шум ағёrlардин анда пинҳон иккимиз.

Ҳар замон даврон жафосидин қилибон бода нўш,
Мастликдин айласак қайфуни яксон иккимиз,

Ул замон сайри гулистон айласак қўл ушлашиб,
Рашқдин айлаб гулбулни яксон иккимиз.

Даҳрнинг озоридин масти хароботий бўлуб,
Тарки ҳуш айлаб бўлуб ул ерда ҳайрон иккимиз.

Қумриларни доги ҳижронга гирифтор айлабон,
Ерга помол айласак сарви хиромон иккимиз.

Ногаҳондин азми бозор айлаб, эй жон, шавқ ила,
Солиб олам элигэ кўп шўри тӯфон иккимиз.

Қамтарин Фурқат бу янглиғ муддаоға етмади,
Кошки бир ерда бўлсак эрди жонон иккимиз.

* * *

Не жафолар чекмадим бир бевафо дилдор учун,
Не балолар күрмадим аҳди бузуғ бир ёр учун.

Құчаларда зор йиғлаб үйла Мажнун дилфиғор,
Әл аро афсона бўлдум ул пари рухсор учун.

Хаста булбул боғ аро беҳуда ағфон чекмади,
Балки чекти кеча-кундуз гулға ҳамдам хор учун.

Шул умидим ул санамдин бор бўлмоқдин на суд,
Қайрилиб бир боқмаса мен хастаи ағфор учун.

Пойбўсин ахтариб монанди туфроқ үлмишам,
Хор бўлмоқ шунчалардур бир гули бехор учун.

Ёрдин шиква на ҳожат, лаҳза-лаҳза бошима,
Бўйла савдоларни солди бир гули бехор учун.

Келмади ҳолин сўраб бул Фурқати беморни(нг)
Ул парини кўнглида бир муддаоси бор учун.

МУХАММАС

Даҳр аро мен чекмаган жабру жафолардин бири,
Қолдиму ҳам күрмаган дарду балолардин бири,
Айласам зоҳир агар ул ибтилолардин бири,
Тоқат этмас дарди ишққа мубталолардин бири,
Шарҳи ғам қилса қани, бағри адолардин бири.

Чархдек доим юрай ишқида саргардон бўлуб,
Арсаи оламни кездим бесару сомон бўлуб,
Ғам билан ўлдим асири ғуссаи ҳижрон бўлуб,
Кору борим кечаларда нолау афғон бўлуб,
Сўрмади ҳоли дилимни ошнолардин бири.

Пайкаримни лашкари андуҳ помол айлади,
Риштай жонимни ҳижрон меҳнати нол айлади,
Ғам ҳужуми касрати кўнглумни беҳол айлади,
Қоматим ҳам ҳасрати монандай дол айлади,
Фикрим абрўси эрур мужгон асолардин бири...

Дер эдим доим ўзим олам аро хуррам тутай.
Ёр ўлуб айшу тараб аҳлига тарки ғам тутай.
Даҳр аро озодалар домонини маҳкам тутай.

Үзни боз ул дарду кулфат аҳлиға ҳамдам тутай,
Чунки ҳосил бўлмади ул муддаолардин бири.

Меҳрибонлик пеша айлаб, кимга кўргуздим вафо.
Тарки меҳр айлаб манга ҳаддин фузун қилди жафо,
Йўқ эрур мендек киши толеъ забун, бахти қаро,
Минг вафоға бир вафо ҳам кўрмадим олам аро,
Қолмамиш бўлғай магар аҳли вафолардин бири...

Мунисим толеъ забунлар, ёр бахти қоралар,
Ҳамдамим тифи аламдин сийнаси садпоралар,
Бистарим хоки мазаллат, такя санги хоралар,
Фамгусоримдур балият даштида оворалар,
Маҳрами розим ўлуб мотам саролардин бири.

Ҳар киши оламда кўп чекса жафойи ишқни,
Билса роҳат жонига ранжу балойи ишқни,
Подшоҳи ҳусн чарлаб мубталойи ишқни,
Сарфароз айлар эмиш бир кун гадойи ишқни,
Шукрким, кўйида мандурман гадолардин бири.

Фурқатий бир сарв қомат ишқида бўлган асир,
Қумри янглиғ тортарам шавқида фарёду сафир.
Қош ила мужгонидин ёнимда тиф, илгимда тийр,
Чуғздек вайрона ичра гарчи бўлдим жойгир,
Бир хабар олмас келиб пайкар ҳумолардин бири.

* * *

Дүстлар, айшу тараб, фасли баҳор истар күнгүл,
Ҳар куни саҳрова сайри лолазор истар күнгүл,
Қабк рафторин күрурга күхсөр истар күнгүл,
Айламак ҳар сори оҳулар шикор истар күнгүл,
Доги хурсанд этгучи ҳар неки бор истар күнгүл.

Гашт қилсанг аҳли дониш бир неча аҳбоб ила,
Тўла бўлса шишалар доим шароби ноб ила,
Гул яқоси масканинг ўлса канори об ила,
Бодаи гул ранг тортиб, ўлтурууб одоб ила,
Ғусса дардин айлабон дафъи хумор истар күнгүл.

Мутриби хуш лаҳжалар тамбурини соз айласа,
Руҳпарвар байт ўқуб, хиргоҳи овоз айласа,
Гоҳи «Мискин» машқию гоҳи «Чапандоз» айласа,
Етса анжомига ул ғайрини оғоз айласа,
Гоҳи қонун, гоҳи ғижжак, гаҳ дутор истар күнгүл...

Солмаса чархи фалак давронимиз ичра ҳалал,
Айламай боғи ҳаётимиз ҳазон боди ажал,

Күргузуб юз жаҳд айёми баҳор ўтмай жадал,
Сайр қылсақ, ҳар баҳор айёми саҳрою жабал,
Чун зиёрат этмак асҳоби кибор истар күнгул.

Неча кун маҳтоб тунларда олиб тарфи чаман,
Тонгғача гуллар аросида тузулса анжуман,
Ой каби қылса мунаввар боғ саҳнин настаран,
Ерга нақш ўлса саросар сояи барги суман,
Устина қымлоқ хино бирла нигор истар күнгул.

Гар фалак кажравлиғидин баҳт ёвар бўлмаса,
Ҳамнишиним ҳар кеча бир моҳ пайкар бўлмаса,
Оразидин байтул-эҳzonим мунаввар бўлмаса,
Мунча қилғон орзулардин мұяссар бўлмаса,
Фурқатий узлат учун бир кунжи гор истар күнгул.

* * *

Биродарлар, мани бошимға тушган бу нечук савдо,
Қарорим йүқ куюн янглиғ на манда манзилу маъво,
Биёбони таҳайорда қолиб мен волау танҳо,
На ёру ҳамдамим бордур, на қўлда ҳосили дунё,
Замона пурхатар, душман ададсиз, дўст бепарво.

Ману девона кўнглум бир-бирига турфа мойилдур,
Ки жон бўйнига тори зулфидин юз минг салосилдур,
Ажаб бебок, бераҳму, ажаб хунрез қотилдур,
Тўкар қонин ибосиз ҳар киши ногаҳ муқобилдур,
Саманди ноза мингач илгига шамшири истиғно,

Ниқобин гўшасидин гул юзи андак намоёндур,
Тамошодин кўзум булбул каби сармасту нолондур,
На ҳусну не латофатдур, халойиқ барча ҳайрондур,
На мушкин кокил эрмиш, турраси ҳарён паришондур,
Муаттардур ҳама гўё тутошиб анбари соро.

Жаҳона тушти шўриш кечалар чеккан фифонимдин,
Валекин ул пари огаҳ эмас сўзи ниҳонимдин,

Мени ажзу ниёзим шул эрур ороми жонимдин,
Демаским ҳеч пишон борму бу расвойи жаҳонимдин,
Куюб кул бўлса ошиқ, айламас бир зарра ҳам парво.

Чунон афсурда бўлди жисми зорим таъна тошидин,
Етиб сўзиш дилу жонимга ҳам бағрим харошидин,
Жаҳон дарё бўлуб оқти ики кўзимни ёшидин,
Ичурди шум фалак, во ҳасрато, оғулик ошидин,
Фано бўлдум, йўқ үлдум ушбу оламдин мени расво.

Фалак бедодгар бошимға солди бўйла савдони,
Бало янглиғ мусаллат айлади кўб шўру ғавфони,
Қаёндин ошно қилди манга ул шўхи раънони,
Ситамгар, пур жафо, ноошно бир моҳи анқони,
Солубдур зулмидин мискин кўнгулга ғорату яғмо.

Фалак баҳти қаро ҳасратда умримни адо қилди,
Гирифтори фироқ айлаб бу ғамга мубтало қилди,
Қилиб бедодгарликлар нигоримдин жудо қилди,
Ул ой ҳажриға ташлаб бўриларға ошно қилди,
Нечук ҳасрат, нечук кулфат менинг бошимдадур
барпо.

Фалакдин шиква айлаб доду фарёд айласам камдур,
Юракка хуни ҳасрат тўлдию икки кўзим намдур,
Ки мен мундоғ уқубатда, рақибим шоду хуррамдур,
Рафиқим дарду ёrim меҳнату андуҳ ҳамдамдур,
Киши йўқ сурғудек афтодаман фарёду вовайло.

Фалак кажравлиғидин жоми айшим ерга яксондур.
Ютуб хуноби ҳижрон таҳ-батаҳ бағрим тўла қондур,
Парилар зулфи янглиғ хотирим доим паришондур.
Кеча ул ой фироқида ишим фарёду афғондур,
На коҳиш тушмаган бўлса ғарибу хаста жонимғо.

Фалак, тоқинг бузулсун, күб балоларга дучор эттинг.
Бирор ишқида онжақ потавону дилфиғор эттинг,
Қулоқ солмай фифонимга мепи күб бемадор эттинг,
На қылсанг қылғыл әмди, ҳаддин оша интизор эттинг,
Турарга қолмади тоқат күнгүл ҳам волау шайдо.

Фалак, ҳасрат билан охир айирдинг ул нигоримдин,
Күнгүл мулкини соҳиб давлати ул шаҳсуворимдин,
Құзим оқи қаро бұлды қароғлаб интизоримдин,
Бу қайғудин агар үлсам унар лола мазоримдии,
Күрарсиз доғи ҳижрон бұлғуси ул лоладин пайдо.

Күрар кун борму, ёраб, қайтадин ул моҳ талъятни,
Ани олдида йиғлаб бир-бир айтсам дарду ҳасратни,
Нече кун водийи ҳижронда чеккан ранжу меңнатни.
Сүрарму ҳеч ким афтода бұлған зор Фурқатни,
Бирор ишқида расволиғда ўлған борму деб мундо.

МУСАДДАС

Сайдинг құябер, сайёд, сайёра экан мандек,
Ол домини бүйнидин, бечора экан мандек,
Үз ёрини топмасдин овора экан мандек,
Иқболи нигун, баҳти ҳам қора экан мандек,
Хижрон үқидин жисми күп ёра экан мандек,
Күйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Кес ришганиким, қылсун чаппаклар отиб жаста,
Ҳажрида алам тортиб, бұлды жигари хаста,
Тоғларға чиқиб бұлсун ёри била пайваста,
Қел, құйма бало доми бирла они по баста,
Хижрон үқидин жисми күп ёра экан мандек,
Күйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Беш кун сени даврингда бечора хиром этсун,
Оқулар ила үйнаб, айишини мудом этсун,
Ёмғур суви тұлғанда, тоғ лолани жом этсун,
Ҳаққинга дуо айлаб, умрини тамом этсун,
Хижрон үқидин жисми күп ёра экан мандек,
Күйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Саргашта бу водида бир бошиға раҳм эткил,
Йүқ тоқати бандингга, бардошиға раҳм эткил,
Йиғлаб сенга термулур, күз ёшиға раҳм эткил,
Раҳм этмасанг үзига, йўлдошиға раҳм эткил,
Ҳижрон үқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Тоғда очилиб лола, ер сабза баҳор ўлса,
Охир бу нечук бедод, олам анга тор ўлса,
Чиқмай деса жойидин — узлатда фигор ўлса,
Гар чиқса баногоҳи — домиға дучор ўлса,
Ҳижрон үқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Бечорани зулм айлаб, қўл, бўйини боғлабсен,
Ҳар сори чекиб-судраб, ўлдургали чоғлабсен,
Қўксини жафо бирла лола каби доғлабсен,
Сот манга, агар қасдинг олғучи сўроғлабсен,
Ҳижрон үқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Йўқ ҳуши, пари теккан девонага үхшайдур,
Кўз ёши яна тўлган паймонага үхшайдур,
Фам сели билан кўнгли вайронага үхшайдур,
Фурқатда бу Саъдулло ҳайронага үхшайдур,
Ҳижрон үқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

ИЛМ-МАЪРИФАТ ҲАҚИДА

илем ҳосияти

Дейин сўз илмнинг ҳосиятидин,
Баён айлаб анинг моҳиятидин,

Бу сўзни гўши бор одам эшитсун,
Ўзида ҳуши бор одам эшитсун!

Кўпайди илем ила ҳикмат жаҳонда,
Кўринг ўтган замондин бу замонда.

Скандарким, жаҳонга шоҳ эрди,
Сипаҳ анжум, фалак хиргоҳ эрди.

Наким оғоқ ародур баҳр ила бар,
Ҳама ўлмиш эди анга мусаххар.

Юруб барча анинг ҳукми йўлиға,
Низоми мамлакат олди қўлиға.

Анингким, лашкари оламға тўлди,
Низоми забт ҳикмат бирла бўлди.

Бор эрди түрт минг соҳиб заковат,
Ҳамиша хизматида аҳли ҳикмат.

Алар ҳар қайсиси монанд Арасту,
Хирадда балки Афлотунга қаршу.

Алар ичра эди лекин Фалотун,
Жамии илму ҳикмат бирла афзун.

Қилиб бир неча ҳикмат ошкоро,
Ажалга қилғудек бўлди мадоро.

Неча илму неча фан андин ижод,
Ўлуб хосиятидин олам обод.

Скандар амри бирла ҳикмат ойин,
Қилиб ойина андоғум жаҳонбин.

Жаҳонда хоҳ баҳру хоҳ бардур,
Ўшал ойина ичра жилвагардур.

Агар қилса жаҳонбинлиқ таманно,
Боқиб андин қилур эрди тамошо.

Кўрап эрди қилиб анга назора,
Вале йўқ эрди сўзлашмакка чора.

Иложин аҳли ҳикмат қилмади ҳеч,
Қилурди, лек илмин билмади ҳеч.

Этур шаҳларга лозим давлатидин,
Ўлур воқиф раият ҳолатидин.

Хабардор бўлса доим мамлакатдин,
Бериб нома, олиб сўз ҳар жиҳатдин.

Иироқ ерларга ёзмак бўлса мактуб,
Бориб келгунча ўтмишди замон кўп.

Қолиб шаҳлик иши таъхир андин,
Бўлур эрди басе дилгир андин.

Зиҳи даврони фархунда нишони,
Замон ўлди ўрусия замони.

Тараққий қилди кундин-кунга давлат,
Бўлуб қонун ила расми ҳукумат.

Топарға илмни айлаб жадаллар,
Топиб, айлаб анинг бирла амаллар,

Бўлуб шул аср ҳикмат аҳли ҳадсиз,
Фатонат аҳли, донишманд ададсиз.

Улуму фанда Афлотундин афзал,
Камоли ақлу дониш бирла акмал.

Неча иш илм ила бунёд қилди,
Хусусан телегром ижод қилди,

Ки бир соатда ул соҳиб ҳунарлар,
Уч ойлик ердин олғайлар хабарлар.

Агар мағрибда бўлса кимса сокин,
Ани билмак эрур бир кунда мумкин.

Низом үлди сипоҳилик ишиға,
Етиб ҳам манфаатлар кўп кишиға.

Хусусан нархиға аҳли тижорат,
Йироқ ердин берур анга башорат.

Масалким, Тошкандин олсалар мол,
Билиш лозимки, Московда на минвол.

Юбориб ё бориб беҳбуд топса,
Бу савдосида яъни суд топса.

Бўлурлар телегром ила хабардор,
Билурлар нафъ ёинки зарар бор.

Бу ҳикмат Русиянинг давлатидин,
Бўлубдур илмни хосиятидин.

Скандар давлатида аҳли Юнон,
Фалотун ҳам Арасту бирла Луқмон.

Фунуни телегроми билмадилар,
Магар илмини ҳосил қилмадилар.

Керак одамга қилғай илм ҳосил,
Жаҳондин ўтмагай то маҳз жоҳил.

Жаҳон басту кушоди илм бирла,
Надур дилнинг муроди илм бирла.

Қўнгулларни сурури илмдантур,
Қўрап кўзларни нури илмдантур.

Қерак ҳар илмдин бұлмак хабардор,
Бұлур ҳар қайси үз вақтида даркор.

Дариғо, Фурқатий, бейлм қолдим,
Үзимни жағл зиндониға солдим.

ГИМНАЗИЯ

Қилиб таклиф бир зоти кироми,
Кириб гимназия курдук тамоми.

Дема, гимназияким, бир гулистон,
Эрур ҳар ёна гулчинлар хироми.

Жаҳон илми гулининг накҳатидин
Муаттар анда ўғлонлар машоми,

Ки таҳсили улуму фан қилурға,
Кўп ўлса шоб саъю эҳтимоми.

Биринчи дарсхона илми юонон,
Иккинчидаги ўқур лотин каломи.

Учинчи Русия қонун илми,
Ўқурлар ихтитому иътисоми.

Олиб тўртингчидаги таълими немис,
Ўқур бир жамият анда мудоми.

Яна үхаш анга күп дарсхона,
Фаромуш ўлди күнглимин асоми.

Маҳаллийким ўлур ўн икки соат;
Расад-ла түп отиб кунни қиёми.

Чиқарлар барча үглонлар ошорға,
Эрүр тайёр ул ерда таоми.

Мударрислар ягона илму фанда,
Этар мансух Афлотунни номи.

Дақойиқ арсасида барқ паймо,
Борисин тавсаны фикри хироми.

Алар илмидин ижод ўлса тонг йүқ,
Скандар күзгуси, Жамшед жоми.

Кириб алқисса ҳикматхона ичра,
Ҳама илмини күрдик телегроми.

Биллури софдин бир чарх күрдик,
Чиқар айланса мисдин барқ фоми.

Тамошодин хирад күзи қамашур,
Ҳама ашёйи ҳикмат издиҳоми.

Тилидин соири асбоби ҳикмат,
Эшиitmак мумкин Афлотун паёми,

Қолиб ҳайратда қилдуқ офаринлар,
Бўлур мундоғ шаҳларни низоми.

Эсизким бизни(нг) ўтмуш хону беклар,
Кечиб ишратда зойиъ субҳ-шоми.

Кетурмай ёнига бир аҳли дониш,
Ўзига хос этиб неча авоми.

Чу илму фазл элини тутмадилар,
Қилибон тарбиятда эҳтироми.

Халал етгач қачон давлатларига,
Қилур торож молин ўз фуломи.

Чу илм аҳлига парво қилса эрди,
Бўлур эрмасмуди давлатга ҳоми.

Далили равшан ушбукурки дермиз,
Ҳукумат қушға ўхшар, илм доми.

Бас эмди ўлмасун воқиъ малолат,
Агар кўпдур қиласай сўз ихтитоми.

Ўлуб гулчини ибрат Фурқатийнинг
Бу гулшан сайрида шод ўлди коми.

ВИСТАВКА ХУСУСИДА

Мингу саккиз юзу түқсон эди йил,
Иккинчи сентябрь ойи яна бил.

Кириб виставкани қилдик тамошо,
Ҳама ашё экан анда муҳайё.

Ажаб боғики, руҳ афзо ҳавоси,
Эрам рашки насими жон физоси.

Оқиб ҳар соридин оби равонлар,
Эди андоғким ул жисм ичра жонлар

Муаттар боғ саҳни очилиб гул,
Тамошобинлар эрди анда булбул.

Иморатлар ҳама зебою олий,
Десам бўлғай жаҳонда йўқ мисоли.

Мунингдек хуш ҳаво, хуш тарҳ боғи,
Кими кўрмас қолур кўксига доғи.

Қаю шаҳридаким бўлса ҳунарманд,
Ҳама келди, йироқ эрди агарчанд.

Жаҳонда кўрмаган асбоблардин,
Ажойиб нодиру ноёблардин

Самарқанду Бухородин матои,
Кетурдилар ҳама ўз ихтирои.

Ҳама ўз ихтиёри бирла келди,
Бу ерда нафъ кўрмоғини билди.

Бу нафъиким бўлур кўп ерга машҳур,
Некўлиф васф ила ҳар тилда мазкур.

Газетлар ичра бўлғач номи марқум,
Улуғлар ичра бўлғай боз маълум.

Ҳунарким васф бўлса ҳар забонда
Қилур кўп қадрлар пайдо жаҳонда.

Ҳунарварға етар кўп нафъ андин,
Бўлур сўнгра мақоми рафъ андин.

Келиб анда ҳунар комил қилурлар,
Кўруб кўп илмни ҳосил қилурлар.

Нечунким мунда мустаҳсан ҳунар кўп,
Ҳунар ойинида диққат асар кўп.

Қимиким бўлса донишманд, оқил,
Ўла илму ҳунарға кўнгли мойил.

Қилур күп илмни ҳосил, күрубон,
Кириб оҳиста-оҳиста юрубон.

Ипак мошинаси бирла тегирмон,
Күр, анда айлади оламни ҳайрон.

Яна мошинаи оташ ароба,
Турур ҳикмат тилисмоти масоба.

Үн икки оғзи бор мошиналик түп,
Ажойиб түп яна андин бўлак күп.

Ажаб буқим яна бир занг кўрдук,
Бир одамдин аниш вазнини сурдук.

Деди: «пут беш юз олтмиш бирдур они
Зиёд үн беш қадоқ вазни гарони.

Садоси неча чақрим ерға кетгай,
Йироқ андин кишилар ҳам эшитгай».

Яна нажжор ишин осон қилурға,
Бўлуб мошиналар тахта тилурға.

Бир одамдин бўлак одам керакмас,
Тилурға appa, усто ҳам керакмас.

Тилур күп тахталарни соат ўтмай.
Нечук соат дейинким, фурсат ўтмай.

Мусулмон айлаган мошиналар ҳам,
Бор эрди гарчи күп, йўқдур агар кам.

Чиқиб дегрэзлар асбоби бирла,
Қуюб чүян қозонлар тоби бирла.

Эл ичра ўзларин манзур қилди,
Баҳар ҳоли ҳунар машҳур қилди.

Яна мундин бұлак соҳиб ҳунарлар,
Тариқи илму фандин бохабарлар

Келиб виставка ичра бұлдилар жамъ,
Бұлуб ҳар қайси гүё жамъ аро шамъ.

Қилибон ихтирои шайлар аммо,
Шабиҳи йўқ эди бир-бирга асло.

Кўруб русиялар: аҳсан дедилар,
Мусулмондин ажаб бир фан дедилар.

НАҒМА ВА НАҒМАГАР ВА АНИНГ АСБОБИ
ВА ҮЛ НАҒМА ТАЪСИРИ ХУСУСИДА

Хирад гүшин қилинг, аҳбоблар, боз
Қилур килким найи бир нағма оғоз.

Етуруб бир паёми нағма сизга,
Баён айлай мақоми нағма сизга.

На ерда нағмалик бўлса тамошо
Қилур манзума бирла они иншо.

Тамошоларки, аввал неча ёздим,
Газет бирла ани сизга чиқоздим.

Хусус икки тамошо аввал-охир,
Бири нағма, бири эрди театр.

Яна печа тамошоларни этдим,
Ажойиб нағмаларни кўп эшитдим.

Экандур нағмаи Русия дигар,
Ани асбоби ҳам ғайри мукаррар.

Муғаний айласа гар нағма оғоз,
Чиқар ҳар қайсидин бир бошқа овоз.

Эшиитмоққа ҳама хомуш үлурлар,
Басе лаззат топиб беҳуш үлурлар...

Муғаний нағма бирлан қилу қолин,
Хусусан билдуур ҳар навъ ҳолин.

Бирор одам ағар ғамбода бўлса,
Ва ё ғам қайдидин озода бўлса...

Ва ё бад толиидин бўлса ғамнок,
Ва ё иқболи пастидин аламнок.

Ва ё ўлса дилида шўри мотам,
Бўлуб ул шўр ила ранжури мотам.

Ва ёким анда бўлса шодмонлиқ,
Фалак даврида топиб комронлиқ...

Дилида ҳамма сўз ўлса ниҳони,
Дегай нағма забони бирла они.

Эшиитганлар ани ҳолин билурлар,
Бағоят нашъалар ҳосил қилурлар.

Үзимга тушди бир кун ушбу аҳвол,
Бор экан нағма онинг оти роёль.

Эшиитдим бир қиз анда баҳри ҳожот,
Қилур нағма тили бирла муножот.

Ҳазин овоз ила йиғлаб худоға:
«Қарам қил, — дер мани бағри адoғa».

Мақомини қилур ҳар навъ бунёд,
Гаҳи қаттиқ фифон, гаҳ нарм фарёд.

Гаҳи найдек чекар оҳиста нола,
Кетурур гаҳ наво машқин хаёла.

Манга ул нағма андоқ қилди таъсир,
Жигардин үтди гүё тез пар тийр.

Үшал дам бўлди ҳолотим дигар гун,
Тулуб тошти юрак монанди Жайҳун.

Кўнгул эрди агарчи санги хора,
Эриб кўздин сиришк урди фавора.

Менга муставли ўлди гиря ул дам,
Гирибон ўлди кўз ёшим била нам.

Мен анда билдим ул кўнгулни ҳолин,
Фаму шодиу уммиди маолин.

Тилар кўнглум тағи ул ерга етсам,
Үшал қизнинг муножотин эшиитсам.

Етиб ул нағмадин жонимға роҳат,
Замони ўлтуруб топсам фарофат,

Қи онинг нағмаси жисмимда жондек
Юрур таъсири ҳам раг ичра қондек...



ABAZ ЙТАР



АВАЗ (1884—1919)

Аваз Утар ўғли 1884 йили Хива шаҳрида сартарош оиласида туғилди. Авазнинг отаси Утар бобо адабиёт, санъатга қизиқар, замонаснинг олим ва шоирлари билан ҳамсұхбат киши эди. У ёшлигидә ўқишига ҳавас кўрсатган ўғли Авазнинг тарбиясига алоҳида аҳамият берди. Аваз 14 ёшидан эътиборан шеър ёза бошлайди, 16 ёшида мадрасага кириб ўқишига мұяссар бўлади. У Алишер Навоий, Мунис Хоразмий, Комил Хоразмий ва Огаҳий асарларини ҳавас билан ўрганади. 18 га кирган навқирон йигит Аваз Хоразм хони Фируз (1847—1910)нинг саройидаги шоирлар билан баҳслашадиган бўлади.

Россиядаги 1905 йил ~~ж~~они Хоразм меҳнаткашлари онгига ҳам кучли таъсир кўрсатган. Аваз ижоди кўп жиҳатдан ҳалқ ҳаётида бошланган мана шу янги даврнинг мевасидир.

XX аср бошида Хива хони жоҳил ва золим Исфандиёр ва унинг амалдорларининг ҳалққа берган жабри, феодализмнинг маънавий базасини ташкил қилган уламо, руҳонийларнинг жаҳолати, таассуби ҳаддан ошади.

Аваз ўз ижодининг тифини меҳнат аҳли душманларига — хон истибодди, амалдорлар зулми, руҳонийлар таассубини фош этишга қаратади; ҳалқни илм-маърифатга чақиради, хонликнинг чирик замони ўрнига, янги, ёруғ кунлар келишини умид қиласди.

Маърифатпарвар ~~ж~~они шоирнинг бу мардона овози хон ва унинг гумашталарининг газабини келтириши табини эди. Золим хон ҳалқнинг истеъододли фарзанди Авазни қаттиқ жазолайди ва ниҳоят жинни деб эълон қиласди. Лекин Аваз ўз йўлидан, ҳаётини бағишилаган идеалларидан асло қайтмайди, тинмай ижод этади, хон ва унинг амалдорларига қарши ўтли мисралар ёзишдан тўхтамайди.

Аваз Ўтар ўғлининг қўлёзма девони сақланган ва талайгина сатирик шеърлари мавжуд.

Катта қалб эгаси Аваз Ўтар ўғли 1919 йилда вафот этган.



ФАЗАЛ

K

үй, эй пари пайкар, қадам айлаб карам бош
устина,
Қаҳру ғазаб таркин қилиб, чин солмағил қош
устина.

Зоҳид ул ойдин ижтиоб этса не тонг, аҳбобким,
Гар тушса ўлгай ламъаи хуршед хуффош устина.

Изҳор этиб бедоду кин ойинини бешак манга,
Борсам изидин ул гўзал тош отғуси тош устина.

Хосидлиг айлаб бу замон, ким берди дер аҳли
жаҳон,
Кийса янги хилаът агар қашшоқи қаллош устина.

Гардуни дун зулму ситам озода элга қилғуси,
Жавру жафо ойинини фош айлабон фош устина.

Бўйла мурувватсиз замон аҳли эрурким, эй Аваз,
Гар топса фурсат бергуси оғу қўшуб ош устина.

* * *

Ҳар кишининг дарди бўлса, арз қилсун ёрға,
Қолмағай токим ҳамиша ҳажр аро озорға.

Шояд айлаб раҳм аҳволиға ёри васл аро,
Майли рағбат қилмағай ихлос ила ағёрга.

Эй кўнгул, ошуфтасан, ажз ила изҳор айлагил,
Нечаким ноз этса ҳам ул зулфи анбар борға.

Эйки истарсан давомат даҳр ишқи беҳжатин,
Чек миҳан, гулшанда гул пайванд бўлмиш хорға.

Қилмагил дашном, эй оромижон, ғайрифаким,
Берса бўлмас подзаҳри талх ҳар bemorға.

Ихтиёр этма қўлингдин келмас ишни даҳр аро
Ким недин таъну маломат эл қилур беорға.

Эй Аваз, назмингда келтурма ҳар эл алфозини,
Ким баробарлиғ садаф қилмас дури шаҳворға.

* * *

Эй париваш бевафолиғ айлама,
Ким күп әмди пур жафолиғ айлама.

Эйки истарсан тарабни даҳр аро,
Ишқ аро бедаст-полиғ айлама.

Оқил эрсанг асли ишқ ичра кириб,
Нотавону бенаволиғ айлама.

Гар муродинг етмас эрса ёрға,
Файр күйида гадолиғ айлама.

Ким тариқи фақр аро солик эсанг,
Хисрави кишвар қушолиғ айлама.

Эй Аваз, бүлсанг ғарибу нотавон,
Хону бойға ошнолиғ айлама.

* * *

Бұлғуси, эй дил, мұяссар васли жонон, ғам ема,
Кім онинг келмаклигига бордур имкон, ғам ема.

Топғуси табдил субҳи васл бирла оқибат,
Нечаким тул үлса гар ҳам шоми ҳижрон, ғам ема.

Нұш қылсанг ёр илгидин агар жоми тараб,
Дур сандин бұлғуси андуҳи даврон, ғам ема.

Тийри мужгони била қонинг тұқулса ҳар қачон,
Бергуси лаъли лаби кайфияти жон, ғам ема.

Лайливашлар суҳбатиндін ижтіноб этган учун,
Ғам емишму әрди Мажнуни биёбон, ғам ема.

Ҳажр аро бұлсанг Аваздек бекасу ошуфта ҳол,
Бұлғуси, эй дил, мұяссар васли жонон, ғам ема.

* * *

Сүрмади ҳолимни, ёраб, ошнолардин бирор,
Ул муруватсиз, ситамгар, бевафолардин бирор.

Ер күйида қилиб ғаммозлик изҳорини,
Солди бошимға қаро кун пур жафолардин бирор.

Айб әмаским, айласа гар таън жумла эл манга,
Курмади ҳажр ичра ман курган балолардин бирор.

Баски қилди жабру зулму, қаҳру кийну ҳам итоб,
Бовар айлаб ғайр сўзин дилраболардин бирор.

Ноз ила ажзу ниёзимни кўзига илмайин,
Нозанинлиғ кўргузуб, соҳиб адолардин бирор.

Васл нақдин истабон нокому мардуд ўлдиму,
Кўйи маҳбуб ичра ман янглиғ гадолардин бирор.

Эй Аваз, кўрган малолу ҳасрату ранжу ано,
Йўқ жаҳон мулкида сандек бенаволардин бирор.

* * *

Ман чекмаган дарду меҳнат қолмади,
Бошимга келмаган офат қолмади.

Үлгали етишдим ёра етгунча,
Манга юзланмаган кулфат қолмади.

Чекиб дарду алам ердин турғудек
Жиссимда заррача қувват қолмади.

Жудоликнинг ҳар бир куни қиёмат,
Анда ман кўрмаган шиддат қолмади.

Эрларнинг бошиға тушуб савдолар,
Аҳли ҳимматларда ҳиммат қолмади.

Хижронида ўтуб умрим тамоми,
Ёримға етарга фурсат қолмади.

Муҳаббатсиз аҳли олам, эй Аваз,
Гүё онларда бу хислат қолмади.

* * *

Оұқим, құлди фалак, айру диәримдан мани,
То йироқ солмоққа бир гулрух нигоримдан мани.

Хотирим ошуфта бұлса айб құлманг, негаким,
Солди айру чарх ақбоб ила ёримдан мани.

Ходисоти даҳрдин бошимга юз савдо тушуб,
Қолмади осор құлда ихтиёrimдан мани.

Юзланиб бечоралиғ ҳар дам жудолиғ доғидан,
Қолмагай андак асар сабру қароримдан мани.

Не манга ёрону ҳамдам, не манга бир меҳрибоң,
Шум иқболим аюрди, йүқу боримдан мани.

Ер учун жоним фидо қылсам агар эрмас ажаб,
Ким аән ошиқлиғим афғону зоримдан мани.

Эй Аваз, қилма таажжуб борҳо ношод әсам,
Ким хабар олмас бирор ҳоли назоримдан мани.

* * *

Мандин хабар олмас ошнолар,
Бегона мисол бевафолар.

Хижрон аро зору нотавонман,
Тортиб неча ун ила наволар.

Жонимни фидойи ёр қилдим,
Ишқ ичра чекиб туман жафолар.

Молимни йўлида айлабон сарф,
Мандин ҳазар этгуси гадолар.

Ноком бўлуб расолиғимдин,
Мақсудга етди норасолар.

Ҳар лаҳза қилур ҳужум сонсиз,
Бошимға фироқ аро балолар.

Кош эрди агар ижобат ўлса,
Баским Аваз айлаган дуолар.

ТУРЛИ ШЕЪРЛАР

ХАЛҚ

Йұқ жақон мулкида биздек ожизу бечора халқ,
Зулм тиғи бирла бұлган бағри юз минг пора халқ.

Бир неча авбош бунда ҳукмронлиғ айласа,
Қолмағай ори на янглиғ меҳнату озора халқ.

Не аларда бор дурур илму адолатдин асар,
Не ажабким, топмаса дөғи дилиға чора халқ.

Етган оғатни бошиға доимо тақдир деб,
Ҳасрату армон билан кетгуси бора-бора халқ.

Бұлмайин онларда ҳеч миллат, ватанни сақламоқ,
Бұлди қурбон бу сабабдин доимо ағёра халқ.

Халқи оламни бари айлар тараққий күн-бакын,
Биз таназзул айлабон қолдиқ, әдик не кора халқ.

Күзларин оқиста-оқиста агар очса замон,
Эй Аваз, бұлмас бунингдек боржо овора халқ.

ТОПАР ЭРКАН ҚАЧОН

Топар эркан қачон, ёраб, ҳаёти жовидон миллат,
Топиб илму ҳунар бирла маорифдин нишон миллат.

Ватанпарвар — фидоий фирмалар то бүлмайин
пайдо,
На мумкин топмоғи ўлган танига тоза жон миллат.

Фидо миллат йўлиға молу жон этмак керак ҳар
ким,
Бўлай деса агар авлоди машҳури жаҳон миллат.

Очиб ҳар бир сарида мактабинг унвонин айлаб
чўх,
Тараққий айламасми ўқубон беҳадду сон миллат.

Бу янглиғ олам аҳлидин кейин қолмай юруш айла,
Аваз, бўлғай ўёниб комгору комрон миллат.

тил

Хар тилни билув эмди бани одама жондур,
Тил воситай робитай оламиёндур.

Файри тилини саъй қилинг билгали, ёшлар
Ким илму ҳунарлар ривожи андин аёndур.

Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,
Билмакка ани файрат этинг, фойдали кондур.

Илму фан уйига юборинглар болангизни,
Онда ўқуганлар бори яктойи жаҳондур.

Зор үлмасун онлар доғи тил билмай Аваздек,
Тил билмаганидин ани бағри тұла қондур.

МАКТАБ

Очинглар, миллати вайронни обод этгуси мактаб,
Ўқусин ёшларимиз, кўнглини шод этгуси мактаб.

Дилу жон бирла эл мактаб очарга ижтиҳод этсин,
Нединким бизни ғам, қайфудин озод этгуси
мактаб.

Кўнгулларнинг сурори, дағи кўзлар нуридур
фарзанд,
Аларнинг умрини албатта обод этгуси мактаб.

Ота бирла онага фарз ўқутмоқ бизни мажбурий,
Ки бизни яхшилик қилмоқда мұттод этгуси
мактаб.

Қаю миллатга биздек гар насими инқироз етса,
Анга албатта мустаҳкамлик ижод этгуси мактаб.

Бу не навмидликдур, мактаб очсақ, оқибат бизни
Аруси ком или мақсадуга домод этгуси мактаб.

Аваз, ҳимматни қил олий очарга әмди мактабким,
Балойи жаҳлу нодонликни барбод этгуси мактаб.

ФИДОЙИ ХАЛҚИМ

Фидойи халқим ўлсун танда жоним,
Бұлуб құрбон анга руҳи равоним.

Гар ўлсам дарбадар мазлумлар учун,
Будур мақсуди қалби нотавоним.

Мани солса фано йұлиға даврон,
Юрур устимдин авлоди замоним.

Умидим — яшасин мактаб боласи,
Алар ҳар бири бир шері жаёним.

На яхши ўйлаким, маңқұлу манзур,
Аваз, халқим учун тұкулса қоним.

СИ ПОҲИЛАРГА

Нега мунча зулм этиб миллатни айларсан ҳароб,
«Лоюҳиббуз-золимин» деб тангри қилганда хитоб.

Дамбадам бедоду жабру зўрликлар айлабон,
Солма мазлум аҳлининг кўнглига мундоқ изтироб.

Мунчаким зулм айлагунг, бордур мукофоти замон,
Оқибат бир кун анга масъул бўлуб бергунг жавоб.

Бор умидим тезда бўлғуси ҳуррият куни,
Эй Аваз, қолмас булут остида доим офтоб.

ҮЛАМОЛАРГА

Эйки сизлар, то таассуб бирла даврон этдингиз,
Миллати мазлума аҳволин паришон этдингиз.

Бириңгиз қози, бириңгиз аъламу муфтий бүлуб,
Бу не ойин эрдиким, сизлар намоён этдингиз.

Бизни айлаб хору зору нотавон этмак учун,
Бермайин осори ҳурлик, банди зиндон этдингиз.

Бу фалокатлар учун масъул бүлурсиз оқибат,
Зулму истибдод ила миллатни вайрон этдингиз.

Йұқса одаммиз, очиб мактаб, илм билдирсангиз,
Бекебар илму ҳунардин бизни ҳайвон этдингиз.

Бир куни сүргай Аваздек уйғониб аҳли замон,
Не учун миллатни сиз ер бирла яксон этдингиз?!

ШАЙХ

Ичиб тинмайин дайр аро бода шайх,
Май учун қилур раҳни сажжода шайх.

Не мумкин ёруғликки андин эса,
Жаҳолатни роҳида афтода шайх.

Суарга риё заврақин ҳар сари,
Асосин қилур үйлаким хода шайх.

Ичарга қадаҳ шўхлар илгидин,
Ўзин айлар ул навъ омода шайх.

Ўзин айлади бўйла зору асир,
Мани манъ этиб ишқдин сода шайх.

Ётар эрди то ҳашр уйғатмайин,
Санингдек эса одамизода шайх.

Урап ҳамла ҳар кимсага маст ўлуб,
Қудурмишму ё ит каби лода шайх.

Қилиб нұш май беңағылқ қилур,
Бурун ёки әркан (ұаромзода), шайх

Аваз, хизмат айлаб дуосини ол,
Жаңон ичра топсанг бир озода шайх.

ИККИ ШАЙХ

Ваҳқим, насиҳатлар манга қилғуси сайёр икки шайх
Қилдургали ушшоқлиқ расмидин инкор икки шайх.

Токим манга ул дилрабо ишқини тарқ әтдургали,
Макру риёу ҳийлалар қилди намудор икки шайх.

Аҳли замонни оздирур роҳи ҳақиқатдин мудом,
Шайтониятлик расмини айлаб падидор икки шайх.

Кундузлар айлаб ваъзлар аҳли жаҳонга бешумор,
Майдин қилурлар кечалар соғарни саршор икки шайх.

Ҳар кун қилиб масжид сари юз минг риё бирла хиром,
Ҳар тун қилур каззоблик ўзига атвorum икки шайх.

Иблис халқ ичра кириб оздурмоғи ҳожат эмас,
Эй дўстлар, токим жаҳон мулки аро бор икки шайх.

Эйким эрурсан ғуссау андуҳи олам соҳиби,
Бўлмиш санга бу дам магар шумлуғ била ёр икки
шайх.

Зинҳор пандимни эшит ҳушиңг бор эса, эй Аваз,
Оздурмасунлар то сани, бўлғил хабардор, икки шайх.

ХУРРИЯТ

Сиёсат маҳв бўлди, яшасун оламда ҳуррият,
Бари эл иттифоқ айлаб, жаҳонни айласун жаннат.

Қетиб зулму ситамнинг зулмати, бўлсун жаҳон
равшан,
Адолат офтоби миллатимга кўргузуб тальят.

Тараққий айламак лозим жаҳон аҳли бўлуб бир
тан,
Билурга барча илм ила ҳунарни яшасун миллат.

Жаҳон аҳли, манга сизсиз севикли жон
азизимдин,
Эрурмиз бир-биrimizга яқин гўёки бир ихват.

Яшанг, эй қаҳрамону ҳурриятпарвар биродарлар,
Олиб ҳур, миллати мазлум учун сиз қилдингиз
хизмат.

Очиб ҳар навъи мактаб эмди ҳимматни қилиб
олий,
Ватанни қилғали обод лозим айласак ғайрат.

К И Т Ъ А

Фалон аҳмақки, бергуси ҳамиша ўзига оро,
Ҳамоноким олиб илгига бир кўзгу нисо осо.
Ғубори йўлдин ўтган чоғда гар тегса либосига,
Ювар они зиёда бўлғуча собунни нархи то.
Агар онинг ҳар асбобиға файрининг қули текса,
Ажабким, сўнгра они олмагуси илгига асло.



Фалони зоҳиди худбинки, худбинлиқ қилур зоҳир,
Ўзини аҳли тақви пешвосидин ҳисоб айлаб.
Ўзи нахват майнин нўш этгуси шому саҳар тинмай,
Ажойиброки будурким, ринд элини иҳтисоб
айлаб.

Риё бирла йиғиб оламнинг барча молу асбобин,
Ётар эмди ҳамоноким, эшакдек хўрду хоб айлаб.



Фалон бозилға бўлсун борҳо дашном уза дашном,
Ки фақр аҳлиға жавр айлаб, ғаниларга қилур
инъом.

Танаъум аҳлиға неъмат қуюб, оч аҳлиға бермас,
Хуш эрди топса андоқ элнинг умри муддати
иттом

* * *

Фалон авбошдек лаънат маош олам аро йўқдур,
Ки мажмуи ҳаромизодалар бўлмиш анга чокар.
Кеча кундуз қимор ўйнаб, иши ошоми хамр

этмак,

Бўлурға маст бепарво ҳамул бад тинати занғар.
Ҳаводис боди етса гар аниңг умри чароғига,
Қилурға маҳв мутлақ базми оламдин эди хуштар.

* * *

Фалониким суханчинликни расмин ўзга қилмиш
фан,
Солурға халқи оламнинг бошиға булъажаб
савдо.

Айирмоқфа ато бирла ўгулни бир-бирисидин,
Бирин бир айбини минг айлаб, айлар бирига
ифшо.

Оносига қизин душман қилур, қизға оносини,
Дебон ёлғонни чин монанд бўхтон айлабон гүё.

* * *

Ул одамким, ҳасад ғайриға айлар кечаю кундуз,
Қилиб рашку таассубнинг ўтиға бағрини бирён,
Агарчи илгидин келмас бирорни хуррам

этмаклик,

Қўра олмас ва лекин кимсани қалби эса шодон.
Бу янглиғ ҳосиду бадҳоҳу ҳам юзи қароларни,
Илоҳий, эт жанобинг ҳурматидин ер била яксон

Сипоҳи пора истар,
Мулла ижора истар,
Бечора чора истар,—
Бир чора замон борму.

Эшон дегани либоси малла,
Үғриға шерику ғара далла,
Рангини кўрунг бу баднамонинг,
Ҳанги эшаки эрур худонинг.
Масжидни ўзига дом этибдур,
Билмам буни ким имом этибдур.

Билинг ушбу замон ғамнокидурман,
Куюб ўртамыш элнинг хокидурман,
Авазким, назм элин чолокидурман,
Бошин олмоқقا хоннинг покидурман.





ЗАВҚИЙ
(1853—1921)

Y

Онга қадарги ўзбек адабиётининг сўнгги йирик на-
мояндаси шоир Завқийдир.

Муқимий ва Фурқатнинг замондоши ҳам маслакдоши бўлган
Завқийнинг асли исми Убайдулла, отасининг оти Солиҳдир. У
1853 йилда Қўқон шаҳрида яшовчи маҳсидўз оиласида туғилган.
Замонасининг мактабларида ўқиб, хат-саводини чиқаради. Ёшли-
гидан бошлаб отасининг ҳунарини ўрганишга ҳавас қўяди, Солиҳ
аканинг касбдошлари, уларнинг оғир тирикчилигини ўз кўзи би-
лан кўриб шулар орасида ўсади. Меҳнат аҳлига, ўз қўл кучи би-
лан тирикчилик ўтказаётган косибларга ҳурмат руҳида тарбия-
ланади.

Бечора оиланинг моддий қийинчиликлари Завқийга на Мир ва на Чалпак мадрасаларидаги ўқишини ниҳоясига етказишга имкон бермаган бўлса-да, бу истеъодли, юрагида ўти бор йигит тинимсиз хусусий мутолаа натижасида даврининг билимдан кишиси даражасига кўтарилади.

Адабий ижодга бўлган ҳавас Завқийда жуда эрта уйғонган. У Муқимий ва Фурқат билан яқиндан танишади. Уларнинг суҳбатлари, мушоара кечалар, яхши орзу-умидлари Завқийнинг фикрий ва ижодий такомилига бебаҳо таъсир кўрсатади. Ниҳоят, Завқийнинг ўзи ҳам ~~демократияни~~ шоир, кучли сатирик сифатида халқ орасида шуҳрат қозонади.

Шоир Завқий ~~—~~ гала-басидан сўнг севган халқи билан озодликка чиқди. Бироқ, бу озод халқнинг, унга баҳт-саодат келтирган ~~Халқ~~ фронтинг ашаддий душмани — босмачилар Завқийни 1920 йилда тутиб олиб, зиндонга соладилар. Босмачилар зиндонида саломатлигини бутунлай йўқотган шоир 1921 йилда вафот этади.

Шоир Завқийнинг ~~—~~ фалабасига қадар яратган ажойиб халқчил асарлари ва совет халқи душманларини фош этган ҳажвий шеърлари ўзбек адабиёти бой хазинасига қўшилган катта ҳиссадир.



ЗАМОНА КИМНИКИ?

Сен дема ушбу замонда обру муллоники,
Қолди аълолар оёқ остида, суз адноники,
Сар дарахти мевасин кур: зоф ила қарғоники,
Демангиз, аҳбоблар, гул булбули гүеники,
Давлати васли тиконда, ҳажр ул шайдоники.

Сендин, эй даврон, ичиб ғам заҳрини ғамнокман,
Фунча янглиғ оташинликда гирибон чокман,
Демадим бир бор ичсам дафъиға тарёкман,

Халқ наздыда ҳақиры хок ё хошокман,
Давлату иззу шарафлар марди бодунёни

Шаҳру қишлоқ демангизким, фисқ ила түлди
жаҳон,

Аҳли дунё қошида ёлғончилардур нуктадон,
Йүқ ривож касбу ҳунарга, соврилибдур хонумон,
Хоҳ косиб, хоҳ дәхқон қайга борса бағри қон,
Ҳоли ҳар ерда сухан шармандаю расвоники.

Мұтабар нодон әлидин қочди доңолар бари,
Гүшага олди үзин күнгли мусаффолар бари,
Қолдилар роҳи равищдин дийда бийнолар бари,
Әътибор ўлди жаҳонға сурат оролар бари,
Бу замона ғарч ковуш кийган силиқ саллоники.

Ҳеч ким фақр аҳлиға жон бирла қилмайди савоб,
Ағниә аҳлиға анқо парча нон, бир томчи об,
Шул сабабдин беваю бечоралар бағри кабоб,
Бекасу бечора сұзига киши бермас жавоб,
Манзилат ҳар ерга борсанг сурати зебоники.

Маъсият түлди жаҳон ичра, зуҳур айлар фасод,
Хайру әхсон топди барҳам, халқ бозори касод,
Ошно, ёру биродарларда ҳам йүқ илтифот,
Меҳру шафқат йүқ, ота ўғлиға қилмас әътимод,
Давру даврон ҳамма жойда ҳокиму мирzonики.

Ағниә аҳлида йүқ хайру саховатдин асар,
Бас әрүр илму амал ўрниға бұлса сийму зар,
Құрқаман бу феъли баддин ютмасин деб ер магар,
Сұрсаларким, бу мухаммасни ким айди деб агар,
Завқий деган бир ямоқчи, маҳсидүз устоники.

МУНЧА КҮП

Золим фалак бисотида озор мунча күп,
Инсон шарафли номида хор мунча күп,
Ҳар күчаларда қашшоқ ила зор мунча күп,
Тарҳи жаҳон биносида бадкор мунча күп,
Хўқанд аро балога гирифтор мунча күп.

Ҳамрозу дўст топилсаю жонлар фидосидур,
Орзу шуким: камина кўнгил муддаосидур,
Хуш суҳбати мажруҳ дилим давосидур,
Мақдами кўзума айни шифо хоки посидур,
Йўқ андоғ анисим, дунёда ағёр мунча күп.

Нодон севар замона, дод илкидин нетай,
Бошим олиб фифон ила ё бир томон кетай,
Ушбу диёри масхарани эмди тарк этай,
Тинмай шикоят ила ёмонга рақам битай,
Жумла фалокат аҳлиға ғамхор мунча күп.

Дориламон бўлди ажаб фоҳишахоналар,
Тўлмасми касофатдин охири паймоналар.

Доно күруб бу кулфат ўтида ёналар,
Қолсин фисқу фужури бошидин ордоналар,
Қарғишига нишон беномусу беор мунча күп.

Илму ҳунарлар ўрниға пулдор тұнг бүйин,
Уч-тұрти йиғилиб қилишур ит каби ўйин,
Әхсон ғариға йүқ, шоҳона қилур түйин,
Айтса адo бұлмас, сира минбаъд феълу хүйин,
Fusca дилим шарқ айласам асрор мунча күп.

Қишлоқ әли шафтоли қоқи, нон тополмагай,
Кийган либосини тортса (белин) ёполмагай,
Ұлди совуқда күпи оч, ўтун ёқолмагай,
Құрдикі бу мاشаққати ҳаргиз йүқолмагай,
Қишилласыда ёзга умидвор мунча күп.

Ким ташна ёр учун, кимида икки-уч ҳарам,
Бирори беватану бирорда борғи эрам,
Бирорни(нг) сүзи зулфиқор, бирорни(нг) қадди
хам,
Ғаддор фалак, доим ишинг бұлды бешу кам,
Қаждор замона, доғулы маккор мунча күп!

Бирор сийму зар ила үлимдин омон бұлур,
Етиб муродға бири ҳокими замон бұлур,
Ақча учун киши роҳзан ёмон бұлур,
Бечора косиб аҳлиға, билгил, зиён бұлур,
Ноҳақ қон тұкарға босмачи хунхор мунча күп...

Завқий, ким айди, мунча шикояти дароз қил,
Сузни мухтасар айлаб, иборатни оз қил,
Ким зимистон күнгүлларни баҳору ёз қил,
Қад рост туруб, сүз била әлни сарафroz қил,
Айтмай десанг, муносиби ашъор мунча күп.

КАЖДОР ЗАМОНА

Ғаддор фалак ситам нишона
Каждор, мариz, эй замона!

Яхши ҳама даҳр аро нигунсор,
Ҳар ерда ривождур ёмона.

Ҳеч камбағал ўлмагай қариндош,
Бойларни бирор демас бегона.

Пул бўлса кифоя, майли душман,
Бепул қарамайди дўст жона.

Зоғу зағани юрибди озод,
Булбулга қафас берур замона.

Инсон шарафила қадрсиздур,
Ҳайвон жасадила мардумона...

Сардорлар ўлди бехирадлар
Ақл аҳли юраги тўлди қона.

Эй тез забону мардум озор,
Кил фикр, не иш эрур чаёна?

Эл таънида шикваи замондин
Завқий ишинг ўлди бу фасона.

ИСКАЧАЛЛА

Мардум кадим интичи тарзий ажханашини ташомиди
демократичеки тарзий чистай дар маданияти Узбекистон
дебо жардик кечини ишланган бўнни. Ишланган ташомиди
демократичеки тарзий дар кадим салтни от ишонидан ғаромайди
кадим бўнни интичи тарзийни ташомиди демократичеки тарзийни
такдизиши мурдаборлик ишланган изоҳомиди
демократичеки тарзийни ташомиди демократичеки тарзийни
такдизиши мурдаборлик ишланган изоҳомиди
демократичеки тарзийни ташомиди демократичеки тарзийни

интичи тарзийни ташомиди демократичеки тарзийни
такдизиши мурдаборлик ишланган изоҳомиди
демократичеки тарзийни ташомиди демократичеки тарзийни

НАСИХАТ

Жаҳонда камсухан ким бўлди, асрори ниҳон бўлди,
Кимики сўзлади кўп, билки расвойи жаҳон бўлди.

Назокат ортурай десанг, мисоли ғунча хомуш бўл,
Надинким оғзини то очди гул, барги хазон бўлди.

Чаманда арғувондек сурат оро бўлмағинг хуб йўқ,
Пишарда мевасиз шармандадур, сирри аён бўлди.

Дема машҳур бўлмоқ яхши, буғдой донаси пинҳон,
Дарахти қилди жавлон, сарғайиб охир самон
бўлди.

Биродар, ол мени(нг) пандимни, ўз қадрингни
синдирма,
Киши ўз иззатини билмади, охир ёмон бўлди.

Агар иззат талабсан камнамолиғ орзусин қил,
Қаю ажнос бисёр ўлса суди йўқ, зиён бўлди.

Садафлар күп оғиз очмак билан күкси бўлур холи,
Ки баъзиси лабин кам во қилиб дурри ягон бўлди.

Эй Завқий, хаста оғзинг кам очиб, ибрат кўзинг
очфили;
Ажабким қўл яқода юргудек турфа замон бўлди.

АҲЛИ РАСТА ҲАЖВИ

Арзим буки Қорисумалакка,
Еткурса бошини ҳам фалакка.

Гаҳ-гаҳ назора айласун ул,
Ибрат кўзи бирла бу самакка.

«Сангёда» носдонни мақтаб,
Сўз нақдини урмасун маҳакка.

Ул Шоҳазиз айрилиб отидин,
Ўхшай деди Соли ҳезалакка.

Синмайди деманг Набиқулини,
Пойнакни уришириар саракка.

«Судъя қизи» кўп керулмасунлар,
Вужуди бўлунар минг бўлакка.

Улфатлари шамъгарми аҳмоқ,
Шам қайчини боғласин этакка.

Саллохбача — отлари Жалилбой,
Тұрт тепкини едилар хұракка.

Шокир қора тарзи одам әрмиш,
Минг лаънат үшал қора әшакка!

Құп ҳаддидин ошмасин Назирбек,
Үхшайди ул ошқовоқ хамакка.

Пул келмаса банкадин, бойвачча
Карнай чаладур бұлур-бұмакка.

Ул локича бойвачча дастор
(Елгани) да үхшатур бұзакка.

Кофирча деган бир Аҳмаджон бор,
Құп шуғли баланд ҳанграмакка.

Аъламни(нг) үғуллари Олимжон,
Ҳайфи тұну салла гунгалакка.

Бир зарра риоя қыл тұрамни,
Құш рамзи сухан билан күмакка.

Сил афт ориққина Мұхиддин,
Аҳволи аён бұлур кузакка.

Фозилхұјжа деган оқфуруш бор,
Дафъ ҳар мараз ила зиндалакка.

Олиб борур үлди Қосим охун,
Бизни Қоракұлга ҳандалакка,

Усмончани соати ярашмиш,
Ришхүр алишурму мүйчинакка.

Мавлон эшигига ота Фозил,
Үхшайды бароқ десам күпакка.

Шашпар лақаб отли бойвачча,
Хүштор бүлибди оқ билакка.

Кир күйлак ўлибдилар Умаржон,
Сотмоқ учун эмди жун жиякка.

Чинни била чой сотур Жалолхон,
Жононни қүшилтуур хашакка.

Чит растаси ичра Мирза Ҳамдам,
Чит машинасин сотур әлакка.

Үрус қули чит сотиб Зокиржон,
Қочди, еди қамчини (сүякка),

Мирҳамзабой ўғли Кичкинажон,
Нисфи газ эмас, келур сеякка.

Иқонбача бирла Булбул ўғли,
Үхшайды ҳар иккиси пуфакка.

Ул ҳожи Ҳасан деган заки табъ,
Йүқ тоқатим анга сүз демакка,

Нусрат била ошнолифим бор,
Тентаккина, шатрама шатакка.

Сүфини боласи Абдуқодир
Қаттиқлиги үхшамиш данакка,

Хожи касал ўғли бод рафтор,
Доғулики панд берур Қамакка.

Қосим шамол андаки енгилроқ,
Үхшаб учар худди бодпаратакка.

Ул Маъдали баччанинг қадини
Қўп қаттиқ эгибди — чамбаракка.

Ортиқбачани семиртиинглар,
Ўқ бўлғуси катта замбаракка.

Эл ани(нг)акасин үхшатурлар
Бурнин сумак, оғзини тувакка.

Кўр, иштаҳасини Хўжабачча,
Ош солиб ичар эмиш челакка.

Йўлдошни демиш хитой табиби,
Бодбар муҳолифи юракка...

Элликбоши ўғли мокиёнбоз,
Устоз бўлубди куркуракка.

Қорибача синчалакка үхшар,
Фарзинбача мисли войваякка.

Тўқсобанинг ўғлини ҳарифлар
Бир ойда чиқардилар чипакка.

Қози қизига дуолар айтинг,
Ул насли башар әмас малакка.

Фарзин бисоти лола рухлар,
Оlamни мусаххар этти якка.

Эй Хұжа жақон, күп аччиғим тез,
Хам етти пичоқ бориб сүякка.

Нұсратга ярашди ит яқоси
Бошин суқадурки қар катақка.

Абдулла ҳожи күп суюлганидин
Минг мартаба чап берур куракка.

Машхұр үша күр Мели әрүрсан,
Бошинг агар етса ҳам фалакка.

Кирса халога уч күн ухлаб,
Құкнор кайфіда кетар пинақка.

Гап таъсир айламайди сенга,
Аблақ, ты слепой әшакка...

Гап таъсири кетмасун, Мұминшоқ
Ош еб, оғиз артмасин патакка.

Тошканд үтөғаси Файзи шайтон,
Құл қүйди пүкон билан тезакка.

Извесни вагончи тунд күр Одил,
Ұлмай туруб үхшади кесакка.

Күр бұлмаса пул оқиб келурму,
Бу бадшакл слепой дуракка.

Қирқ олти киши фасона қилдим,
Ким чиқса үқийди Мұймаракка

Таъбингни аробасини тұхтат,
Шотисини боғла филдиракка.

Завқий осилурға ҳимматидин,
Дор боғлади бир баланд теракка.

АЖАБ ЭРМАС

Бу кунлар бошимизда бир сақоб үлса ажаб эрмас,
Мунаввар зимнида бир офтоб үлса ажаб эрмас,
Бу давлат сув юзинде бир ҳубоб үлса ажаб эрмас.
Күрунса сурату асли ниқоб үлса ажаб эрмас,
Очилса пардалар юздин ҳижоб үлса ажаб эрмас.

Насими жонфизо бемор танга, эй сабо еткур,
Хазон пажмурда бўлганларга сан обу ҳаво еткур,
Қўй энди биз билан бегонани бир ошно еткур,
Гадомиз, бошлар узра соялар солсун ҳумо еткур,
Муқаррапардур замона инқилоб үлса ажаб эрмас.

Шиори шаръ бирлан зийнат афзо үлса Фаргона.
Тонг эрмасдурки шаҳри жаннат осо үлса Фаргона,
Ҳавоси руҳпарвар ҳам дилоро үлса Фаргона,
Жаҳон аҳлиға гўё дафъи савдо үлса Фаргона,
Бўлуб тупроғи анбар, сув гулоб үлса ажаб эрмас.

Үтуб бир қарн, ақроним, жаҳон обод кўргайсиз,
Жаҳон аҳлини золим ҳаддидин озод кўргайсиз,
Гирифтори алам эрмас, ҳамани шод кўргайсиз,
Бурунги ўтгану кетган кўнгулда ёд кўргайсиз,
Қариган чоғда Завқий бир шабоб үлса ажаб
эрмас.

ОТИМ

(Мүқимий билан мушоара)

Бу падар лаънат ҳаром ўлгир отим,
Ҳар қачонким, мен минар бўлсам касал,

Зарра келмас ўзига боққан била,
Емига қўшиб бериб қанду асал.

Ётса ўрнидан туролмас нотавон,
Қилмасам қўйиб пишанг бирлан шатал.

Йўқ табибларким юриб боқтиргмаган,
Тортсайди эртароқ, кошки, ажал.

Тўғрисидин бўлмасин оту улов,
Хўжахондек ҳеч бир одам ўсал.

Эл аро афсоналар қилди, куринг,
Ҳар тарафдин чиқди минг байту ғазал.

Етмадим Завқий пиёнбозорига,
Эртадин то кечгача қилсам жадал.

ҚАҲАТЛИК

Қаҳатлик бўлди бу Фарғонамизда,
Топилмас парча нон вайронамизда.

Паямбар бўлса нон, ош — авлиёдур,
Яна очлик давосиз бир балодур.

Ўлим хавфи ўраб қишлоқларни,
Не қишлоқу жибол авлоқларни,

Қирилди қанча одамлар вабодин,
Нишона қолмади меҳру вафодин.

Шишиб ўлганни кўммакка киши йўқ,
Ким ўлган бирла одамни(нг) иши йўқ.

Киши боқмас жигар, ҳамсоясифа,
Қочиб шафқатки, Анқо соясифа.

Ўғирлиққа тушиб кимларни ройи,
Гуноҳсиз нечалар қирқилди пойи.

Нече газзоб бўлиб ришватға мойил,
Диёнатли кишилар бўлди сойил.

Шаҳарга келди ҳар ёндин халойик,
Қидирғай дардига ким тибби ҳозиқ.

Шаҳар аҳволидин берсам нишона,
Кишилар тентирап ҳарёна ёна.

Фарибу бекасу бечора беҳад,
Бамисли «дол» янглиғ ҳам бўлиб қад.

Тилангайлар боқиб ҳар ёнга зори,
Гўдаклар, марду зан кетган мадори.

Чаҳорсу, растаю бозор томонлар,
Хатарли тўпланиб қанча ёмонлар.

Кисабур, дуздлар сифмас жаҳонга,
Тикиб кўз ҳам қилурлар қасд жонфа.

Биронни(нг) парча нонин тортиб олғай,
Биронга молу жондин ваҳм солғай.

Йўқотди нечалар номус-уётин,
Унутди ким шарафли одам отин.

Олиб қочғай саватдин даста нонлар,
Ва ё чайнар солиб оғзиға донлар.

Үраг раҳм айламасдин боз аларни,
Бу ожиз, нотавон бечораларни.

Демаслар чорасиз, йүқ ихтиёри,
Бу янглиғ чархи золим қилди зори.

Чиқиб эрдим бугун янги шаҳарға,
Кўзим тушди бу янглиғ шур-шарға.

Яланга тўпланибди кўп халойиқ,
Сўз айтур ҳар бири ҳолиға лойиқ.

Қамитет садри, ҳоким ҳам приступ,
Чиқиб келди аларни қуршади тўп.

Хотинэркак тушубким орқасиға,
Илиб нимжон боласин елкасига.

Ҳама шавқун солиб, ким юлди сочин,
Дедилар барчамиз оч, қил иложин.

Бу янглиғ хор бўлгайму одамизод,
Агар қодир эсангким айла имдод.

Хлеб деб телгром берғил ишиға,
Ўшал оламни титратган кишиға.

Хабардор айлағил оқ подшоҳни,
Билурму кўкка урган дуди оҳни.

Ғариб, бечоралар очу яланғоч,
Ғанийлар айтадур: ёндашмағил, қоч!

Қилиб эрдики, ҳоким бир ишора,
Йифилди қанча миршаб бешумора.

Боқиб тилмочиға айди ғужурлаб,
Афандим таржима айлар бижирлаб:

— Темур йўллар бузуқ, ёпиқ дўконлар,
Таҳаммул қилсангиз андак замонлар,

Ўшал Гирмон уруши тўхтаган он,
Пойизларда келур ошлиқ билан нон.

Фуқаро: хоҳ ўрус, сарт, армани хоҳ,
Мудом оқ подшоҳ ҳолидин огоҳ.

Кими ким кўнглида бўлса ёмонлик,
Қилурмиз ҳабс, кўрмас ул омонлик.

Бу сўздин таржимони тўхтаган чоғ,
Камитет садрини(нг) кўнгли бўлиб чоғ,

Такаллум айлади воиз каби ул,
Билиб гўёки жойиздек каби ул:

— «Бўлур ҳалво сабрдин ғўралар ким,
Топур баҳт собири мастуралар ким.

Бориб уй-уйга айланглар дуони,
Худойим асрасин оқ подшони».

Жавобиға халойиқ қилди фарёд,
Кишиға бермади нафъ нолаю дод.

На бўлғай эрди каждор, эй замона,
Муруват айласанг топиб баҳона.

Ғарибларни (нг) муродин ҳосил этсанг,
Фақат «құт-лоямут»га восил этсанг.

Баҳор борони ҳам бенам бұлурму,
Ҳисобсиз неъматинг ё кам бұлурму.

Ва ё хор айламай мундоғ жаҳонни,
Қаро ер остиға жо қил бу жонни.

Қулоқлар ҳар тарафда кеча-кундуз,
Фалакда бор эмиш қүйруқли юлдуз.

Агар әхсон дариғ тутсанг башардин,
Фалак тоқинг ушласин шұры шардин.

Еқангни ушла, Завқий, ибрат олғил,
Халойиқ меҳрини күнглингға солғил.

СУВ ЖАНЖАЛИ

Олдим құлымга хомани,
Ездим ажайиб номани,
Тингланг қизиқ ҳангомани,
Жанжоли то алхол экан.

Қурғур Қаримбобосидин,
Хеч тинчимай даъвосидин,
Үлдик анинг ғавғосидин,
Боёнлари дажжол экан.

Айбини иқрор айламас,
Хеч номусу ор айламас,
Панд этсангиз, кор айламас,
Сүз садқаи увол экан.

Элликтадин, гоҳ юзтадин,
Дод деб келурлар устадин,
Юз арз бұлса устидин,
Елғони күп ишкол экан.

Хар қанча қылса гуфту гү,
Бу ёзда тансиқ бұлди сув,

Ким можарони (нг) боши бу,
Моҳияти яққол экан.

Борганда пешвоз қўй сўйиб,
Ҳожи миробга тўн қўйиб,
Кунлар ўтар шу хил тўйиб,
Кўнгиллари хушҳол экан.

Хоҳ рози, хоҳ бўлсун хуноб,
Юрт-элга сув бермай мироб,
Ҳожи ерин қилмиш сероб,
Деҳқон учун қаттол экан.

Ногоҳ, бу ишдин дарғазаб,
Нажжор Раҳимберди қараб,
Юрт-эл учун бўлмиш тараф.
Ким аҳди моҳу сол экан.

Ҳожи Рауф қойим мақом,
Истаб закон бирла низом,
Ҳамсоя олдида мудом,
Жинни хўжа баққол экан.

Қатнаб бу юзи қоралар,
Ҳоким ўйини моралар,
Юзлаб берурлар поралар,
Ҳатто сўйилган мол экан.

Шопу шалопини тақиб,
Эллик демай юзга боқиб,
Ҳоким ҳукм қилмиш чиқиб,
Маккор, золим — зол экан.

Бечоралар ранжур дили,
Сувсиз етилмай ҳосили,
Завқий — сафосиз бу йили,
Қадди әгилган «дол» экан.

ТАЛАДИНГ БАРИНГ

Эшит арзи ҳолим, эй (шанқилар),
Мени мунча яккаладинг баринг,
Чопишиб келиб, қоқишиб туриб,
Хила құрқитиб, таладинг баринг.

Менга бир бұқоқни хириллатиб,
Қолиб ол они деб ириллатиб,
Олақарғадек йиғилиб чүқиб,
Менга хұмрайиб қарадинг баринг.

Чит растасини ғовур қилиб,
Ит қувган соқовдек ҳовлиқиб,
Гаронишга арз этиб охири,
На иш қилгали ярадинг баринг.

Бир эски тұнга бу хусуматинг,
Бижғиб ичингда неча иллатинг.
Ғұдайиб ~~Сабак~~ қиласыз дебон,
Бир авахтага солмадинг баринг.

Мени үлдурур кишидек бұлиб,
Ана үтди деб, мана кетди деб,

Тұпаланг қилиб, күча чангитиб,
Күз олайтириб қарадинг баринг.

Аччиқ суханим қилдими асар,
Чопишиб ҳар қаёнга сарбасар,
Мисли бир пашша чаққан мода хар.
Күча-күйда шатталадинг баринг.

Ва на манда сүз, ва на сенда гап,
Манам индамай, санам энди хап,
Шаҳри Фарғона ичра Завқийни
Бу баҳонада синадинг баринг.

ФАРФОНА

Эшитинг қиссаи мен айлайин изҳор Фарфона,
Күйиб ҳокистар үлди жумлаи бозор Фарфона,
Мисол оташ билан бўлди, кўринг, гулзор Фарфона,
Хуружи (үғри) лардиг тортадур озор Фарфона,
Халойиқлар кўзига бўлди эмди тор Фарфона.

Бериб фатво урушинглар демай қози Қамол ўлсун,
Ҳамани йўлдин оздирган ӯшал фосид хаёл ўлсун,
Бўлиб «шўро»¹га аъзо бетамиз бир неча мол ўлсун,
Яна Абдурашид ул ҳангى хардек оқсоқол ўлсун,
Нигун иқбола тушди толии идбор Фарфона.

Ўзидур бир фалокат хонаю, номи эрур «шўро»,
Қелиб бир неча бой, бойбачалар бўлди анга аъзо,
Яна «мухторият» деб фитна-шўришлар қилиб пайдо,
Ажабким роҳзану газзоб қўрбоши эрур гўё,
Ани(нг) номини шарҳига қилурман оп, Фарфона.

¹ Бу ерда шоир «шўро» сўзи билан «Шўрои ислом» деб агалган реакцион ташкилотни кўзда тутади.

Сипоҳисиз амири лашкари анда Чаниш бўлди,
Раис жумҳури алқисса Чўқаев занчалиш бўлди,
Қилишди салтанат даъвосини, охир на иш бўлди,
Қочиб, бадномлари юрт-эл аро кўп сарзаниш

бўлди,

Паноҳ элтарга сичқонлар ини ҳам тор, Фарғона.

Қима дод айлайин аҳли ҳукумат бўлса Одилкўр,
Қўп одам қонига зомин булиб бўйла жоҳил кўр,
Урушни бошлади, қочди, узи бўлмай муқобил кўр,
Писиб билмамки кетди Афғон ичра, балки

Кобил кўр,

Юруб ғурбатда, ҳаргиз кўрмасин дийдори Фарғона.

Ҳукумат ичкарида, ўгрилар саф тортди саҳрова,
Олиб қўрбоши, понсад номини неча ҳаромзода,
Отиб ўқ ҳалқига поси намак ном олди дунёда,
Бўлуб мағлуб, қочди, ўлди оқиб кўпи дарёда.
Қочишли сулҳга келмай, ҳар тараф начор, Фарғона.

Писиб бўри каби қундуз тўқайзор ичра юргайлар,
Тун оқшом босма деб отин шаҳар, қишлоққа

сургайлар,
Йиғиб мардумни(нг) моли бирла ишрат-базм

қургайлар,
Шаҳардин чиқса ким, тўртингисан, деб қийнаб
ургайлар.

Неча бераҳм золим дастидин эл хор, Фарғона.

Тирилтиromoқ бўлуб аввал кўмилган хону бекларни,
Ўлим ҷоҳига солди босмачилар бу тирикларни,
Ҳисобини билиб бўлмас куйиб ўлган ўликларни,
Шукурким, тангри еткизди мададга большевикларни
Илоҳо баҳт-толиъ бўлсун эмди ёр, Фарғона!

КҮЗ ОЧАЙЛИК

Фурсат ғанимат, аҳбоб, миллатга күз очайлик,
Саъй ила жону дилда ҳимматга күз очайлик,
Номус, диёнат истаб ғайратга күз очайлик,
Фанни(нг) ривожи бирла санъатга күз очайлик,
Умр ўтди зулмат ичра ғафлатга күз очайлик.

Ул кунда бошга тушган савдони ҳеч унутманг,
Құрган қиёмат ойин ғавғони ҳеч унутманг,
Хар кимса онт ичарлик даъвони ҳеч унутманг,
Бу вақт бирлан әмди үқбони ҳеч унутманг,
Юрт-әлга жону дилдин хизматга күз очайлик.

Зулматда етган әлни(нг) ёндурудилар чароғин,
Маҳкам тутинг, бу фурсат қиймат анинг яроғин,
Истанг амаллик олим — раҳбарларин сўроғин,
Очинг аҳолиларни(нг) ғафлатда кар қулоғин,
Бас әмди сусткашлик, журъатга күз очайлик.

Истанг ҳуқуқ илмин, якранг әмиш ҳукумат,
Бўлса ривож ҳар бир касбу ҳунарга рухсат,

Жонларға қүйса миннат, истар кишига раҳмат,
Үйқудин уйғотинглар ҳожат талаб раият,
Бемор асри үтти, сиҳҳатга күз очайлик.

Уммидимиз гули ҳам бу навбаҳор очилди,
Қон ёшлар оққаниға юз лолазор очилди,
Шод ул, халойиқ, охир лайлу наҳор очилди,
Сармаст әдик ҳамиша әмди хумор очилди,
Хушёр ұлуб мұваққат суҳбатга күз очайлик...

ЮЗИНГНИ КУРСАТИБ

Юзингни күрсатиб аввал ўзунгга бандалар қилдинг,
Яна күнглум олиб юз ноз бирла хандалар қилдинг,
Жамолинг партавин солиб, ажойиб жилвалар

қилдинг,

Масиҳдек бир боқишда мурда жисмим зиндалар
қилдинг,
«Сенга мен то қиёмат ошно», деб ваъдалар қилдинг.

Қани менга вафои аҳд қилғонинг, гули фунча,
Қани булбул сифат олдингда тургоним очилғунча,
Қани бизларға ҳамсуҳбат рақиблардек тонг отқунча,
Сани дарди фироқинг айтиб-айтиб йиғлай ўлгунча,
На деб эй меҳри йўқ, мен хаста қулға ғамзалар
қилдинг.

Деб эрдинг: кеча-кундуз мен сени ёринг бўлурман деб,
Тикандек сұхбатингда бир гули норинг бўлурман деб,
Жафони сенга оз айлаб, вафодоринг бўлурман деб,
Умидим кўп эди, ёлғиз харидоринг бўлурман деб,
Ажабким халқ ичинда булҳавас деб шиквалар
қилдинг.

Манга мардумлар аиди: берма кўнгул бевафо ёра,
Сени овора айлар, аҳди ёлғонлар, ситамкора,

Вафоси йўқ, ишонма сўзига, шўхи жафокора,
Дедимким: носиҳо, инъом кўпдур ошиқи зора,
Нетай, эй bemуруват, охири шармандалар қилдинг.

Тариқи ошноликни бузуб номеҳрибон бўлдинг,
Мени жононим эрдинг, эмди кимга жонажон бўлдинг,
Неча кун мента улфатлик қилиб ороми жон бўлдинг,
Қўзимни мардумида неча соат меҳмон бўлдинг,
Қаландардек танимфа ғам ҳаририн жандалар қилдинг.



МУНДАРИЖА

МУҲАММАД СОЛИХ

МАЖЛИСИИ

Қиссан Сайфулмулк 60

ТУРДИЙ

Газал

Тор күнгүллук беклар	105
Куяр тил	106
Бошима бир күхи ғам	107
Қатраям ночиз	108
Туркона хиром айлади	109
От ва инъомнинг кечикиши ҳақида	110
Мухаммас :	112
Субҳонқулихон түгрисида ҳажвия	115

БОБОРАҲИМ МАШРАБ

Газал

Бу тани хокий	122
Дунёға келиб	123
Ногаҳ кўруборон	124
Эй мени нозик ниҳол ороми жоним	125
Дилбар	126
Наманган шаҳридин кетсам	127
То кийди қизил	128
Малаксан ё башар	129
Тинмайин югурдим бу ғам даштида	130
Ул дилбари раъно	131
Бир боқишинг	132
Ҳеч кима маълум эмас	134
Чун қўлум бирла аёғим боғламоқ ҳожат эмас	135
Мустазод	136
Мухаммас	138
Мусаддас	140

ГУЛХАНИЙ

Фазал

Лола күксидек	144
Күнгүл озодадур	146
Терламиш май тобидин	147
Етмади мажнунға	148
Зарбулмасал	149
Хикоят	150
Хикоят	153

НОДИРА

Фазал

Риёу ҳирсу тамаъ	157
Жон күрмади рүздин ҳаловат	159
Мени жунунима Мажнунни берманғиз нисбат .	160
Эй хушо	162
Кел санга, эй шоҳи жаҳон	164
Ғунчадек оғзи	165
Тийрадур субҳи нашотим	166
Фазаб бирла нигорим ўтди	167
Сайд этди мени	169
Агар гулшанға кирса	171
На гул сайр айла	173
Эй сабо	174

МАҲЗУНА

Мухаммас	176
Фазлий ва Маҳзуна ўртасидаги мушоара	178

УВАЙСИЙ

Фазал

Дилбаро	182
Бир пари пайкар	184
Забонингни кетургил	185

Бўлдум дучёр	186
Кимдуур	188
Ваҳм қил, жонон	189
Дилимни истсанг	190
Навоий ғазалига мухаммас	191

МАХМУР

Муножот ба даргоҳи қози-юл-ҳожот	195
Дар сифати қишлоқи Ҳапалак	197
Авсофи қози Муҳаммад Ражаб авж	199
Ғазали қози Муҳаммад Ражаб авж дар бораи худ	202
Авсофи Ҳожи Ниёз	203
Ғазали Ҳожи Ниёз	205
Дар сифати ҳаким Туробийи ҳазор халта	207
Дар сифати ҳаким Туробийи ҳазор халта будир	209

МУЖРИМ-ОБИД

Ғазал

Эл фирибиға узатди турраи дастор шайх	212
Тушубдур бошима савдои ғурбат	214
Қайда, эй дўстлар	215
Замона	216
Гулистон ичра	218
Кўнглум	219
Эшиздим	220
Гулистон интизоринг	221
Айтингиз	222
Навоий ғазалига мухаммас	223

МУНИС ХОРАЗМИЙ

Ғазал

Волийи мулки тариқат	227
Шамшод қоматинг	229

Истадинг эй дил	231
Кулбам	232
Ихтиёр этғали	233
Бир замон ичра	235
Фамингдин эрүр ўтлуғ оқим расо	236
Истасанг сайр	237
Ютубон бу замонда қон шуаро	239
Рубоий	241

ОГАХИЙ

Фазал	
Бугун	245
Қил, эй соқий, карам	247
Манга зулм айлаб	249
Ул юзи гул нигор	250
Навбаҳор	251
Эй күнгүл	253
Ашкима гар канора йүқ	255
Нече умрлар	257
Келди совуқ шиддати	258
Боғу баҳор	259
Навоийга мухаммас	260
Рубоий	262

КОМИЛ ХОРАЗМИЙ

Фазал	
Эй күнгүл	265
Ютубон бу замонда қон фузало	267
Не суд очилса гул	269
Жон бахш лаълинг	270
Эй дурри ноб	272
Кулмадинг бир	274
Мунисга мухаммас	276
Қитъа	278

МУҚИМИЙ

Ғазал

Ақлу ҳуш	282
Навбаҳор	284
Зулм ила қаҳру ғазаб	285
Мураббаъ	286
Мухаммас	290
Фурқат ғазалига мухаммас	292
Ҳажвий асарлар	294
Танобчилар	294
Московчи бой таърифида	298
Тўй	303
Авлиё	309
Баччағар	311
Вексил	314
Ҳапалак қишлиғи тұғрисида	316
Сайлов	318
Ахтаринг	319
Асрорқұл	320
Саёҳатнома	322

ФУРҚАТ

Ғазал

Баҳор айёмида	329
Мунча золим бўлмиш	331
Одам эрмас	333
Тушуб бошимға кулфат	335
Билмадинг аҳволим	336
Кошки	337
Не жафолар чекмадим	338
Мухаммас	339
Мусаддас	346
Илм-маърифат ҳақида	
Илм ҳосияти	348

Гимназия	353
Виставка хусусида	356
Нағма ва нағмагар ва азининг асбоби ва ул нағма таъсири хусусида	360
Суворов ҳақида	363

АВАЗ

Ғазал

Құй, әй пари пайкар	373
Ҳар кишининг дарди бұлса	375
Әй париваш	376
Бұлғуси	377
Сүрмади ҳолимни	378
Ман чекмаган дарду меңнат қолмади	379
Оқким, қилди фалак	380
Мандин хабар олмас ошнолар	381

Турли шеърлар

Халқ	382
Топар әркан қачон	383
Тил	384
Мактаб	385
Фидой халқым	386
Сипоҳиларга	387
Уламоларга	388
Шайх	389
Икки шайх	391
Ҳудорият	392
Қитъа	393

ЗАВҚИЙ

Замона кимники	398
Мунча күп	400
Каждор замона	402

Насиҳат	404
Аҳли раста ҳажви	406
Ажаб әрмас	412
Отим	413
Қаҳатлик	414
Сув жанжали	419
Таладинг баринг	422
Фарғона	424
Кўз очайлик	426
Юзингни кўрсатиб	428

АННОТАЦИЯ

«Ўзбек шеърияти антологияси»нинг учинчи томига Муҳаммад Солиҳдан бошлаб Завқийгача бўлган классик шоирлар киради. Бу томда Муҳаммад Солиҳ, Бобир, Турди, Машраб, Гулханий, Но-дира, Маҳзуна, Увайсий, Махмур, Мужрим, Мунис ва бошқалар-нинг ҳаёти, ижоди ҳақида маълумот ҳамда асарларидан намуна-лар берилган.

На узбекском языке
АНТОЛОГИЯ УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ
в V томах

ТОМ III

Гослитиздат Узбекистан — Ташкент — 1961

Редакторлар: *П. Шамсиев, Х. Сулаймонова*

Расмлар редактори *Г. Бедарев*

Техн. редактор *Л. Ильина*

Корректор *И. Қобилов*

Босмахонага берилди 15.VI-1961 й. Босишига
руҳсат этилди 9.IX 1961 й. Формати 70×108^{1/32}
Босма л. 13,75. Шартли босма л. 18,83. Нашр
л. 12,36.+4 вклейка Индекс н/а. Тиражи 25 000.
Узбек Давлат бадиий адабиёт нашриёти. Тош-
кент. Навоий кӯчаси, 30. Шартнома № 74 6/57.

Узбек Маданият министрилиги Ўзгловчидати-
нинг З-босмахонаси. Тошкент, Ленинград ку-
часи, 15. 1961 й. Заказ № 234. Баҳоси 79 т.

